

Сирли кекса хитой, ёки доктор Дао, бу ажойиб китобча қаҳрамонларига ҳар доим ҳаётнинг энг таҳлиқали дамларида пайдо бўлади. Яшашдан толиқиб, ҳафсаласи пир бўлган кишилар баҳтли бўлишнинг сирларидан боҳабар бўлгач, қувноқ, кучли, янгиланган инсонларга айланадилар ва Буюк Мавжудлик ҳадясини бошқаларга етказадилар. Муаллифнинг ўзи ҳам ушбу китобда битилган амалларга содиқ қолгани унга омад келтирган. Ҳажми мўъжазлигига қарамай, бундан-да яхшироқ ибратли китобни тасаввур этишингиз қийин. Кекса хитойнинг сирларидан фойдаланиш, бу оламда баҳтли ва эркин яшашингизга имкон беради.

Бунинг учун Адам Жексоннинг Саломатлик, Бойлик ва Муҳаббатнинг ўнта сирлари тўғрисидаги қолган китобларига ҳам эга бўлиш фойдаладан холи бўлмайди. Мазкур китоблардан ҳеч бири сизни бефарқ қолдирмайди.

*Рафиқам Карен ҳамда фарзандларим София ва
Сэмюэлга абадий меҳр билан багишилайман.*



Адам ЖЕКСОН

**БАХТЛИ
БҮЛИШНИНГ
ЎНТА СИРИ**

*Ҳаётингизни ўзгартирадиган донишмандлик ва
баҳт ҳақида замонавий зарбулмасал*



**ТОШКЕНТ
«DAVR PRESS» НМУ
2013**



ТАШАККУРНОМА

Ушбу китобнинг яралиши ва унинг устида ишлашда каминага кўмаклашган барча инсонларга миннатдорчилигимни билдиришни истайман.

Адабий котибим Сара Менгук ва унинг ёрдамчиси Жоржия Гловерга кўрсатган жонбозликлари учун; Торсон нашриётининг барча ходимларига, айниқса, Эрика Смитга мазкур китоб яралиш жараёнида билдирган жўяли мулоҳазалари ҳамда Фиона Браунга қўллётмани таҳрир этгани учун ташаккур изҳор этаман.

Доимо ёзувчилик фаолиятимни қўллаб-қувватлаб, мен учун битмас-тутанмас илҳом ва меҳр манбаи бўлиб қолган волидамга; мени қўллаб-қувватлаб, барча ишларимга раҳнамолик кўрсатгани ва ёрдам бергани учун падари бузрукворимга; бутун оила аъзоларим ва дўстларимга уларнинг меҳру муҳаббати учун раҳмат.


Ва ниҳоят, менга ва бошлаган ишимга доимо ишонган рафиқам — Каренга нисбатан муҳаббатимни ифодалашга сўз ожизлик қилади.

N1 31802
291

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонувларга асосан ҳимояланган.

“DAVR-PRESS” нашриёт-матбаа уйининг ёзма руҳсатисиз ушбу нашрия қисман ёки тулиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

2013/450	Alisher Navoiy
A12128	nomidagi
ISBN 985-503-180-9	МК



КИРИШ

*Сиз баҳт излаб бутун оламни кезиб чиқасиз,
у эса доим ёнгинанғизда, ҳар қандай инсоннинг
құли етгудай масофададир...*

Гораций

Истаган кишиңгиздан ҳаётдан ҳаммадан ортиқ қандай тилаги борлигини сұрасанғиз, әңг күп тарқалған жавоб: «Мен шунчаки баҳтли бұлишни истайман», деган сұзлардан иборат бұлади. Бұлмаса, нима учун баҳтли инсонлар шунчалик оз? Нима сабабдан дори ишлаб чиқаришда антидепрессант (тушқунликдан асровчи восита)лар әңг жадал ривожланыёттан соңа бұлмоқда? Үзларини баҳтли ҳисобловчы кишилар нима учун бүнчалар қам? Балки, баҳтни топиш мүмкін бұлмаган жойдан излаёттандырмиз?

Ишончим комилки, қанча пул топаёттанимиз, ким бұлиб ишләёттанимиз ва қаерда умргузаронлик қилаёттанимиздан қатын назар, ҳаммамиз баҳтли бұлишга лаёқатлимиз. Умримиз кечәёттан онида шартшароитларимиз қандай бұлса-да, биз нафақат шунчаки баҳтли бұлиш, балки тұлық баҳтиёрлик түйгусидан баҳрамандылғанда лаёқатлимиз.

Хақиқий Баҳт гаму ҳасратнинг йүқлигіда әмас, балки қувонч, мамнуният ва ҳаётдан лаззатни түйищдан иборат. Бу инсон доимий равища роҳат-фарогатда юриши керак, деган маънени билдиримайды. Ахир, ҳаётимизда шундай дамлар ҳам бұлады, шахсий йүқотишлиарға дуч келамиз, улар табиий равища мусибат, андух ва күнгил қолишлиарни келтириб чиқармай сира иложи йүқ. Лекин



бу изтиробларни енгиги үтишга кўмаклашувчи воситалар мавжудки, кўпинча ҳаётий синовлар ва кулфатларни галабаларга айлантиришга қодирмиз.

Бошқа кўпгина зарбулмасаллардан фарқли ўлароқ, ушбу китоб қаҳрамонларининг (мен таниган бир неча донишманд қишиларнинг умумлашган образи ифодаланган кекса хитойдан ташқари) бошидан кечирганлари ҳаётий воқеаларга асосланган. Албатта, қиссаҳонликни янада қизиқарлироқ қилиш умидида айрим персонажлар исми ҳамда ҳаёт тарзини ўзгартиредим, аммо уларнинг барчаси ўз умрининг хатарли дамларида галабага эришганлари рост ва ҳар бир бобда ёзилганидай, баҳтли бўлдилар. Умид қиласманки, уларнинг бошидан кечган воқеалар сизни ҳам илҳомлантиради ва руҳингизни кўтаради, сиз ҳам улардан ибрат олиб, ўз ҳаёtingизда Ҳақиқий Баҳтга эришасиз.

Адам ЖЕКСОН
Хартфордшир, март, 1995





РУЛДАГИ ОДАМ

Xаммаси октябрь ойининг совуқ ва ёмғирли кечасида, у уйга ишдан қайтаётган чогида бошланди. Соат саккизлар эди — бу ҳафтада у учинчи бор хизматда ушланиб қолишига тұгри келди. Кун бүйи осмонни булат қоплаган ва айтиш мумкинки, осмону фалак шаррос қуйиб турған жалани бу йигитча уйга равона бұлаётган чогига асраб құйғандәк эди. Унинг хаёллари радиобошловчи берган саволдан бўлинди. Савол жуда оддий эди, гарчи унинг жавоби йигитни кўпроқ қизиқтирса-да, бу саволни ўзига ҳеч қачон бермаган эди.

Берилган саволга бутун мамлакат бўйлаб ўтказилган сўровнома сабаб бўлганди. Унда ҳар эллик кишидан фақат биригина ўзини баҳтли ёки қаноатланган дея ҳисоблаши ҳамда ўнтадан биттасигина атиги бирлаҳза давомида ўзини ҳақиқатда баҳтли ҳис этганини хотирлай олгани маълум бўлибди. Радиобошловчи тингловчиларга оддий ва очиқ савол билан мурожаат қилди: «Сиз баҳтлимисиз?»

Бу сўзлар кутилмаганда йигитни ўз ҳаёти ҳақида ўйлашга мажбур қилди. У дабдурустдан умрида айнан нима етишмаётганини сўз билан ифодалай олмасди: унинг саломатлиги дуруст, яхшигина иши бор, маоши тўловларни тўлаш ва гоҳ-гоҳида майда-чуйда қувончли воқеаларга сарфлашга доимо етади, унинг яқин дўстлари ва суюмли оиласи бор. Буларнинг барчасига қарамасдан, ич-ичидан ўзини лоқайд, тушкунликка



тушган, ҳаётдан безгандай сезарди. Унга нимадир етишмасди, лекин ўша нималигини ўзи ҳам билмасди, унга ҳаёти қандайдир ўта муҳим нарсадан мосуволиги аён эди, холос. У ҳаётини тавсифлаб баён этишига жуда күп сұзлар мавжуд эди, лекин улар таркибига «баҳт» сұзи кирмагани аниқ.

Қачонлардир Торо: «Күпчилик инсонлар ўз умрини осуда тушкунликда кечирадилар», деб айтған сұzlарини йигит айнан ўз ҳаёти ҳақида ифодаланғанини хаёлидан үтказди. Ҳар бир күн бошланишидан то ниҳоясига қадар тинимсиз курашдан иборат. Құнғылсызлик ва оғир кечинмалар бу күнларга доимий йұлдошдек туюларди. Йигит ҳаёти поёnsiz бир хилдаги доирата айланғани ҳақидағы ҳиссиётларини енгіб үтлемасди. Ёшлиқдаги орзу ва умидалығы нима бўлди? Қани унинг болалиқдаги қалбини тоширган гайрати, шодлиги-ю қувончлари? Уларнинг барчаси бу тинимсиз курашта қачон айланиб улгурди экан?

У ҳаёт тинимсиз курашдан иборатлигини қайдадир ўқиганди, бироқ йигит бунга күниколмасди. «Албатта, — дерди ўзига ўзи, — ҳаётда бундан-да муҳимроқ нимадир бўлиши керак». У ўзини адашиб қолғандек, гүё баҳайбат лабиринт ичига қамалған-у, унга қандай тушганини англолмай ва чиқиш йўлини қайдан излашни билолмагандай сезарди.

Худди шу лаҳзада йигитнинг ўйлари бўлинди — бу сафар машина капотидан кўтарилаётган дуд сабаб бўлди.

— Жин урсин! Бири бўлмаса, бошқаси тайёр туради, — мингирлади у машинасини йўл ёқасида тўхтатаркан. У ташқарига чиқиб, капотни кўтарди. Моторга қараган эди, юзига қайноқ бугдан ҳосил бўлган иссиқ ҳаво урилиб, уни қалқиб кетишга мажбур қилди.

Камзулини бошига ёпиб, шамол ва ёмғирдан қандай бўлмасин муҳофазаланиш учун эгилганча, энг яқин масофадаги телефон бор жойгача бир ярим чақирим йўл юриб борди. Носозликни тузатиш хизматини чақиритирди. Оператор унга механик тахминан бир соатлардан сўнг



боришини хабар қилди. Унинг машинасига қайтиб, кутишдан бошқа чораси йўқ эди.

Шундай совқотган, чарчаган ва аянчли аҳволдаги йигит машинаси томон имиллаганча қайтарди. Бу ҳодиса ҳётида энг чуқур ўзгаришларнинг бошланиши эканини ҳали билмасди.





УЧРАШУВ

Йигит машинасига яқинлашган чогида унинг ёнида қандайдир одам турганини күрди. Бу оқ комбинезон ва сариқ бейсбол кепка кийган кекса хитойлик эди. У паст бўйли, ажин қоплаган юзи истарали, силлиқ оқ сочли киши эди. Биринчи навбатда йигитнинг эътиборини чолнинг кўзлари тортди.

Унинг чуқур ботган қўй кўзлари қувноқ чақнарди.

- Хўш, бу ерда нима рўй берди? – сўради у.
- Нимани назарда тутяпсиз? Менга айтишларича, кимдир келиши учун бир соатча кутишимга тўтри келаркан, – жавоб берди йигит.
- Ҳаёт кутилмаган ажойиботларга тўла, – деди табассум билан чол. – Хўш, қандай ташвишингиз бор?
- Нима бўлганини билмайман, – тушунтириди йигит. – Йўлда кетаётганимда, тўсатдан капот тагидан дуд чиқиб, мотор ўчиб қолди.
- Бўлти, қани кўрайлик-чи, – дея чол енгларини шимарганича капотта яқинлашди ва моторни кўра бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг у бошини кўтардида, йигитча томон ўтирилиб, яна жилмайди. – Ташвишланишнинг ҳожати йўқ.

Моторни кавлаштиришда давом этиб, чол қандайдир куйни хиргойи қиласарди.

- Кўринишдан, сизнинг кунингиз яхши ўтганга ўхшайди, – деди йигит.
- Албатта. Менинг ёшимга етганингизда, – деди қария, – ер юзида ўтказаётган ҳар бир кун яхши бўлади.



— У бошини йигит томонга ўтириди. — Агар сизни менинг фикрим қизиқтираётган бўлса, ҳаёт жуда қисқа ва гоят қадрли, уни ёқимсиз ҳислар учун совуриш ярамайди, деган бўлар эдим. Инсоннинг ўртача умри 76 йиллигини биласизми? Бу акир бор йўги 3952 ҳафта! Унинг 1317 ҳафтаси уйқуда ўтказилади. Бу дегани умр кечириш учун атиги 2635 ҳафта ёки 63240 соат қолади! Ёшингиз нечада? — сўради чол.

— Ўттиз учда.

— Демак, башарти омадингиз келиб, ўртача умр кўрсангиз, бу бор-йўги 1114 ҳафталик умрингиз қолибди дегани!

— Нақадар ҳаётбахш фикр! — деди йигит истеҳзосини яширолмай.

— Мен шунчаки сизга фурсат ғаниматлигини, уни баҳтсизлигингизга сарфлаб зое ўтказиш керакмаслигини кўрсатяпман. Ҳаёт яшаш учун мўлжалланган ва ҳар бир кун кураш эмас, қувонч келтириши зарур. У тинимсиз бўрондаги жангта эмас, офтоб чарақлаган даладаги сайрга ўхшashi керак.

Йигитнинг баданидан чумоли ўрмалагандек, соchlари эса тиккайгандек бўлди. Бу чолга унинг нималарни ҳис қилаётгани қайдан маълум? Бу шунчаки тасодифлигига ўзини ишонтирмоқчи бўлди. Ахир чол унинг фикрларини уқиб ололмайди-ку.

— Кўпчилик кишилар баҳтсиз бўлишни афзал кўришлари мени доимо таажжубга солади, — деди чол машина мотори устида ишини давом эттиаркан.

Йигит машина томига суюниб олди.

— Нимани назарда тутяпсиз? — сўради у. — Одамлар баҳтсизликни афзал кўрмайдилар. Ҳаммаси вазиятлардан келиб чиқади. Инсон билан нимаики рўй берса, уни баҳтли ёки баҳтсиз қиласди.

— Албатта, эҳтимол, ҳақдирсиз. Лекин баҳт вазиятлар билан белгиланса, нима учун сиз бошингиздан кечирган ташвишу қувончларга бошқа инсон бутунлай ўзгача муносабатда бўлади ва ўзини тамомила бошқача сезади.



Бир вақтлар мен икки кишини танирдим. Улар ҳар иккаласи ҳам бир автоҳалокатда талафот күришди. Бири тушкунликка берилган, иккинчиси гоятда ҳаётсевар эди.

— Уларнинг муносабатлари нима сабабдан турлича эди? — сўради йигит.

— Тушкунликка берилгани даргазаб бўлиб, доимо: «Нима сабабдан бу ҳодиса айнан мен билан рўй берди?» дейа сўраса, ҳаётсевари эса: «Омон қолганим учун худога шукур!» — дерди. Бу «Икки киши панжара ортидан боққандা бири балчиқни, иккинчиси юлдузларни кўради» деган нақлга ўхшайди. Ҳаётингиздаги вазиятлар қандай бўлишидан қатъи назар, ўзингизни баҳтли ёки баҳтсиз сезишингиз учун улар қандайдир таъсир кўрсатиши мумкинлигига ишонмайман, — давом этди қария. — Сиз ўзингизни қандай ҳис қилишингиз фақат ўша вазиятлар ҳақидаги фикрингиз билан белгиланади. Ахир қайси бири баҳтлироқ — идиши ярмигача тўлдирилган деб ҳисоблаётганими ёхуд ярмигача бўш идишни кўраётган кимсами? Ҳа... Энди ҳаммаси равshan. Илтимос, малол келмаса, ҳов анави гайкали калитни узатиб юборинг, — деди у бошини мотордан кўтармай.

— Марҳамат, — деди йигит. — Демак, бизни баҳтли ёки баҳтсиз қиласидан нималардир мавжуд экан-да?

Чол қўлидаги асбобни четта қўйди-да йигитта юзланди:

— Хўш, сизни нима баҳтли қилиши мумкин? — сўради у.

Йигит бир зум ўйга чўмди.

— Билмасам... Айтайлик, кўпроқ пулим бўлса, — жавоб берди йигит.

Чол қутисидан яна бир асбобини олди ва яна йигитта юзланди.

— Сиз ростдан ҳам пул баҳт келтиради, деб ҳисоблайсизми? — қизиқди у.

— Билмадим, ҳарҳолда, у майший жиҳатдан яхши шароитларни таъминлайди.



— Изоҳларингиз чакки эмас, — истеҳзо билан гапга қўшилди чол. м Лекин энг қуладай шароитдаги баҳтсизлик ҳам баҳтсизлигига қолади! Ҳатто энг зўр ҳашаматли шароитда ҳам гўё умуман ҳеч вақонгиз йўқдай сиз ўзингизни баҳтсиз ҳис этишингиз мумкин. Агар пул баҳт келтирса эди, дунёда миллионерлар энг баҳтли инсонлар бўларди, лекин барчамизга маълумки, бойлар худди қашшоқлар каби баҳтсизлик ва тушкунлиқдан яхши боҳабардирлар. Пулга моддий бойлик сотиб олиш мумкин, масалан, мана бундай машинани — лекин бу ўзига диққатни вақтингчалик тортади. Буюмлар ҳеч қачон узоқ муддатли баҳт келтирмайди.

Йигит қариянинг сўзлари ҳақида мулоҳаза қиларкан, нигоҳини четта қаратди, шу топда чол яна асбобни олиб, таъмираш билан машгул бўлди.

— Бошқа иш билан шугуулансам-чи? — сўради йигит.
— Назаримда, ўзга ишнинг бошини тутсам, баҳтли бўлардим.

— Энди худди тошйўнарнинг сўзларини гапира бошлаяпсиз! — деди кулиб чол.

— Қайси тошйўнар?

— Менинг юртимда баҳтсиз тошйўнарнинг ҳаётда ўзгача тарзда яшашни истагани ҳақидаги воқеани сўзлайдилар. Бир куни у бой савдогарнинг уйига бориб қолибди, унинг барча бойликларини кўриб, шаҳарда бу савдогар қандай обрў-эътиборга эгалигини пайқабди. Тошйўнар савдогарга ҳавас қилиб, унга ўхшашни орзу қилибди. Ўшанда оддий тошйўнар бўлиб қолишимга тўғри келмайди, деб ўйлади.

Иттифоқо, унинг бу истаги вожиб бўлиб, бирданига савдогарга айланиб қолибди ва жуда кўп ҳашаматли буюмларга эга бўлибди. Ҳеч қачон ҳатто орзу ҳам қилмаган ҳукмронликка эришибди. Лекин энди бечораҳол кишилар унга баҳиллик қила бошлишибди ва ундан нафрлатанишибди, энди унинг душмани тасаввур этганидан ҳам кўпроқ ортиб кетибди.

Кейин у атрофини хизматкорлар ва аскарлар қуршаган юксак мартабали шахсни кўриб қолибди. Бу буюк ва қудратли киши қаршисида барча кишилар тиз



чүкишарди. У бутун подшоҳлиқда энг обрўли ва ҳурматта сазовор инсон эди. Савдогарга айланган тошйўнар энди ана шу ҳукмдор киши сингари, шунча хизматкор ва қўриқчиларга эга бўлиш ҳамда энг кучли ҳокимиятта эришишни истаб қолди.

Унинг ңияти яна рўёбга чиқди. Қаршисида барча тиз чўқадиган, подшоҳлиқдаги энг юксак мартабали кишига айланди. Лекин ўша ҳукмдор айни пайтда энг золим ва баджаҳл киши бўлгани боис уни шунча аскар қўриқларди. Бунинг устига қуёш тафти ҳукмдорни ўзини гоят бебаҳт ва аҳамиятсиздай сезишга мажбур қиласиди. У кўкда чарақлаб турган қайноқ офтобга қараб: «У қанчалик буюк! Мен қуёш бўлишни истардим!» – дебди.

Шундай истак билдирган заҳоти у нурларини ерга таратувчи қуёшга айланиб қолибди. Лекин кучли шамол туриб, ер юзи буулутлар ортига яширинибди. «Мен шамол каби кучли бўлишни истайман» деган ўй хаёлидан ўтган заҳоти у шамолга айланибди.

Аммо дарахтларни илдизлари билан қўпорувчи ва бутун бошли қишлоқларни яксон қилувчи ўша шамол ҳам қоя билан тўқнашган чоғда унга кучи етмабди. Баҳайбат қоя тош қимир этмасдан шиддатли ҳамлага қаршилик кўрсатибди. «Бу тош жуда мустаҳкам экан! – дебди шамол. – Мен шу тош каби метин бўлишни истайман!»

Шунда у энг кучли шамолларга дош берган баҳайбат тошга айланибди. Энди ер юзида энг зўр кучга айланганидан кейин, ниҳоят, у ўзини баҳтли деб билибди. Аммо шу пайт қандайдир жаранглаган товуш чиқаётганини эшишибди. Болганинг қояга урилиб, уни майда бўлакларга бўлаётгани маълум бўлибди. «Менданда кучли ким бўлиши мумкин?» ўйлабди тош. Баҳайбат харсангтош узра эса... тошйўнар турарди.

Кўпгина одамлар ўз умрларини баҳт ахтаришга сарфлайдилар ва фақат уни қаердан излаш зарурлигини билмаганлари боис, сира тополмайдилар. Шарққа қараб қуёш ботишини кўриб бўлмайди; сени қуршаган нарсалар орасидан ахтарсанг, баҳтни топиш маҳол.



Тошйұнар воқеасидан шундай холоса чиқариш мүмкінки, инсон ҳәётида ниманидир... үзідан бошқа ниманидир үзгартыриб, баҳтга эришолмайди!

— Лекин мен ҳалиям англолмаяпман, — деди йигит. — Ахир шахсий фожиалар ва күнгил қолишлар-чи? Инсон бундай вазиятларда қандай баҳтли бўлиши мүмкін?

— Ҳар биримиз ҳаёт уммонида сузаётган кемага үхшаймиз, — деди чол. — Шамол ва тўфонлар — табиий оғатлар, шахсий фожиалар — ўткинчи ҳолатлар, лекин сиз ҳеч қандай бўрону тўфонларни писанд этмай истаган манзил сари кемани бошқара билгунингизча, улар келиб-кетаверади. Аслида, тўфон ва гулдураклар умримизни ҳатто бойитишга қодирлар. Бу уларга қандай нуқтаи назардан қарашга боғлиқдир.

— Нимагадир гапингизга унчалик тушунолмаяпман, — деди йигит.

— Бўронлар ҳавони тозалаб, ёмгир ёғдирадилар, ёмгир-сиз ҳаёт қандай бўларди? Усиз үсиш ҳам, юксалиш ҳам бўлмасди. Камалак ҳам бўлмасди. Бўронлар шамолни ҳаракатга келтиради ва сиз ўз кемангизни бошқаришини эпласангиз, шамолнинг кучини ўз фойдангизга қаратади биласиз.

— Буни сизнинг үхшатишларингиз даражасида англаб турибман, лекин барибир фикрингизга қўшилолмайман. Баҳтсизликни қандай қилиб афзалликка айлантириш мүмкін? — гапни бўлди йигит.

— Ахир эшитдингиз-ку, ҳар бир нарсанинг яхши жиҳатларини топиш мүмкин.

— Албатта, бу шунчаки гап-да. Мен ҳеч қачон фожиани яхшилик деб ҳисобламаганман.

— Бўлиши мүмкін, чунки уни топишга ҳеч қачон уринмагансиз ҳам. Ҳеч бир фойдали жиҳати бўлмаган муаммонинг ўзи йўқ. Нимаики ҳодиса юз берса, унинг мақсади ва сабаби бор; содир бўлаётган ҳар бир ҳодисадан умрни бойитувчи бирон холоса чиқади. Кўп одамлар вазиятнинг қуллари каби шамол ва тўfonларга бош эгиб, сувнинг оқими бўйлаб сузадилар, чунки бу кишилар кемани бошқариш учун штурвал ва



елканлар мавжудлигини билмайдилар, улардан сира фойдаланмайдилар. Ўз кемаларини қандай бошқаришни унугтганлари боис, ёмон об-ҳавони қарғайдилар. Улар инсон қандай вазиятта тушмасин, баҳтли бўлиш учун имкони борлигини англамайдилар.

— Ахир инсон ўз ҳиссиётларини таnlай олмайди-ку,
— гапини маъқуллади йигит.

— Башарти сиз бунга астойдил ишонсангиз, имкон топилади, — деди чол. — Шу сабабли сиз нимага ишонишингизни пухта ўйлаб кўришингиз даркор!

— Хўп, — баҳсни давом эттирди йигит. — Ахир ҳар қандай инсон вазиятлардан қатъи назар, баҳтли бўлиши мумкин, деб ҳисобламайсиз-ку? Чўлоқ, кўр, гаранг ёки гунг инсонлар-чи? Бу тоифадаги киши қандай баҳтли бўлиши мумкин?

— Гапингизга қараганда, умрингизда ногиронларга мутлақо дуч келмаган кўринасиз, — жавоб берди қария.
— Тушунаман, сендан кўра имконияти чекланган киши сендан фарқли равища ўзини баҳтироқ сезиши гайри табиий кўринса-да, аслида шундай. Бутун умри давомида кўр, кар ва соқов бўлган Хелен Келлер хонимдан шундай оғир мажруҳликда қандай умр кечиргандарини сўраганларида у нима деб жавоб берганини биласизми?

Йигит бошини чайқади. Қария давом этди:

— У: «Жуда ажойиб умр кечирдим», деган. «Кўрлик баҳтсизлик эмас. Инсон басирлигини тан олиб, унга кўниколмасагина баҳтсиздир». Шу тариқа, бойлик, саломатлик, шуҳрат ва ҳукмдорлик ҳали баҳт тушунчасини билдирамайди.

— Фаранг императори ва ўша даврнинг энг қудратли кишиларидан бири Наполеондан ҳаёти баҳтли кечганми, деб сўраганларида у: «Умримда олти кундан ортиқ баҳтли кун бўлмаган», деб жавоб бериби.

Йигит ҳайрон эди.

— Бу қанақаси? Нима учун даҳшатли мажруҳ бир одам баҳтли бўлиши мумкину, шундай катта ҳокимият ва бойлик эгаси бўлган бошқа инсон баҳтсиз?

Чол машинани таъмирлашни тутатди-да йигитта юзланди.



— Бахт — ҳаётнинг буюк түхфаларидан бири ва унга ҳар бир киши етишиши мумкин. Тушуняпсизми, бахтни топмайдилар, уни яратадилар. Шарт-шароитлардан қатъи назар, ҳар бир инсон ўз бахтини яратишга қодир.

— Лекин бахтни қандай яратиш мумкин? — сўради йигит.

— Инсоният қонунларга бўйсунади, аниқ қонунлар нарса ва ҳодисаларни табиий равищда бошқаради. Табиатда ҳамма нарса — тўлқин тебранишларидан тортиб қуёш чиқиши ва ботиши-ю фасллар алмашинуви — буларнинг барчаси шу қонуниятларга бўйсунади. Улардан кўпларини олимлар ихтиро этишди — ернинг тортиш қонуни, ўзгарувчанлик қонуни, магнитизм қонуни. Лекин ҳали кашф этилмаган қонуниятлар ҳам мавжудки, улар орасида бахтли бўлиш қонуни ҳам бор.

— Бахтли бўлиш қонуни? — такрор сўради йигит. — Бу нима?

— Бу ўнта доимий тамойил. Агар уларга тўлиқ амал қилинса, бахт яратишга ёрдам бериши тайин. Инсоният цивилизациясининг минг йиллклари давомида кишилар бойликларга эришишга интилганлари боис бу қонуниятларга менсимаган муносабатда бўлдилар ва вақт ўтган сари, бу қонунлар ёдан чиқди. Уларга ишонишни давом эттирган оз миқдордаги кишиларгина бу қонунлардан боҳабардирлар. Шу сабабли улар эндилиқда «сирли» бўлиб қолди.

— Улар тўғрисида қандай билиш мумкин? — сўради йигит.

— Бир дақиқа... ҳозир тайёр бўлади. Мана, бўлди... худди янгилик ишляяпти, — деди чол қўлини латтага артаркан. — Бу ҳақда яқин орада билиб оласиз. Мана, буни олинг, — деди у йигитга бир варақ қофозни узатар экан.

У вараққа қаради. Бу ўнта исм ва ўнта телефон рақами ёзилган рўйхатдан иборат қофоз эди. Йигит варақ оптидан бирон ёзув топиш умидида уни ўтириди, лекин орқа томони топ-тоза эди.

— Бу нимаси? Сирлар қани?

Аммо йигит бошини кўтарганида чол ғойиб бўлганди.



— Ҳой! — қичқирди йигит машинаси атрофини айланиб ўтиб. — Қаердасиз?

У атрофга синчиклаб қаради, лекин чол ҳеч ерда кўринмасди.

Шу топда машинаси ёнида оҳиста тўхтаган таъмировчи юқ машинаси чироқлари йигитнинг кўзларини қамаштириди. Йигит шошганича ҳайдовчининг эшиги томон югурди.

— Вой, жин урсин, сиз...

Унинг дами ичига тушиб кетди. Рулдаги киши чол эмасди.

— Нима бўлди? — машинадан чиқаётib сўради механик.

— Тўхтанг, — деди йигит. — Бояги чол қани?

— Қанақа чол? Нималар деяпсиз? — ҳайрон бўлиб сўради механик. — Ахир сиз машинангиз бузилганини хабар қилгандингиз-ку, тўгрими?

— Ҳа, лекин бу ерда машинани тузатган бир одам бор эди... кекса хитойлик.

— Қанақа кекса хитойлик? Келинг, яхшиси станциядаги операторга қўнғироқ қилиб, нима бўлганини сўраб кўраман.

Механик машинасига чиқиб, радио орқали оператор билан боғланди. Бир дақиқадан сўнг ташқарига чиқиб:

— Йўқ, улар чақиригингизни фақат менга айтганларини таъкидлашмоқда. Ўйлашимча, ҳамма гап компьютерда. Албатта, мен бу ҳудудда ишлаётган ягона механик эмасман. Майли, модомики шу ерда эканман, келинг, машинангизни текшириб кўрамиз. Қани моторни ўт олдириб кўринг-чи.

Мотор шу заҳоти ўт олди.

— Ҳаммаси жойидага ўхшайди, — деди механик. — Ҳеч қандай муаммони кўрмаяпман.

Механик қайтиб кетганидан ўн дақиқа ўтган, йигит ҳали ҳам машинасида ўтириб, кекса хитойлик ҳақида фикрларди. У ким эди ўзи? Қаердан пайдо бўлди? Қандай баҳт сирлари ҳақида гапирди?

У биронта саволига жавоб тополмасди. Унинг қўлидаги бор нарса — ўнта исм ва телефондан иборат рўйхат эди.



Биринчи сир

МУНОСАБАТЛАР ҚҰВВАТИ

Йигит уйга етиб бориши билан чолнинг рўйхатидаги кишиларга қўнгироқ қила бошлади. Уларнинг олти нафари билан гаплашишга муваффақ бўлди. Қолган тўрт киши уйда бўлмагани боис, уларга қайта қўнгироқлашишни илтимос қилинган хабар қолдирди.

Йигитнинг рўйхатидаги биринчиси Барри Кестерман исмли киши эди. Жаноб Кестерман маҳаллий мактабда дарс берувчи муаллим экан. У эртаси куни кеч соат бешгача бандлигини айтиб, дарсдан сўнг йигитча билан учрашишга бажонидил розилик билдириди.

Жаноб Кестерман кўринишдан анча ёш, қирқ-қирқ бешлардан ошмасди. Йигитча у ўтирган синф эшигини қоқиб келган чогида жаноб Кестерман ўқувчиларнинг дафтарларини текшириб ўтиради.

— Ҳа, келинг, келинг, — дея йигитнинг қўлини қисганча кутиб олди жаноб Кестерман. — Сиз билан танишганимдан гоят хурсандман. Марҳамат, ўтиринг. — Хуш, кекса хитойлик билан кеча учрашдингизми?

— Ҳа. У машинамни тузатиб берди.

— Вой, худойим! У ростдан ҳам энг кутилмаган жойларда пайдо бўлиб қолади. У сизга Асл Бахтиёрлик қонунлари тўғрисида сўзлаб бердими?

— Ҳа. Сизга улар тўғрисида бирон нима маълумми? — сўради йигитча.

— Ҳа, албатта.



— Улар ростдан ҳам тўғри чиқадими? — қизиқди йигитча.

— Ҳеч шак-шубҳасиз. Үн беш йил муқаддам ҳаётимнинг энг тубан нуқтасига етгандим. Мен ишсиз қолиб, туғилиб ўсган шахримдан беш юз чақирим наридаги кичиккина чордевордан бошпана топгандим. Дўстларим ҳам йўқ, ўзимни буткул аламзада ва эзилгандек ҳис қиласдим. Гўё атрофимни қора булут ўраб олган — ундан чиқиб кетиш йўлини ажратолмасдим.

Кунлардан бир куни боғдаги ҳовузга қараган узункурсига бориб ўтиридим ва ўзимнинг барча муаммоларим тўғрисида ўйлардим. Бир неча дақиқадан сўнг бошимни кўтариб қарасам, ёнимдабиров ўтирганини пайқадим, у кекса хитойлик эди.

Йигитча бу сўзларга базур ишонарди. Унинг умуртқа погонаси узра яна енгил жимирилаш ўтди.

— Мен ёзиб борсам, қаршилигингиз йўқми? — сўради у.

— Ҳа, марҳамат, — деди жаноб Кестерман ва ҳикоясини давом этди. — Айтидан, безовталигим кўринишимдан аниқ ошкормиди, бу қария гўё фикрларимни уқиб олгандай, барча муаммоларимдан аллақачон бохабар бўлса керак, деган таассурот юзага келганди.

Биз бирпас гаплашиб ўтиридик ва у оғир руҳий ҳолатни бошидан кечираётган дўстининг ёнига кетаётганини айтди. «Дўстим шунчаки Асл Бахтиёрликнинг олтин қоидасини унуди», — деди у. У аслими ёки яна бошқачами, бахтиёрликнинг олтин қоидаси тўғрисида аввал ҳеч эшитмагандим, лекин у кейинроқ тушунтириб берди. «Ҳаммаси гоятда оддий, — деди у. — Инсоннинг ақли қай даражага мўлжалланган бўлса, шунча бахтиёр».

Уша дамда уни англамагандим, аммо кейинчалик бу мутлақо адолатлилигини билдим ва энди ҳаётимда бу каби оддий фикр згаллаган энг мухим сабоқларимдан бири эканлигини чин дилдан тан оламан. Унда Асл Бахтиёрликнинг биринчи сири... бизнинг муносабатларимиз сири мужассам.

Йигитча гапнинг давомини эътибор билан тингларди.



— Ижозат этсангиз, тушунтириб берай. Күплар каби доимо нимадир мени ҳам бахтли қиласы, дея ҳисоблардим, лекин ҳақиқатда бахтли бўлиш ёки бўлмасликни ўзимиз танларканмиз. Бир томошада гипноз қилувчини кузатгандим. У саҳнадаги кишиларни гипноз ёрдамида сунъий равища ухлатиб, уларга хом пиёз берди.

Уларга бу пиёз таъмини тотиш насиб эттан энг зўр мева деб уқтирилганидан сўнг, уйқудагиларнинг барчаси пиёзни лаззатланиб ялашди ва роҳатланганча чайнаб ейишли. Шундан сўнг яхши пишган шафтолидан тарқатишиди ҳамда бунинг хом шолғомлигини уқтиридилар. Шафтолидан бир тишлам totигan одамлар ўша заҳоти афтларини буриштириб, тупуриб ташладилар. Пиёз ва шафтолига муносабат фақат гипноз таъсири остида юзага келган.

— Биласизми, муаммо шундаки, умримизда баъзан ҳар қандай нарсаларга салбий муносабатлар вужудга келади ва айнан шулар бахтсизлигимизнинг асл сабабчилари ҳисобланади.

— Қандай салбий муносабатлар? — ҳамсуҳбатининг гапини бўлди йигитча.

— Ҳаётдан нимани кутишимиз бунга яхши мисол бўла олади. Айтайлик, мени ҳар доим бирон-бир ҳодисанинг ёмон томонини кутишга ўргатган бўлишса, унинг оқибатидан ҳеч қачон ҳафсалам пир бўлмайди.

— Ҳа, мени ҳам шундай йўл тутишга ўргатишган. Бу анча мантиқли кўринади, — деди йигитча.

— Бу анча кенг тарқалган фикр бўлса-да, — деди жаноб Кестерман, — лекин у хато ва кўпинча орзуларимизни поймол этиб бахтиёрликни ҳис этишга имкон бермайдиган даъво.

— Ахир, нима учун? — сўради йигитча. — Агар сиз ёмон томонини кутсангиз ва у ҳақиқатда содир бўлса, ихлосингиз қайтмайди, лекин мабодо шундай бўлмаса, сизни ёқимли совға кутади. Башарти сиз яхшиликка умид қилсангиз, ўзингизни умидсизланиш ҳавфига дучор этганингиз қолади.

— Ҳа, дарҳақиқат, гапларингизда жон борга ўхшайди, шундай эмасми? Лекин ҳозироқ сизга кўрсатишм, ҳатто шуни исбот қилишим мумкин — агар сиз ёмонликни кутсангиз, албатта унга дучор бўласиз ёки аксинча.



— Марҳамат қилиб, хонани яхшилаб күздан кечириңг ва уйдаги барча жигарранғдаги нарсаларга ақамият беринг.

Йигит атрофига аланглади. Хонада жуда күп жигарранғдаги нарсалар: расмларнинг ёғоч ҳошиялари, оч жигарранг диван, пардалар карнизовлари, парталар, китоблар ва бошқа күргина майда-чүйдалар бор эди.

— Яхши, — деди жаноб Кестерман. — Энди күзларин-гизни юминг...

Йигитча күзларини юмди.

— ... энди зангори рангдаги... ҳамма нарсаларнинг номини айтинг.

Йигит жилмайды:

— Мен зангори рангда ҳеч нарсани пайқамадим.

— Күзларингизни очинг, — деди жаноб Кестерман. — Қаранг, ахир бу ерда анчагина зангори рангда нарсалар бор.

Дарҳақиқат, зангори рангдаги гулдон, сурат ҳошияси, гиламдаги зангори нақш ҳамда парталар устидаги китоб құйгичлар, жавонлардаги китоблар ва ниҳоят, жаноб Кестерманнинг үзи ҳам зангори рангдаги күйлақда зди. Йигитча қанча изласа, шунча күп зангори рангдаги нарсаларни топарди.

— Назарингиз тушмаган бу нарсаларга қаранг!

— Аммо бу найранг-ку. Ахир мен зангори нарсаларни әмас, жигаррангларини излагандым.

— Айнан шуни сизга күрсатмоқчы әдим! — деди жаноб Кестерман. — Сиз фақат жигарранғдаги нар-саларни излаганингиз туфайли худди шуларни топдингиз ва зангори рангдагиларга мутлақо эътибор бермадингиз. Ҳаётда ҳам худди шундай бұлади, сиз ёмонликни излаганингиз сабабли ёмонликни топасиз ва яхшиликни четда қолдирасиз. Шубойс ёмонликни күтган ишончингиз айнан шунга олиб келади... У сизни ҳаётда рўй бераётган барча яхшиликларни назарингиздан четлаштиришга мажбур қиласы.

Ҳамма нарсаси бадастур бўлган кўпчилик бой ва таниқди кишилар ҳам шу тарзда ўзларини баҳтсиз ҳис қиласидилар.



Бошқа томондан, оддий ҳаёт кечираётган кишилар бор нарсалари билан қаноатланғанлари туфайли ҳақиқатда баҳтлидирлар. Айнан шу боис идишдаги сув ярмигача тұла деб санаган инсон ярмигача бұш деб ҳисоблаган кишига нисбатан үзини баҳтлироқ билади.

Биласизми, ҳамманинг умумтасаввурига қарамасдан, ташқаридан қараганда, пул, машиналар, жиҳозлар, шұхрат ва омад — барчаси ҳеч бир аҳамиятсиз. Баҳт ҳаётимизга үз муносабатимиз туфайлигина белгиланади. Шу боис үзимизни баҳтли деб ҳис этишимиз учун күп пул, катта үй-жой ёки тузукроқ ишга зға бўлиш шарт эмас; энг зарури — үз муносабатимизни үзгартириш. Айнан шу Семюел Жонсонни қуйидаги сўзларни ёзишга ундаdi:

Мамнунликнинг негизи ақлда бўлиши даркор; кимки баҳтга интилаётганда инсон табиатини қанчалик кам билса, үзининг феъл-авторидан бўлак ҳамма нарсанни үзгартиromoқчи бўлса, үз умрини бемаъни ҳаракатларга завол этади ва қутилмоқчи бўлган андуҳларни орттиради, холос.

— Авваллари ҳеч қачон бу масалага шу тариқа ёндошмагандим, — дея тан олди йигитча, — лекин назаримда, бунинг замирида маъно бор.

— Қизиқ, шундай эмасми? Бундан ташқари, агар сиз ниманингдир ёмон жиҳатини кутиб бажармоқчи бўлсангиз, оқибати қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг, — деди жаноб Кестерман.

— Нимани назарда тутяпсиз? — сўради йигитча.

— Масалан, юзлаб кишилар қаршисида сўзга чиқмоқчиз. Ҳойнаҳой, асабийлашасиз ва рўй бериши мумкин бўлган энг даҳшатли нарсалар ҳақида ўйлай бошлайсиз. Айтайлик, сиз гапирмоқчи бўлганларингизни унутиб қўясиз, дудуқланасиз ва гапингиздан адашасиз, охир-оқибатда ўша ҳамма кишилар қаршисида үзингизни қип-қизил аҳмоқдай кўрсатасиз. Наҳотки, бу үзингизга нисбатан ишончни юзага келтиради, деб ўйласангиз? Тўгрироги, шунчаки ҳаяжонингиз янада ортади.

— Ҳа, эҳтимол, яна ҳам кўпроқ асабийлашардим, — тан олди йигитча.



— Шубҳасиз, ҳар ким ҳам ўзини бошқача ҳис этарди. Лекин бу тамойилни ҳаётда ҳамма нарсага қўллаш мумкин. Ким эрта билан янги кунни сабрсизлик билан кутиб олиш учун ўрнидан иргиб туради — келаётган кундан ёмонликни кутаётган кишими ёки энг зўр кун булишини олдиндан сезиб завқланаётганими? Сизнингча, улардан қай бири ушбу кундан баҳра олади?

— Сизни жуда яхши англаб турибман, лекин мабодо, рўй берадиган ҳодисалар биз кутган натижани бермаган тақдирда-чи, унда нима бўлади? Агар бирон ёмонлик содир бўлиб қолса, унда нима бўлади?

— Олтин қоидани эсланг: ўзингизни қандай ҳис этишни ўзингиз танланг! Ҳар қандай вазиятда худди жигаррангдаги нарсалар каби зангори рангдагиларини ҳам излаб топишингиз мумкин. Сиз диққатингизни вазиятнинг ёмон бўлиши мумкин бўлган томонларига эмас, балки ижобий жиҳатларига жамласангиз бўлади.

— Лекин, мабодо вазиятнинг умуман яхши томони бўлмаса-чи?

— Бирор фожиага йўлиқсак, ундан ижобий хислатлар заррасини топишга қийналамиз, албатта. Лекин фожиадан қутулиш йўлларидан бири ўз кулфатимизда қандайдир ижобий, аҳамиятли жиҳатини топишга ҳаракат қилишдир. Ҳойнаҳой, фарзандини йўқотиш отоналарнинг қалбини вайрон этувчи энг оғир фожиадир, кўпинча шундай ҳолларда кулфатни енгишнинг ягона воситаси бирон-бир ижобий нарсани яратмоқ қобилияти саналади.

Масалан, Калифорнияда ёш бир она катта йўлда маст ҳайдовчининг уриб юбориши оқибатида ўн уч яшар қизалогининг фожиали ўлимидан сўнг қаттиқ куиди. Бу ҳайдовчи маст ҳолда автомобил ҳайдаши оқибатида жуда кўп қоида бузишлар бўлгани ва унга ўхшашлардан қонун одамларни ҳимоялай олмаётгани сабабли онаизор буларнинг барчасига чек қўйиш мақсадида умуммиллий компанияни бошлиди. «Маст ҳайдовчиларга қарши оналар» тўгридан-тўгри Конгрессга мурожаат этдилар ва ичкилик ичган ҳолда машина ҳайдаган ҳайдовчиларни жазоловчи 950 та қарор қабул қилинишига эришдилар.



Бу компания тез орада Канада, Буюк Британия ва Янги Зеландияда ҳам тарқалди ва натижада юзлаб, минглаб кишилар ҳаёти асраб қолинди.

Ҳаётда фойдали бўлиши мумкин бўлган қандайдир ҳадя келтирмайдиган кулфатнинг ўзи йўқ. Бу ҳадяни излаб топишимиш учун танлай билишимиз кифоя. Масалан, кўп йиллар бурун, кекса хитойликни учратганимда, ишдан айрилган чоғим эди ва омадсизлигим ҳамда энди ҳеч қачон бошқа иш тополмаслигим тўгрисида тинимсиз ўйлардим. Лекин ўшаңда қария билан узоқ суҳбатлашганимдан сўнг ишимдан айрилишнимнинг қандайдир ижобий томони ҳам бўлиши мумкинлигини англай бошладим.

— Ишдан айрилишнинг қандай яхши жиҳати бўларкан?
— сўради йигитча.

— Биринчидан, менда янги мартабага эришиш — ўзимнинг ишончим комил бўлган қандайдир иш бажариш имкони пайдо бўлди, — деди жаноб Кестерман.
— Шу тариқа ишсиз қолганлиқдан тушкунликка тушиш ўрнига менда тўлқинланиш, гоятда завқланиш ва келажакка ишонч ҳисси пайдо бўлди. Суҳбатимизга тааллуқли нималарнидир ёзib олиш истагингиз бўлса, қўйидагиларни эсингизда тутинг:

Ҳаётдаги воқеаларга қандай муносабат ҳис қилишимиз, ўша вазиятларнинг ўзи билан эмас, балки биз уларни нима билан боғлаётганимизнинг мазмуни орқали белгиланади.

— Ўзим тушган вазиятга нисбатан шундай муносабат пайдо бўлган чоғда ишдан айрилишим, ҳаётимни янгидан бошлаш учун туб бурилишга айланди. Аввалги ишимдан ҳеч қачон хурсанд бўлмаганим, у иш менга шунчаки пул топиш манбаи бўлганини ўзимни ўзим алдамаслик учун ичимда тан олдим. Энди эса ҳақиқатдан нима хоҳлашим тўгрисида ўйлаб кўришимга имкон топилди. Мен ҳаётимга қандайдир ўзгаришлар киритишни, ижобий таъсир кўрсатишни, жамият ҳаётига аниқ ҳиссам қўшилишини истардим. Аслида муаллим бўлиш истагим борлиги учун шунга қарор қилдим ва коллежда дарс беришга киришишимга унчалик кўп фурSAT зарур бўлмади.



Яна бир мисол келтиришимга ижозат беринг, – давом этарди жаноб Кестерман. – Сиз севгилингиз билан ажрашганингизни тасаввур қилинг. Ўзингизни гўё кўзга ташланмайдиган, хунук туюлиши ва бошқа ҳеч қачон ёр тополмайдигандек ҳис қилишингиз мумкин. Гарчи кимнидир тополсангиз-да, ўзаро муносабатларингиз барибир узоқ давом этмайдигандек туюлади. Бошқа томондан эса, вазиятга буткул ўзгача қарашингиз ва ёрингиз билан ажрашиб сизга муносаброқ кимнидир топиш учун имконият яратганига икror бўлганингизни билдиради. Кўриб турганингиздай, барчаси фақат бизнинг муносабатимизга болгиқдир.

Умрингиздаги воқеаларнинг каттагина қисмига нисбатан қарашларингизни ўзгартириб, улардан ижобий хулоса чиқаришингиз мумкин. Бу ёруг дунёнинг айрим жойларида ҳатто ўлим ҳам байрам ҳодисаси ҳисобланар экан. Чунки ўша ерда яшайдиган инсонлар одам ўлганида унинг руҳи ўз уйига қайтишига ва барча инсонлар эртами кечми, қачон ва қаерда бўлмасин, ўзлари суйган кишилари билан учрашишларига ишонадилар.

– Шундай бўлса-да, вазиятнинг ижобий жиҳатларини кўриш ҳар доим ҳам осон эмас, – зътиroz билдириди йигит.

– Фақат уларни изламаган чогингизда! Башарти қандайдир ижобий жиҳатларни кўролмаган бўлсангиз, аксарият ҳолларда бу шунчаки яхшилаб изламаётганингиздан далолат беради. Бундан ташқари, ҳаққоний саволлар ёрдамида ижобий муносабат яратишими мумкин. «Нима учун бу айнан мен билан содир бўлди?» деган савол билан ўзингизни қийнаш ўрнига «Бу тажрибадан нимани ўрганишим, қандай фойдали сабоқ олишим мумкин?» дея мурожаат этишингиз мумкин.

– Нималар ҳақида сўзлаётганингизга учалик тушунломаяпман, – деди йигитча.

– Нималарни кўраётганимиз, эшитаётганимиз, ҳидлаётганимиз, энди нима қилишимиз зарурлиги, нима ишлар бажарганимиз ёки ҳозир нималар билан шугулланаётганимиз тўғрисида кун бўйи тинимсиз ўзимизга савол берамиз, – тушунтирди жаноб Кестерман.



— Эрталаб уйғонишимиз билан то уйқуга кетиш фурсати етгүнча оңг ортидаги ақдимиз тинимсиз саволлар беришни давом эттиради. Ҳақиқатда тафаккур жараёни саволлар кетма-кетлигидан бошқа нарса эмас. Саволлар жавобларга етаклайди, жавоблар эса ҳиссиётларни чорлайды. Шу аснода, модомики үзингизни баҳтсиз ёки түшкүнликка тушган ақволда сезсангиз, бу күпинча үзингизга ножұя саволлар берәёттганинги билдиради. Ҳәётингизда нималар тұғри бұлаёттганини сұраш үрнига үзингизга нотұғри саволлар берасиз.

Оғир вазиятта дучор бұлған күпчилик одамлар үзларига: «Нима учун бу воқеа айнан мен билан содир бұлды?» ёки «Энди нима қилишим керак?» деган саволлар берадилар. Бу салбий, күчсизлантирувчи саволлар ва улар салбий, күчсизлантирувчи жавобларни келтириб чиқаради. Шунингдек, үзига нисбатан ачиниш, умидсизлик, түшкүнлик ҳисларини чақиради. Башарти биз ижобий, құвват багиловчи саволлар берсак, үзимизда умуман үзгача ҳиссиётлар ҳосил қилишимиз мүмкін.

— Кишига құвват багиловчи қандай саволлар бұлади?
— сұради йигитчा.

— Күч ва умид ҳиссини чорлайдиган саволлар. Масалан, оғир вазиятларда қолсам, шу вазиятта нисбатан қарашларимни дарқол үзгартырадиган учта бақувват саволни үзимга бераман.

— Бириңчи савол: «Бу вазияттинг нимаси ажойиб?»
— Лекин вазияттинг ҳеч бир ажойиблиги бұлмаса-чи? — сұзини бұлды йигитчা.

— У ҳолда үзингиздан: «Бунинг қандай яхши томони бұлиши мүмкін зди?» деб сұранг. Тушуняпсизми, худди бу хонада зангори ранғдаги нарсаларни атайлад қидирганингизда фақат үшани күра бошлаганингиздай, бу савол вазиятдан қандайдыр яхши жиҳатни излашға ундаиди ва сиз албатта уни топасиз.

Хар бир вазият замирауда қандайдыр яхши жиҳати бор ва ҳар бир муаммо ичида қайсиadir туғфа яшириңган, дейишиганида айнан шу назарда тутилади. Ҳар қандай дүнёқараши үзгартыриш мүмкін ва шунға мувофиқ,



ҳар қандай хафагарчилик умрингизни бойитишига эриша оласиз — Асл Бахтиёрликнинг биринчи сири ана шунда.

Кекса хитойлик менга одамлар рўйхатини берди ва уларнинг барчаси Асл Бахтиёрлик сирларини ўргатдилар. Улардан кўплари ўз ҳаётлари давомида жиiddий хавфли вазиятларни бошдан кечирган бўлсалар-да, ҳар қандай вазиятда унга нисбатан қарашларини ўзгартиришга эрищдилар. Ундан ижобий маъно топишга ўргангандарни боис қийинчиликларни енгиб ўтдилар.

Иккинчи савол қўйидагича: «Бу вазиятда нима мукаммал эмас?» У барча нарсани мукаммал қилиш мумкинлигини назарда тутади ва «Бундай вазиятда нимаси ножоиз?» деган саволга нисбатан буткул бошқача ҳис тугдиради.

Учинчи савол: «Бу вазиятни хоҳлаганимдек ўзгартириш ва бу жараёндан қониқишим учун нима қилишим мумкин?» Бу савол вазиятни ўзингизга ёқимли тарзда ўзгартира олишингиз учун барча воситаларни топишга ёрдам беради.

Юқоридаги саволлар амалда қандай қўлланилишига доир бир нечта мисол келтиришга ижозат беринг. Агар кеча кечқурун машинангиз бузилиб қолганида ўзингиздан: «Бу вазиятнинг нимаси ажойиб?» дея сўраганингизда, «Бирор кор-ҳол рўй бериб, азият топмаганим ажойиб бўлди», «Таъмирловчи хизматнинг борлиги ва уларнинг менга ёрдам бериши мумкинлиги зўр-да» ёки «Бу воқеа шаҳардан анча олисдаги қадам етмас жойда содир бўлмагани қандай яхши-я» дея жавоб беришингиз мумкин эди.

«Яна нимаси мукаммал эмас?» деган кейинги саволга «Менинг машинам» деган жавоб тайёр. Ниҳоят, «Бу вазиятни тилаганимдек ўзгартириш ва бу жараёндан қониқиши ҳосил қилишим учун нима қилишим мумкин?» Таъмирлаш хизматига қўнгироқ қилганингиздан кейин механик кутаётган вақтингиздан маза қилиб газета ёки китоб ўқиб ёхуд илгари ҳеч эшитишга имкон топмаган радио эшитиришни тинглашингиз мумкин эди. Бу вақтда



ижодий фойдаланишингиз — келаси дам олиш куни режасини тузиш, хат ёзиш (ручка ва қоз топилган деб ҳисобласак) ёки үзингиз ёзмоқчи бўлган китобингизни бошлишингиз мумкин бўларди. Механик етиб келгунига қадар бирпас ётиб мизгиб олишингиз ҳам мумкин эди.

Мана яна бир мисол. Сиз ортиқча вазнингиз туфайли анча руҳингиз пастлигини тасаввур қилинг. Бунинг нимасияхши? Үз вазнингиздан норози бўлиб баҳтсиз сезаётган фурсатга ниҳоят етишганингиз ҳамда ҳақиқатдан ҳам үзгаришни истаёттанингизнинг үзиёқ ажойиб. Ортиқча вазн юрак хасталиклари хавфини орттириши сабабли үзгаришлар багоят зарурлигини англаёттанингизнинг үзи қойилмақом. Яна нима мукаммал эмас! Сизнинг вазнингиз, қоматингиз. Вазиятни үзгартириш учун нима қилмоқчисиз? Сизни семизликка нима келтирганини билиш, одатланган овқатланиш тарзини үзгартириш ва жисмоний машқлар билан шугулланишни бошлаш зарур. Ортиқча вазнни йўқотиш жараёнини қандай қилиб ёқимли қилишингиз мумкин? Шундай муаммолари мавжуд бўлган бошқа одамлар билан танишиш имкони бўлган бирорта клубга кирасизми ёки машгулотларидан завқланишингиз мумкин бўлган тўғаракка борасизми? Балки рақс тўғарагими, чунки бу машқларнинг ажойиб шаклидир. Сиз жуда ёқтирган яхши озиқни топишингиз ёхуд таркибида ёги камроқ таомлар тайёрлашни ўрганишингиз мумкин.

— Во, ажабо, — деди йигитча. — Демак, кишилар узларига яхшилик келтирувчи нарсаларга диққатларини жамлаб, яхшиликни кутишлари ва узларига тасдиқловчи савол бериб вазиятга үз муносабатини атайлаб үзгартиришлари мумкин экан-да?

— Шубҳасиз, — жавоб берди жаноб Кестерман. — Ҳаётта соглом, баҳтли муносабат яратишнинг моҳиятини «шукрон» деган биргина сўз билан ифодалаш мумкин! Асл Баҳтиёрликнинг энг ишончли сирларидан бири үзингда фақат шукроналик туйгусини пайдо этишда мужассам.

— Хўш, буни қандай қилиш керак?



— Миннатдор бўлишга арзигулик нарсани излаш керак, — жавоб берди жаноб Кестерман. — Ўзингизга: «Бугунги куннинг қайси жиҳати учун шукrona билдиришим керак?» деган савонни ҳар куни беравериш зарур.

— Лекин бу кунга шукrona билдирадиган ҳеч қандай арзигулик жиҳати бўлмаса-чи? — тинчимай сўрайверди йигит.

Жаноб Кестерман унга қошларини хиёл чимириб қаради:

— Бир неча йил илгари эски бир дўстимни кўргани бордим. У ўлим тўшагида ётарди. Шифокорлар унинг умри бир йилга ҳам етмайди, дейишганди. Дўстимни буткул тушкун аҳволда кўрсам керак, деб ўйлагандим, лекин унчалик шодмон бўлмаса-да, анча осуда, қувноқ кўринарди.

— Бир йилга етар-етмас умри қолган инсон қандай қилиб қувонч тувиши мумкин? — ҳайрон қолиб сўради йигитча.

— Ўзим ҳам ундан шуни сўрадим: «Жим, сен нима учун шунчалик баҳтиёрсан?» У эса: «Чунки эрталаб уйғондим, демак бугун тирикман!» — деди. Унинг жавоби мени мулзам қилди. Модомики, ўлаётган инсон ҳам шукronалик келтирадиган бирор нарсани топа олар экан, қолган биз ҳаммамиз ҳақимизда нима дейиш мумкин?

— Қанчалик ёмон вазиятларга тушмайлик, — давом этди жаноб Кестерман, — доимо биз шукур қилишимиз керак бўлган нимадир мавжуд. Ва кўпинча бундай нарсалар тўлиб ётиди.

Сеҳрланган ҳаётда яшаётган инсонлар билан оддий умр кечираётганлар орасидаги фарқ уларни чулғаган вазиятлар ичига яширинмаган, балки уларнинг муносабатларида мужассам топган. Муносабатлар ақдимиз учун ўз умримизни бўяшимизга ёрдамлашувчи мўйқалам кабидир. Бунда фойдаланадиган рангларни ўзимиз танлаймиз.

Уйга қайтаётганда йигитча жаноб Кестерманнинг айтганлари тўгрисида мулоҳаза қиласади.

Энди у ўзи ва ҳаёти ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олганини англарди, лекин янада муҳимроги,



үзини нима учун шунчалик узоқ вақтдан бери баҳтсиз деб ҳисоблаганини түшүнди.

Үша куни кечқурун йигитча жаноб Кестерман билан учрашган чогида ёзган қисқагина ёзувларини қайталаб үқиди.

Асл Баҳтиёрликнинг биринчи сири — муносабатлар қувватидир.

- ◆ Менинг баҳтим ҳаётта бўлган муносабатимга асосланган.
- ◆ Менинг ақлим қай даражадаги баҳтга чоғланса, ўшанча баҳтиёрман. Шу лаҳзадан бошлаб ўз ақлимни баҳтни туйиш учун йўналтираман.
- ◆ Агар яхши натижага умид қилсан, унга етишишга албатта ҳаракат қиласман!
- ◆ Баҳт — бу ҳар қандай лаҳзада, ҳар қандай жойда, ҳамма ёқда ўзим танлашим мумкин бўлган имконият.
- ◆ Ҳар бир андуҳнинг ижобий аҳамияти мавжуд нуқтаи назарни топиш мумкин.
- ◆ Шу лаҳзадан эътиборан ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ижобий жиҳатларини излай бошлайман.
- ◆ Ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда ўзингизга учта савол беришингиз зарур:

Бу вазиятнинг нимаси ажойиб?
Унда ажойиб нима бўлиши мумкин эди?
Ҳали мукаммал бўлмаган томони қайси?
- ◆ Вазиятни тузатиш ва бу жараёндан қониқишим учун нима қила оламан?
- ◆ Асл Баҳтиёрликнинг негизи шукроналиқдир. Шу лаҳзадан бошлаб шукроналик билдиришга арзигулик нарсаларни излайман.
- ◆ Зинҳор ташқи шарт-шароитлар эмас, фақат фикруйларим мени баҳтли ёки баҳтсиз қиласми.
- ◆ Ўз фикрларимни бошқарапканман, баҳтимни ҳам бошқараман.



Иккинчи сир

ТАНА ҚУВВАТИ

Йигитчанинг рўйхатидаги иккинчиси Родни Гринуэй исмли киши эди. Жаноб Гринуэй соглом турмуш тарзи бўйича таниқли йўриқчи эди. У нафақат шаҳардаги етакчи саломатлик гурӯҳларидан бирининг асосчиси, балки бутун дунёга машҳур бўлиб кетган соглом турмуш тарзи ва яхши жисмоний ҳолат ҳақидағи бир нечта китоблар муаллифи ҳам эди.

Йигитча жаноб Гринуэйнинг саломатлик клубига роппа-роса белгиланган вақтда, эрталабки соат саккизда кириб келди. У ерда уни оқ футболка ва зангори жинси шим кийган баланд бўйли, бақувват ва кўркам киши кутиб олди. Жаноб Гринуэйнинг кўриниши бажараётган ишига муносиб эди: ранги офтобда тобланган, сочи калта жигарранг ва очиқ яшил кўзлари кулганида гўё живирлаб нур таратарди.

Жаноб Гринуэй йигитчани хонасига бошлаб кирди ва улар енгил стулларга ўтиридилар.

— Хўш, сизга қандай ёрдам беришим мумкин? — сўради у.

— Ўзим ҳам билмайман, — деди йигитча ва бошидан кечирган воқеаларни унга қайта сўзлаб берди.

— Ҳақиқий Бахт сирлари! — такрорлади жаноб Гринуэй.

— Улар ҳақида ўн йил бурун билиб олгандим. У вақтларда мен ҳали адвокат эдим.



— Адвокат здим? — қайталаб сұради йигит. — Сиз соглом турмуш тарзи йүриқчиси бўлиш учун ҳуқуқшунослик лавозимингиздан воз кечдингизми?

— Мутлақо тўгри.

— Лекин нима учун? Ахир, ҳойнаҳой, узоқ йиллар давомида ўрганган ва балки қолган бутун умрингизга етарли даражада таъминлайдиган фойдали лавозимингизни қандай қилиб ташлаб кетдингиз?

— Ҳаммаси ниҳоятда оддий, — деди жаноб Гринуэй.

— Мен баҳтсиз здим. Талабалик чогимда ҳаётдан нимани исташим тўгрисида заррача тасаввурим йўқ зди ва назаримда, ҳуқуқшунослик анча ўзига жалб этувчи соҳа бўлиб туюларди.

Бу машгулот ҳатто ўзимга ёқмаса-да, бошқа ҳар қандай лавозимни эгаллашимга бундай маълумот жуда яхши асос бўлади, деб ўйладим.

— Лекин соглом турмуш тарзи йүриқчиси бўлиш учун эмас-ку?

— Тўгри. Мен шуни хоҳлаганим сабабли йўриқчи бўлдим. Бир неча йил давомида адвокатлик ишини жуда соз эпладим, лекин ишга ҳеч бир қизиқишим йўқ зди. Йиллар ўтган сари, ўзимни гоят чарчаган ва маъюс, руҳсиз сезардим. Ҳатто шунчаликка бордики, эрталаблари ўрнимдан туришга эринардим.

— Ҳа, бу туйгу менга анча таниш, — деди йигитча.

— Кейин ажойиб кунлардан бирида идорамда бироз ушланиб қолгандим, қоровул кириб қолди. У аҳволимда нимадир ўзгариш бўлганини пайқади. Мен қўлларимни юзимга қўйиб, кўзларимни артганча ўтирадим. Ҳаммаси жойидалигини, шунчаки бироз толиққанимни айтдим. Шунда у мендан «кўтарилиш»ни синаб кўришни исташимни сұради. Мен унга: «Йўқ, раҳмат», — дедим. Умримда ҳеч қачон гиёҳванд моддаларга эҳтиёж сезмаганман. «Нима учун гиёҳванд моддалар ҳақида гапирияпти, деб ўйляяпсиз?» — дея сұради у. Кейин мен жуда қизиқиб қолдим. Гиёҳванд моддалардан бошқа инсонда яна нималар кўтарикиликка чорлаши мумкинлигини тасаввур этолмасдим.



Йигитча чўнтағидан ручка ва ён дафтарчасини олиб, ёза бошлади.

— Қоровул менга нима деганини биласизми? «Жисмоний машқлар!»

— Жисмоний машқлар? — хитоб қилди йигитча ён дафтарчасидан нигоҳини узаркан.

— Ҳа. Оддий жисмоний машқлар.

— Лекин оддий жисмоний машқлар қандай қилиб кўтарилик руҳини чақирар экан? — сўради йигитча.

— Машқлар нафақат жисмоний согломликни асрар учун, балки ақлий ва эмоционал бардамлик давомийлигини қўллаб-қувватлаш учун гоят зарур ва бунинг анча жиддий сабаблари бор.

— Ҳеч эътибор берганмисиз, шифокорлар ўзини руҳсиз, маъюс тутаётган bemорларга нима биландир машгул бўлишни тавсия қиладилар. Менинг ҳам К-К қисқартмасидан фойдаланиб берадиган маслаҳатим бор.

— Хўш, бу нима маънони билдиради? — сўради йигитча.

— Кетингни кўтар!

Йигитча бу сўзларни ёндафтарчасига кула-кула ёзарди.

— Бу маслаҳат ёрдам бериши билан яхши. Кунлардан бир кун Бернард Шоу ёзганидек, «бахтсизликнинг сири одамзод ўзининг бахтли ёки бахтсизлиги ҳақида ўйлашга фурсати мавжудлигида мужассамдир». Бинобарин, ўрнидан туриб ишга киришиш кишини нафақат муаммолардан чалгитади, балки шахсий муаммоларимизни идрок этишни ўзгартиради ва улар оқибатида вужудга келувчи дилхираликларни камайтиради.

— Жисмоний машқлар қай тарзда бизнинг идрокимизни ўзгартира олади? — ишонқирамай сўради йигитча.

— Бутун суҳбатимиз давомида «Ҳаракат ҳиссиётларга таъсир қиласи!» сўзларидан муҳимроқ маълумот беришимга кўзим етмайди.



Йигитча буни ҳам ёзіб олди.

— Танамизни ҳаракатта келтираётган чоғда биз үз эмоционал қолатимизни ўзгартырамиз. Жисмоний машқлар билан мунтазам равища шугулланмайдыган кишиларда мушакларнинг кичрайиши ва жисмоний құвватсизлик вужудга келиши яхши маълум. Уларнинг сұяклари калций моддасини йўқотади ва бундай кишиларнинг бемаҳал ұлимга дучор бўлиш хавфи мунтазам равища спорт билан шугулланувчи кишиларга нисбатан икки баробар юқоридир. Лекин жисмоний машқларни менсимайдыган кишилар бундан ташқари, ўзларига диққатни жамлаш, қўнгилхиралиқ ва қаттиқ қўзғалишларга мойилроқдирлар. Шунингдек, тушкунликка тушиш, бетинимлик ва ақлий толиқищдан кўпроқ азият чекишлиаридан ҳамма ҳам хабардор эмас.

— Лекин нима учун? — сўради йигитча.

— Олимлар бу ҳодисага ажойиб сабаб топдилар. Улар жисмоний машқлар миёдан эндорфин ва энцефалинлар деб аталган кимёвий модда ва гормонлар чиқаришга ундашларини аниқладилар. Булар инсоннинг қониқиши ҳисси ёки «кўтарилиши» учун ёрдам берувчи табиий таъсирловчилардир.

— Мунтазам равища жисмоний машқлар билан шугулланиш бизни баҳтлироқ қиласи, демоқчимисиз? — сўради йигитча.

— Ҳеч шубҳасиз, — жавоб берди жаноб Гринуэй.

— Айнан қандай машқлар?

— Аэробика тарзидаги машқлар. Савол беришингиздан аввалроқ шуни айтмоқчиманки, Жейн Фонданинг услубига риоя қилиш унчалик шарт эмас, — деди жилмайиб жаноб Гринуэй. — «Аэробика» сўзининг туб маъноси «кислород билан машқлар» демакдир. Бунга ҳар қандай ҳаракат фаолияти, нафас олиш катта рол ўйнайдыган ҳар қандай спорт тури, масалан, сузиш, велосипедда учиш, тез юриш ва ҳатто раңс ҳам киради, деган гапдир. Бошқа томондан, «ноаэробика» тўғридан-тўғри нафас олиш ёки нафасни тутиб туриш билан боғланмаган, спринт ёхуд оғир атлетика каби жисмоний машқларни назарда тутади. Бундай машқларнинг сезги ва саломатлик учун фойдаси камроқдир.



- Хўш, нима учун ахир? — қизиқсинди йигитча.
- Чунки «ноаэробика» машгулотлари вақтида вужудимиизда кислород эмас, миямизга озиқ бўладиган гликоген парчаланади.
- Биринчи натижаларни сезиш учун қанча муддат давомида шугуланиш зарур? — сўради йигитча.
- Бир кунда ярим соат етарли. Бор-йўғи.
- Унчалик қийин эмасдек туюлади, — деди йигитча.
- Дарҳақиқат, бу қийин иш эмас, — жавоб берди жаноб Гринуэй, — гарчи ҳар қандай турмуш тарзи ўзгаришилари учун ўзига яраша қарор қабул қилиш керак бўлгани каби, бу одатта айлангунича киши ўзини мунтазам равищда шугуланишга мажбурлаши зарур.
- Шундай қилиб, жисмоний машқлар ўзини баҳтлироқ сезишга кўмаклашиши мумкин...
- Ҳа. Ўзвақтида мен ҳам бунга шубҳа билан қарагандим, — деди жаноб Гринуэй йигитчани унчалик ишонтира олмаганини пайқаб. — Ўша оқшом идорамда қоровул билан узоқ суҳбатлашгандим. У Асл Баҳтиёрликнинг ўнта сирлари тўғрисида гап очди ва улар ҳаётимни буткул ўзgartириб юборганини тан олишим керак. Бу сирларнинг, фикримча, менга энг кўп асқотгани ҳамда ҳозирда мутахассислигим бўлгани... тана қувватидир.
- Ўйлашимча, «тана» деганингизда жисмоний машқларни назарда тутяпсизми? — сўради йигитча.
- Йўқ. Танамиздан фойдаланганда бошқа жуда кўп жиҳатлари мавжуд, улар шу каби ҳиссиётларимизга чуқур ва тез таъсир кўрсатадилар. Жисмоний машқлар — ўша жиҳатларнинг бири, холос.
- Йигитча янада қизиқсиниб, жаноб Гринуэйнинг сўзларини яна ёзишга тушди.
- Биринчидан қадди-баст. Қандай туришимиз, ўтиришимиз ёки юришимиз. Агар инсоннинг қадди-басти ёмон бўлса (у гавдасини тўгри тутиш ўрнига буқчайса ёки қийшайса), бундан унинг соглиги ва ҳиссиётлари азият чекади.
- Бунга ишониш қийин. Наҳотки бизнинг қандай туриш ёки ўтиришимиз ҳиссиётларимизга таъсир этиши мумкин? — сўради йигитча.



— Ҳозир тушунтириб бераман, — деди жаноб Гринуэй.

— Үзини ҳоргин, дармонсиз ва маъюс сезган кишини кўз ўнгизга келтиринг. Сизнингча, у қай тарзда ўтиради ёки туради?

— Билмадим.

— Айтайлик, у бошини тўғри тутадими, эгиб оладими ёки букчайдими?

— Эгиб олади.

— Кўкрагини кериб ўтирадими ёки ичига тортадими?

— Ичига тортади.

— Унинг чеҳраси қандай бўлади — таранг ва табассумлими ёхуд салқиган ҳамда хўмрайганми?

— Унинг юзида табассуми бўлишига кўзим етмайди.

— деди йигитча.

— У қандай нафас олади, чуқурми ёки юзакими?

— Юзаки. Назаримда, бу мисолингизни англадим, — деди йигит. — Биз ўз ҳиссиётларимизга мувофиқ равишда турли хил қиёфаларга кирамиз.

— Мутлақо тўғри. Лекин бу икки томонлама ҳаракатли кўча каби, ҳиссиётларимиз қадди-бастимизга қандай таъсир кўрсатса, гавдамизни тутишимиз ҳам сезгиларимизга шундай таъсир кўрсатади. Башарти биз доим букчайиб ва энгашиб юрсак, эртами ё кечми, руҳимиз тушиб кетади, лекин қаддимизни ростлаган заҳоти аҳволимиз яхшиланади. Бу ҳақиқатга тўғри келмайдигандек туюлса-да, ҳар ҳолда, қаддимизни ўзгартириш туфайли шу заҳоти ўз ҳиссий ҳолатимизни ўзгартира оламиз. Биласизми, агар сиз қаддингизни тўғри тутиб, чуқур нафас олиб ва жилмайиб турсангиз, шунчаки дилингиз хуфтон бўлолмайди. Тадқиқотчилар власвасага мойил руҳий тушкунликка тушган, йигирма йилдан ортиқ даволанган беморлар билан синовлар ўтказганда, қадди-бастнинг турлича қиёфа ҳолатларида улар аҳволини аниқлаб кўрдилар. Мен таърифлаган қиёфага кирган беморлардан биронтаси депрессия ҳолатига тушмагани ва дориларга эҳтиёж сезмаганини аниқлаган олимлар ҳайратда қолдилар. Қаранг-а!



— Лекин ҳар қандай муаммони қаддингизни гоз тутганча, чуқур нафас олиб ва жилмайиб юрган чогингизни орттирган ҳолда ечиб бўлади, деб ўйламайсиз-ку?

— Йўқ, албатта, йўқ. Ҳар ҳолда бу ажойиб бошланиш. Бу усул ҳақиқатда ўзини яхшироқ сезишга ёрдам беради ва зудлик билан ишга тушади. Бу жуда оддий усул бўлиб, у туфайли баданимиз кўмагида ўз ҳиссий аҳволимизни бошқара олишга эришамиз.

— Ўз қадди-бастини англаш бахтнинг сирларидан биридир. Танага доимий равища заҳмат етказиш – столда букчайиб ёки телевизор қаршисида энкайиб ўтириш – бизни заарарли қиёфадан кўпинча руҳимизнинг тушиб кетиши ҳолатига олиб келади.

— Лекин қаддимизни буткул тик тутиш жуда ноқулай, – деди йигитча. – Намойишдаги аскарга ўхшаб қоласиз-ку.

— Тўгри, қадди-баст – бу «тик тур» деган ҳолат эмас. Аслида бундай ҳолат ҳам ёмон қиёфа ҳисобланади, чунки у орқа томон гавдага қўшимча таранглик яратади. Соғлом қадди-қомат дегани – бу орқангиз текис, лекин бўш ҳолатда бўлишидир. Сиз тарангликни ҳам, оғриқни ҳам сезмаслигингиз даркор. Қадди-бастингизни яхшилашга кўмаклашувчи бир усул мавжуд. Уни «арқон усули» деб атайман.

— Арқон усули? Бу қизиқ, – деди йигитча.

— Бу жуда оддий ва бажариш осон услуб. Фақат бошингиз тепасига арқон маҳкамланган дея ва бу арқонни ўзи томон тортаётган киши тепангизда турганини тасаввур этиш зарур.

Йигитча буни ўзида синаб кўрди ва дарҳол нафақат қадди ростланганини, ҳатто гўё бўйи баландроқдай туюлганини дарҳол сезди.

— Бу машқни бажараётганингизда гўё сизни астагина кўтариб ва тўгрилашаётгандек туюлди, шундайми? – сўради жаноб Гринузй. – Натижада ўзингизни яхшироқ сездингиз. Танангиз ёрдамида ҳиссиётларингизни ўзгартиришга кўмаклашувчи бошқа бир амалий машқ «лангар» деб аталади.

— Лангар дейсизми?



— Ҳа. Жуда оддий ва ниҳоятда самарали. Бироз Павловнинг итини эслатади. Павловнинг итига ҳар сафар овқат берилганида қўнгироқ жиринглаши, ҳойнаҳой, ёдингизда бўлса керак. Ит унинг жаранглашини овқатланиш билан онгсиз равишда боғлагани боис, қўнгироқ жиринглаган заҳоти унинг сўлаги ажралади. Павловнинг ити учун қўнгироқ жаранги овқатланиш билан боғлиқ онг ортидаги «лангар» бўлиб қолди. Инсонда ҳам худди шундай таассуротлар мавжуд. Тиш чархловчи машина товушини эшитганингизда нимани ҳис қиласиз? Безовталикними? Нохушликми? Бу ҳам худди шунинг ўзи — тиш чархловчи машина товушини оғриқ, нохушлик ва безовталикка боғлаймиз.

Кўпинча баҳтиёрликка олиб келмайдиган онг орти лангарлари пайдо бўлади. Шундай мисол келтираман: агар икки киши доимо уришаверсалар, шундай лаҳза бўладики, улар бир-бирини кўрган ёки овозини эшитган заҳотиёқ газаби қўзгайди.

— Бунинг баҳтга қандай алоқаси борлигини ҳанузгача англоамаяпман, — деди йигитча.

— Бизижобийлангарларни ҳам вужудга келтиришимиз мумкин. Мусобақалар олдидан муштларини сиқиб ва нималардир қичқириб ўзларини тайёрлаётган спортчиларни кўрган бўлсангиз керак. Уларнинг бундай йўл тутишларига сабаб шуки, бу уларда ўзига ишонч туйгусини шакллантиради ва қувват багишлайди. Ўзингизда синаб кўринг ва бунга ишонч ҳосил қиласиз.

— Яхши, — деди йигитча бироз қизариб. — Сўзларингизга ишонаман.

— Сўзларимга ишонманг, шунчаки ўзингиз синаб боқинг, — такрор айтди жаноб Гринуэй. — Ўрнингиздан туринг ва муштларингизни туғиб, «Ҳа!» деб қичқиринг.

Йигитча ўриидан турди, муштларини тугди ва «Ҳа!» деди

— Йўқ. Сиз буни шунчаки айтдингиз, — эътиroz билдириди жаноб Гринуэй. — Қичқириб айтиш керак!

Йигитча ҳаракатларини такрорлади ва бу сафар баланд овозда қичқирди. У ўша заҳоти қуввати ошганини сезиб, тонг қотди.



— Қойил! — хитоб қилди у. — Бу ростдан ҳам ёрдам бераркан.

— Албатта! Лекин яна нималардир бор, — қўшимча қилди жаноб Гринуэй. — Айрим ҳиссиётларни вужудга келтирувчи ўз шахсий лангарларингизни ҳам яратишингиз мумкин. Буни қай тарзда амалга оширишни ҳозир кўрсатаман. Ўзингизни ниҳоятда баҳтиёр ҳис этган бирон-бир воқеани хотирланг, — деди жаноб Гринуэй.

Йигит хаёлида ўн йил бурун ишхонада биринчи иш кунини нишонлаганини эслади.

— Ўша воқеани имкон қадар муфассалроқ эсланг. Кўзларингизни юминг-да, ўшандаги ҳолатни яна бошингиздан кечиргандек тасаввур қилинг. Нима деганингизни эсланг. Нималар қилгансиз? Қандай нафас олгансиз? Барчасини хотирлашга уриниб кўринг, — деди жаноб Гринуэй. Йигит хаёлида ўша воқеалар саҳнасини жонлантириди, кейин кутилмагандан ўнг елкасига жаноб Гринуэйнинг қўли текканини сезди.

— Энди буларни яна бир бор хаёлингизда жонлантиринг, — деди жаноб Гринуэй ва йигитча яна ўша воқеаларни тасаввур этаётган чогида, яна ўнг елкасига қўлини теккизди.

— Нимага бундай қиляпсиз? — сўради йигитча.

— Хавотирланманг. Бу ҳаракатни яна бир неча бор тақрорлашимиз зарур, кейин сабабини тушунтириб бераман.

Ҳаммаси яна етти бор тақрорланди ва йигитча яна қизиқди:

— Бу нима учун керак?

— Ҳозиргина сизга «баҳтиёрлик лангари»ни яратишга кўмаклашдим, — дея жилмайди жаноб Гринуэй.

— Тушунолмаяпман... — деди йигитча, лекин жаноб Гринуэй унинг ўнг елкасига қўлини теккизганди, у ҳеч бир сабабсиз баҳтиёрлик туйгусини туйганини сезди.

— Сизнинг онг ортингизда баҳт туйғуси билан елкангизга қўл теккизиш орасида боғланиш ўрнатишга ёрдам бердим, — тушунтириди жаноб Гринуэй. — Кўряпсизми, «лангар» ёрдамида баҳтли ҳисларни



қандай оддийгина чақирса бұлади! Фақат айрим қадамларни тақрорлаш кифоя: сиз үзингизни баҳтли сезган чөгларингизни хотирлаб, бу хотиралар авж нүктасига еттанида қулогингизни чимчилаб, бурунни тортқылаб ёки билакни ушлаб, қандайдир кутилмаган ҳаракат билан таъсиrlантириш керак. Қандай ҳаракат бажаришиңгизнинг аҳамияти йўқ, энг асосийси, бу ҳар куни тақрорлайдиган ҳаракатлардан үзгачароқ бўлсин.

— Нимага энди? — унинг сўзини бўлди йигитча.

— Яна Павловнинг итига қайтамиз. Агар ит қўнгироқ овозини куни билан эшиганида, уни овқатланишга боғламаган бўларди. Мўъжиза шундаки, ҳар қандай ҳиссиятли ҳолатларингиз, — үзингизга нисбатан ишонч, кимгадир боғланиб қолиш, ачиниш ҳиссими, — тўгри маънода ҳар бир сезига ўтказишда лангардан фойдаланишиңгиз мумкин.

— Бу жуда гаройиб, — деди йигитча. — Демак, масалан, үзимда дадиллик ҳиссини туймоқчиман. Шундай дадил бўлган ҳолатдаги лаҳзани эсга олишим ва қандайдир үзига хос ҳаракат, айтайлик, қулогимдан сал тортиб қўйсан ҳамда бу ҳаракатни бир неча бор тақрорлагач, үзимда дадиллик сезиш учун қулогимни тортиш кифоя қиласидими?

— Жуда тўгри. Аввалги тажрибаларни кўз олдига келтириш ва майда тафсилотларигача ёдга олиш амалда қўллашни талаб этади; ундан ташқари, ҳиссиятларнинг авж нүктасига етгандагина лангарни ўрнатиш зарур, агар сиз қатъиятли бўлсангиз, буни бажариш нечогли осонлигига ишонч ҳосил қиласиз.

— Буларнинг барчаси қандайдир жуда содда эшитилмоқда, — деди йигитча.

— Биламан, лекин булар амалда ишга тушади. Тўгрисини айтганда, бу шунчалар яхши ишлаши мумкинки, масалан реклама яратувчилар молларни кўрган заҳоти томошибинларда ёқимли ҳислар уйгониши учун доимий равишда «лангарлар»дан фойдаланади.

— Буни қай тарзда амалга оширадилар? — сўради йигит.



— Ахир реклама танага тегмайди-ку.

— Лангарлар ҳар қандай сезги органлари – қўл билан ушлаб кўриш, эшитиш, мазасини татиш, ҳиддаш ва кўриш билан ўрнатилиши мумкин. Павловнинг итида лангар қўнгироқ жарангি ёрдамида ўрнатилганди.

Икки нафар бир-бирини кўриб ёки эшитиб газабга келган кишилар ҳақидаги мисолимни ёдга олинг.

— Ҳа, энди нимани назарда тутаётганингизни англадим, — деди йигитча.

— Реклама тайёрловчилар кўпинча қўйидаги восита-ларни қўллайди: роликда «юлдуз»лардан бири иштирок этади ва товарни реклама қилаётганда унинг ижросидаги мусиқа янграйди. Одамларга мусиқа тинглаш ва қўшиқчи юлдузни кўриш ёқади ва тез фурсатда товарнинг ўзига нисбатан ҳам бу ҳис мустаҳкамланади. Нима деб ўйлайсиз, йирик алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчилар Майкл Жексонга ўз роликларида унинг мусиқаси ва тасвиридан фойдаланиш ҳуқуқи учун 15 миллиондан ортиқ маблагни нима учун тўладилар?

Рекламачилар доимий равищда лангарлардан фойдаланадилар, лекин реклама тайёрловчилар манфаатига эмас, ўзимизнинг мақсадларимиз учун биз ҳам уларни қўллашимиз мумкин. Тана қуввати ана шунда мужассамлашган. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Танамизнинг ҳиссиётларга таъсир этишнинг бошқа муҳим йўриқлари бор — масалан, овқатланиш.

— Буларнинг барчасининг овқатланишга нима дахли бор? — сўради йигитча.

— Вужудимиз озиқданаётган таом биз нимани ҳис қилишимизга таъсир кўрсатади. Масалан, тозаланган қандга бой озиқлар — оқ нон, торт ва шоколад — қондаги қанд даражасини ўзгартиради ва чарчоқ, асабийлашиш ҳиссини пайдо қилиши мумкин, қаҳва, чой ва алкогольни меъёрдан ошиқ истеъмол қилиш, маълумки, қўзгатувчанлик хусусиятига кўра, оқибатда дилхираликларни келтириб чиқаради. Айрим кенг тарқалган сунъий озиқ қўшилмалари ҳам руҳий тушкунликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан,



тадқиқотлар күрсатишича, дунёдаги «қандсиз» ичимликлар ва озиқ-овқат маңсулотларида кенг фойдаланилаётган қанд ўрнини босувчи сұнъий аспартам айрим кишиларда клиник руҳий тушкунлик ҳолатлари пайдо бўлишига сабабчилигини аниқладилар.

— Ўзимизни яхшироқ ҳис этишга кўмаклашувчи қандайдир озиқ-овқатлар ҳам борми?

— Тиббий тадқиқотлар күрсатишича, гречиха (маржумак) таркибидағи рутин, биофлавиноид мия тўлқинларига самарали таъсир кўрсатиб, кишиларни руҳий тушкунлик ҳолатидан «чиқариш»га қодир экан. Бинобарин, табиий озиқ-овқатларга — янги мева-сабзавотлар ва дагал дон (масалан, сариқ гуруч, сули, арпа, тариқ ва эланмаган бугдой нони) маңсулотларига асосланган овқатланиш парҳезига риоя этиш, умуман, жуда муҳимдир. Чунки бундай озиқланиш қондаги қанд даражасини мувозанатлашга ёрдам беради, қўзгалувчанлик ва руҳий зўриқишиларни пасайтиради.

Йигитча буткул ярим тайёр маңсулотларга асосланган ўзининг озиқланиши тўғрисида ўйлаб қолди. Бундай янги маңсулотларни у овқатланадиган ошхоналарда топиш маҳол эди. Эҳтимол, унинг беҳол ва тушкун аҳволдалигига шу ҳам сабабчи бўлгандир.

— Ҳиссиётларнинг кўнгилдагиdek бўлишига энг эътиборсиз қолган омилларидан бири, — давом этди жаноб Гринуэй, — танамизнинг табиий ёргулукка муҳтоҗлиги ҳисобланади.

— Табиий ёргулукка муҳтоҗлик? — қайтарди йигит ён дафтарчасига жадал ёзиб оларкан. — Лекин биз уни кундузи оламиз, шундай эмасми?

— Афсуски, ҳар доим эмас. Кўпгина кишилар ё деразалари умуман йўқ ёки бўялгани боис қуёш нурини ўтказмайдиган заводларда ва офицлерда ишлайдилар. Қища аҳвол янада ёмонлашади, чунки кунлар анча қисқаради. Ҳозирда табиий ёргулук етишмаслиги оқибатида вужудга келган руҳий тушкунлик ҳолатлари расмий жиҳатдан саломатликнинг бузилиши саналади — «Мавсумий Ҳиссиётлар Бузилиши» ёки МҲБ. Айнан шу туфайли қиши ойларида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпроқ содир бўлади.



— Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

— Очиқ ҳавога бир қунда энг камида бир соатга чиқиш керак ёхуд агар бунинг иложи бўлмаса, қундузги ёритиш чироқларидан фойдаланиш керак.

— Бу мутлақо гаройиб, — деди йигитча. — Вужудимиз ҳиссиётларимизга қанчалар таъсир кўрсатишини ҳеч қачон англамас эдим. Нима сабабдан кишилар буларнинг барчасига ҳеч эътибор бермайдилар?

— Айнан шу боис «сирлар» тўғрисида гапирамиз-да, — деди жаноб Гринуэй. — Ҳаммамиз танамиздан қандай фойдаланиб, баҳтли бўлишни вужудимизнинг ич-ичидан «билимиз» — ахир бу инсоннинг энг табиий ҳолатику! Шунчаки замонавий оламдаги ҳаёт бу билимларни унтишга мажбур қиляпти ва баъзан улар тўғрисида кимдир бизга эслатиб туриши даркор бўлмоқда.

— Бу ҳақда илк бор эшитганимдан сўнг мен тадбирлар қўллаб, ўзимнинг қундалик ҳаётимга бу машқларни кирита бошладим. Ҳар куни ишдан олдин тез-тез сайд қиласадим; қадди-бастимни текис тутишга эътибор бердим; янги узилган мева ва сабзавотлар, дуккаклилар, эланмаган ундан ёпилган нон, гуруч ва картошка истеъмол этишга ҳаракат қилдим ва қунда бир соатдан кам бўлмаган вақт давомида очиқ ҳавода бўлдим.

Ақл бовар қилмас натижаларга эрищдим. Бир ҳафтадан кейин оқволим шунчалик яхшиланганидан ҳайратга тушдим ва буни бошқалар билан баҳам кўриш мақсадида бу ишга ўз умримни багишлишга қарор қилдим. Физиотерапевт ва яхши жисмоний қиёфа бўйича шахсий маслаҳатчи сифатида тайёргарликдан ўтдим ҳамда оқшомлари ва дам олиш қунлари бу иш билан шугуллана бошладим. Бир неча ойдан сўнг ишлар шунчалик юришиб кетдик, энди бутун кун давомида машгул бўла олардим. Инсон ўз ишига ишонган ва ундан завқланган чорда ўзини нақадар яхши сезишини ҳатто тасаввур қилолмайсиз. Аслида бу фаолиятимни иш деб ҳам айтольмайман. Бу турган-битгани фарогат.

— Буларнинг барчасига сабабчи бўлган киши идорангиз қоровулими... — деди йигитча.



— Ҳа. Бир неча ҳафтадан сүнг уни излаб топиб, ёрдами учун миннатдорчилик билдиришга чоғландим, лекин у ҳақда ҳеч ким ҳеч қачон эшиitmagan экан.

— Шошманг, — деди йигитча. — Бу кекса хитойлик эдими?

Жаноб Гринуэй жилмайды:

— Бұлмаса-чи, бошқа ким бұларды?

Йигитча уйига етиб олганидан кейин үтириб, өзгәнларини қайта үқиди:

Асл Бахтиёрликнинг иккинчи сири — тана қуввати.

◆ Ҳаракат сезгиларга таъсир қиласы.

◆ Жисмоний машқлар стрессларни енгиллаштиради ва баданда үзимизни яхши сезишга күмаклашувчи кимёвий реакцияларни пайдо этади.

◆ Мунтазам равища — имкон борича, ҳар куни камида 30 дақиқа давомида жисмоний машқлар билан шугулланмоқ даркор.

◆ Менинг ҳиссиётларим қадди-бастимга таъсир этади. Тананинг бардамлиги баҳтиёрлик ҳиссини вужудда келтиради.

◆ Баҳтиёрлик ҳиссини истаган лаҳзада «лангар» ёрдамида англаңа қақириш мумкин.

◆ Овқатланиш үзимизни қандай ҳис қилишимизгә таъсир этади. Қаҳва, чой, алкоголь, қандга бой озиқ-овқатлар ва сунъий құшымчалардан узокроқ бўлиш зарур ҳамда ҳўл мева ва сабзавотлар, донли ва дуккакли озиқларни кўпроқ истеъмол қилишга ҳаракат қилиш керак.

◆ Табиий ёруглик етишмаслиги руҳий тушкун аҳволга олиб келиши мумкин.

◆ Бир кунда камида бир соат очик ҳавода бўлиш зарур.



Учинчи сир

ЛАҲЗА ҚУВВАТИ

Бу воқеага йигирма йилча бўлди. Ишхонада муаммолар пайдо бўлди, уйимда ҳам ҳаммаси силлиқ кечаётган эмас эди. Кундузги соат тўртларда асосий буюртмачиларимиздан бирининг ҳузурига намуналарни кўрсатиш учун шаҳар марказидаги шоҳкӯчадан шошиб ўтиб бораётувдим. Тўсатдан балаанд гудок товуши ҳамда қандайdir аёлнинг қичқиригини эшитдим. Бошимни ўтириб қарасам, менга томон баҳайбат машина бостириб келяпти.

Гүё ҳаммаси секинлашган кинодагидай туюлди. Қўрққанимдан турган жойимда қимиirlамай қотиб қолгандим, юк машинаси учиб келарди. Мана ўша, ўлим, дея ўйлаганимни биламан, зинг сўнгти лаҳзада бирдан кимдир мени ушлаганча орқага итарворди. Ушанда ҳақиқатда ҳаётим қил устида турганди. Юк машинасининг бир уни эгнимдаги пальтога текканини ҳам аниқ ҳис қилдим. Бир сантиметр яқинроқда бўлганимда, ҳойнаҳой, мени босиб кетарди. Ҳаётимни ким асраб қолганини кўриш учун қайрилиб қарадим — у ерда кичкинагина кекса хитойлик турарди!

Тони Браун қирқ беш ёнда эди. У анча тажрибали, мустақил сураткаш бўлиб, унинг суратлари бутун мамлакат бўйлаб газета ва журнallарда мунтазам чоп этиларди. Йигитча жаноб Браун билан унинг шаҳар марказидаги студиясида суҳбатлашарди.



— Мен бўлиб ўтган воқеадан қарахт аҳволда яқиндаги ўриндиққа ўтиридим, — давом этарди сўзида жаноб Браун. — Кекса хитойлик ёнимга келиб ўтириди ва аҳволимни сўради. Анча ўзимга келганимни айтдим. «Сизнинг ўлимингизга бир баҳя қолган эди», деди у. «Ха, буни биламан. Раҳмат сизга, дедим мен. Ҳаётимни сақлаб қолдингиз». Кучага чиққанимда унга ақлим бутуnlай ўзга савомлар билан банд бўлганини айтиб бердим, унинг биргина гапи мени жиiddий ўйга чулгади. Менинг мамлакатимда шундай дейдилар: «Яшаш керак бўлган ягона жой — шу ерда; яшаш керак бўлган ягона вақт — ҳозир», деди. Биз бор-йўги бир неча дақиқа сұхбатлашдик, лекин кетишидан аввал у менга бир варақ қоғоз тутди.

— Ва унда ўнта исм ва телефон рақамларидан иборат рўйхат бормиди? — гапга қўшилди йигитча.

— Ҳа, — табассум билан тасдиқлади жаноб Браун. — Шундай қилиб, Ҳақиқий Бахт сирлари ҳақида билиб олдим.

— Улар сизга ёрдам бердими? — сўради йигитча.

— Улар мени ўз баҳтимни яратишга ўргатдилар. Шунингдек, улардан бири менда ўзига хос таассурот қолдирди. Эҳтимол, илгари ҳеч қачон бу ҳақда... шу дамдаги ҳаёт кучи тўғрисида ўйлаб кўрмагандим.

— Қандай қилиб лаҳза қандайдир куч ёки баҳт сирини ўзига сигдириши мумкин?

— Сир лаҳзанинг ўзида эмас, лаҳза ичида яшашдадир, — тушунтириди жаноб Браун. — Баҳтни йиллар, ойлар ҳафталар ва ҳатто кунлардан топиб бўлмайди, у фақат лаҳзада мавжуд.

— Нимани назарда тутяпсиз? — сўради йигитча. — Ахир инсон бир дақиқадан ортиқроқ баҳтли бўлолмайди, демоқчимисиз?

— Албатта, йўқ. Сиз фақат лаҳзама-лаҳза баҳтли бўлишингиз тўғрисида гапиряпман. Мана бу тасвиirlарга қаранг, — деди жаноб Браун. — Нималарни кўряпсиз?

Йигитча девордаги суратларни кўриб чиқди. Ҳар бир сурат қандайдир сезгини тасвиirlарди. Боласини аллалаётган ёш она; тўп ўйнаётган пайтда кулаётган ота



ва ўғил; құчоқлашаёттан иккі кекса одам; аэропокзалдаги оломон орасидаги иккі дүст; мактаб ҳовлисіда ўйнаёттан болалар гурухы.

— Бу суратларда кучли ҳиссиёт ва сезгилар күп. Жуда яхши суратлар экан, — деди йигитча.

— Раҳмат,—дедижаноб Браун.—Менайнан ҳиссиётларни илғаб олишга ҳаракат қиласаман. Фотосуратларнинг гўзаллиги бошқа ҳеч қачон тақрорланмас қандайдир лаҳза бўлғи — биз ҳиссиётларимиз билан ҳис этаётган лаҳзани сақлайдилар. Нима учун одамлар телевизорлар, ком-пьютерлар, машиналар, пуллар, кийим-кечаклар, қимматбаҳо нарсаларни шунчалар қадрлашлари тўғрисида қачон бўлса ҳам ўйлаб кўрганмисиз?.. Ахир бу буюмларга қайта эгалик қилиш осон. Лекин вақт дунёда ягона ортга қайтмас бўлса-да, биз уни қадрият деб ҳисобламаймиз. Бу биздаги энг қимматли қадрият бўлса ҳам, биз уни беҳуда совуришга мойилмиз. Ўтган замон хотиралари ва келажақдан хавотирланиш бизни бугундан жудо этади, бутун эса шу ерда ҳозир эгалик қилаётганимиз — бори-йўгимиз.

— Сизни тушунолмаяпман, шекилли, — деди йигитча.

— Ўтган умрингизга боқиб, баҳтиёр дамларингизни хотирлаган чогда, — деди жаноб Браун, — қаллангизга қандай фикрлар келади?

— Ҳозир, ўйлаб кўрай... — деди йигитча кўзларини бир нуқтага тикканча хаёлга чўмиб. У беш ёшга тўлганида туғилган куни нишонланганини хотирлади, унда отаси ҳали ҳаёт эди, кейин дengиз бўйидаги оиласий байрамлар, коллежни туталлаши...

— Буларнинг барчасини қандай хотирлайсиз? — сўради жаноб Браун. — Йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар... ёки лаҳзалар сифатидами?

— Билмадим, — тан олди йигитча.

— Яхши, бўлмаса улардан бирон-бир ўзгачарогини танланг.

— Айтайлик, беш ёшга тўлган куним.

— Айнан қайси пайтда ўзингизни баҳтиёр сезгансиз?



— Байрам бошланиши олдидан. Онам мени багрига босганды: «Сен үзимнинг энг ажойиб ўглимсан. Сени яхши кўраман!» — дея шивирлаганини эслайман. Баъзан кўзларимни юмганча онамнинг бу гапларини гўё қулогимга шивирлаётганини ҳатто эшитаман ҳам.

— Жуда соз! — деди жаноб Браун, ўз фикрини асослаб бера олишидан мамнун бўлиб. — Ҳамма болалар ҳозирги лаҳзада яшайдилар. Агар ўша лаҳзада дейлик, мактабдаги дарслар тўгрисида ўйлаган бўлганингизда нима рўй беришини тасаввур қилинг-чи? Онангиз айтган сўзларни эшитмай баҳтиёрлик туйгусидан баҳрамандликни бой берардингиз. Онангиз ҳам, ҳеч шубҳасиз, сизнинг жавобингиздан тотган баҳтли онлардан маҳрум бўлиши мумкин эди.

— Нималар деяётганингизни энди тушундим, — деди йигитча.

— Барча хотираларимиз лаҳзалардан иборат. Биз иyllар, ойлар ва ҳатто кунларни ёдда тутмаймиз — фақат лаҳзаларни эсга оламиз. Шу сабабли фақат ҳар бир лаҳзадан яхшисини олган тақдирдагина мазмунли умрга эришишимиз мумкин. Башарти лаҳза ўзига хос мўъжизавий ҳисобланса, демак, ҳаёт ҳам шундай ўзига хос ва мўъжизавий бўлиб бораверади. Сир-асрор шундай лаҳзаларни имкон борича кўпроқ йигишдадир. Ҳеч қачон худди шундай лаҳза бошқа такрорланмайди, шу боис яхшиси, қўлимиздан келгани — ҳозирги лаҳзадан имкон қадар кўпроқ олишдир. Бу ҳақда ҳеч қачон унугтманг ва гарчи ҳозир кечираётган лаҳзадаги умрингиз сиз кутаётганда барча нарсаларни ўз ичига олмаса-да, буларнинг барчаси шу лаҳзада сизда бор нарсалар. Демак, бир донишманд айтганидек, нима учун кўксимизга гулни қадаб, баҳтиёр бўлмас эканмиз?

Йигит жаноб Кестерман ҳар куни тонгда тирик уйғонгани учун миннатдор бўлган ўлим тўшагида ётган бемор тўгрисида сўзлаб берган воқеани эслади. У, ҳойнаҳой, лаҳзадаги умр қувватидан боҳабар бўлган булса керак. Лаҳза ортидан лаҳза, кун ортидан кун ўтган сари bemorligiga қарамасдан, баҳтиёр яшай билди.



— Шундай бир нақл бор, — сўзида давом этди жаноб Браун. — «Қадамба-қадам яшасанг — умр яхши». Ҳар қандай иш майда бўлакларга ажра-тилса, осонлашади. Башарти лаҳзада яшасангиз, афсус-надоматга ҳам, беҳаловатликка ҳам вақтингиз қолмайди — сизда фақат бевосита бажараётган ишингиз бўлади, холос.

Лекин йигитча аввалгидек ўйчан эди.

— Лаҳзадан энг кўп имкониятни қай тарзда олиш мумкин? — сўради у.

— Уни англаш орқали, — жавоб берди жаноб Браун. — Данте айтганди: «Ўйлаб кўр, ахир бу кун энди яна қайта тақрорланмайди!».

Агар кимдир сизга олма бераётганини англамасангиз, уни ололмайсиз. Бу таниқли теннисчининг йирик мусобақалар арафасидаги турда анча нимжон спортчи билан беллашаётган чоғда, финалда ким билан учрашиш насиб этишини ўйлаши оқибатида аҳмоқона хатога йўл қўйиши ва очко йўқотишига ухшайди. У ютқазган ҳаракатини ўйлаган сари, кейингисига диққатини жамлай олмайди. Шу тариқа хато кетидан хатога йўл қўя бошлайди. Кейин ўзини беҳуда йўқотилган очколари учун айблайди ва хавотирга тушади: «Бу ўйинни бой бериб қўйсам, нима бўлади?» Ҳали рўй бермаган воқеадан хавотирланиш кейинги ҳаракат жараёнига диққатни жамлаш учун халақит бергани тўгрисида гапиришнинг ҳам маъниси йўқ, у яна навбатдаги очкони бой беради. Нима содир бўлганини англай олмай туриб, ўйинда ютқазгани маълум бўлади.

Худди ана шу ҳол ҳаётимизда ҳам содир бўлади. Биз ўтмиш ҳақида қайта-қайта ўйлаймиз, келажак тўгрисида ташвишланамиз ва турган гапки, ҳозирда бўлаётганларга етарлича эътибор ажратмаймиз. Бу эса бўлиб ўтганларга ачиниш ва ҳали содир бўлмаган воқеалардан ташвишланиш ҳиссини келтириб чиқаради. Агар инсон кечажётган лаҳзада ҳаётдан баҳра олмаса, у Умр ўйинида ғалаба қозонишга лаёқатсизdir.

Йигитча қошлирини керди. Бу гаплар шунчаки рўйрост туюларди, шундай бўлса-да, бундай маънодаги вақтнинг аҳамияти тўгрисида ҳеч қачон тузукроқ ўйлаб кўрмаганди.



— Башарти баҳтли бўлишни истасак, — давом этди жаноб Браун, — «Шу ерда ва ҳозир» бўлган бор нарсамизни қадрлашни ўрганишимиз зарур. Бугун қабул қилинганд қарорлар эртага рӯёбга чиқади. Муаммолар вужудга келиши маромида уларни ечиш ва бартараф этилгандан сўнг уларни унтишга ўрганишимиз даркор. Томас Карлейль ёзганидек, «энг асосий вазифамиз — йироқ масофада яширганларга тикилавермай, аниқ кўриниб тургани билан ишни битиришдир». Агар инсон йироқдаги келажакка эътиборини жамласа, ўзини маъюс сезади ва руҳий тушкунликка тушади. Кўпчилик ҳали рӯй бермаган ва эҳтимол ҳеч қачон бўлиши ҳам мумкин бўлмаган воқеалар тўгрисида ташвишланишга вақт сарфлайдилар. Фаранг файласуфи Монтен ёзган: «Умримнинг каттагина қисми ҳеч қачон рӯёбга ошмаган даҳшатли баҳтсизликлар билан лиммо-лимдир». Айнан шу сабабдан ҳам кўпчилик беҳаловатлик ва стресслар гирдобидадир — уларнинг «буғуни» кеча ташвишлантирган эртаси намоён бўлади! Уларнинг кечәётган лаҳзасида ўтмишдан афсусланиш ҳамда келажакдан хавотирланишга ўрин йўқ. Ортда қолган ва олдинда кутаётганларга мурожаат этишининг ўрнига қаршимиздагига эътиборни жамлаш зарур.

Мана шунинг учун ҳам лаҳзада яшаш — фақат кечәётган лаҳза билан ҳисоблашмоқ — хавотир ва қўрқувни енгишнинг энг яхши усулини эгалламоқни англатади.

Бу фалсафадан кўпгина динлар фойдаланади. Исо пайгамбардан инсон қандай ибодат қилиши зарурлигини сўрашганда, у Худога ибодат қилаётib қуйидаги сўзларни айтган: «Ризқ-рўзимиз бўлган нонни бутунги кун учун бер». Эрта учун эмас, кейинги ҳафтага ёки кейинги йил учун эмас — фақат бутунга. Одамлар шахсий кулфатларни енгиб ўтишга ёрдамлашувчи воситалардан бири ҳам уларнинг фақат бир кун ташвиши билан яшшида мужассам. Агар бундай фалсафа қийинчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашар экан, кўнгилдагидек даврларни ўтказища у нақадар яхшилигини тасаввур этинг! Шу боис донишманд инсон



учун ҳар бир кун янги муқаддима бўлиб ҳисобланади, дейишади. Мен мана буларни кўчириб олгандим, — деди у ва йигитчага девордаги ёзувни кўрсатди, — ва бу донишмандлик тўгрисида ўзимга эслатиш, шу кечаётган лаҳзада яшаётганлигимга ишонишим учун ҳар куни буни такрор ўқийман. Бу сўзлар ҳар бир кундан келиб чиқиб, бутун умримдан яхисини сугуриб олишимга ёрдам беради. Унда ҳинд шоири қаламига мансуб «Тонгга салом» деган насрый шеър ёзилганди:

Ушбу кунга назар сол!
Ахир бу умр, умрнинг ўз умри.
Унинг қисқа оқимида
Мавжудликнинг барча ҳақиқатлари
ва борлиғи унда яширин:
Фарогатликнинг ўсиши,
Фаолиятнинг шуҳрати,
Гўзалликнинг созлиги.
Ахир кеча — фақат туш,
Эрта эса — бор-йўғи хаёл,
Лекин энг ажойиб умр бутун
Ҳар қандай кечагини баҳт тушига айлантиради.
Ва ҳар бир эртанги кун — умид тасаввури.
Бутунги кунга яхшилаб назар сол!
Бу тонгта саломдир.

Калидаса

— Ўзингиз синаб кўринг, — деди жаноб Браун. — Кун давомида фикрларингизни аввал бажарган ва келгусидаги бажармоқчи ишларга эмас, ҳозирги фаолиятингизга жамланг.

— Назаримда, англагандек бўляпман, — деди йигитча.
— Лекин наҳотки келажагимиз тўгрисида умуман қайғурмаслигимиз керак?

— Келгусида биз истаган келажакни яратишга фақат ҳозирги лаҳзадаги ҳаётимиз имкон беради. Ҳар бир лаҳза тақдиримизни белгиловчи танлов эканлигини билдиради. Фикр ҳаракатнинг негизи ҳисобланади, ҳаракат эса одатни вужудга келтиради, одатлар феъл-авторни



мужассамлантиради, феъл-атвор эса тақдиримизни шакллантиради.

Ҳар бир лаҳзада танлайдиган фикримиз, кейинги дақиқада қаерда бўлишимизни белгилайди. Шу боис ҳар қандай лаҳзадаги аҳдларимиз ва ҳаракатларимиз келажагимизни яратади. Кишилар билан гаплашганда уларнинг кўпчилиги шу ерда ва ҳозирги кунда боридан яхшини сугуриб олиш ўрнига кўпинча, ўтмишда ва келажакда бошқа замон ва маконда яшаётганлари жуда тез ошкор бўлади. Мен билан айнан шу ҳол содир бўлди, кечеётган воқеаларга ҳеч қандай тааллуқли бўлмаган нарсалар ҳақида ўйлашим ҳалок бўлишимга бир баҳя қолдирди. Модомики, ҳозирги лаҳзада яшамасангиз, юк машинаси тагига тушмасангиз ҳам, юзма-юз келишингиз мумкин бўлган азиятлар ва имкониятларнинг каттагина қисмини йўқотасиз.

– Наҳотки одамлар келажакда ҳеч бир режа тузмасликлари керак деб ҳисобласангиз?

– Йўт-э, нималар деяпсиз? Ҳар қандай ҳаракатларимизни режалаштириш жуда муҳим. Лекин сиз бирор нима билан машгуллигингизда бошқа нарсаларни режалаштириш ярамайди ва келажакка режалар тузиш чогида бошқа бир фаолият билан шугулманиш шарт эмас. Нима ҳақда ўйлашингиз, қандай ҳаракатни бажаришингиздан қатъи назар, бир лаҳзада бир ишга фикрингизни жамланг. Бирор киши билан сўзлашаётган чоғингизда бутун эътиборингизни ўша инсонга қаратинг; ишлаётганингизда диққатингизни бажараётган юмушингизга қаратиб, мен йўл қўйган хатоларимни такрорламанг.

– Қандай хатони? – такрор сўради йигитча.

– Кўчани кесиб ўтаётганда машиналар ҳаракатини кузатинг! Кечаётган лаҳзадаги умр хавотир ва маъюслик ҳисларини юмшатади, меҳнат сифатини оширади, ўзаро муносабатларни яхшилайди ҳамда бутун умрингизни бойитади. Лаҳзадаги умрнинг қуввати ана шундай.

Куннинг қолган қисмида йигитча ўша фурсатда бажараётган ишига диққат-эътибор билан қарашга уринди. Баъзан тарқалиб ва чалгиб кетаётган фикрларини



тўхтатиб қолиш қийин кечса-да, лекин бажараётган ишига уни яна жамлашга тўла эришди. Энди бу ҳаётини ростдан ҳам анча енгиллатишига заррача шубҳаси қолмаганди.

У столдаги қоғозлар уюмининг ҳажми борасида ташвишланиш ўрнига улар орасидан биргина хатни чиқарди ва компаниядаги уч йиллик фаолияти мобайнида унинг ilk бор бажарилмаган иши қолмади. Ишхонадаги ҳамкаслари билан сўзлашаётган чогида тўла эътибор билан қарагани боис, улардан бири: «Гапларимни дикқат билан тинглаганинг учун сенга раҳмат. Менга жуда яхши ёрдам бердинг», деганида ҳайрон қолди. Бу сўзлар йигитнинг қалбида яхши из қолди.

Йигитча кечқурун, овқатланганидан кейин ўтириб, бутун ёзганларини кўриб чиқди.

Асл Бахтиёрикнинг учинчи сири — лаҳзада яшаш қуввати.

- ◆ Бахт йиллар, ойлар, ҳафталар ва ҳаттоқи кунлар ичида яширган эмас, лекин уни ҳар бир лаҳзада топиш мумкин.
- ◆ Ҳар бир лаҳзадан яхшисини сугуриб олсаккина, умримизни мазмунли қилишга эриша оламиз.
- ◆ Хотиралар ўзига хос фурсатлардан иборат, бундай лаҳзаларни имкон қадар кўпроқ йигаверинг.
- ◆ Кечаётган лаҳзадаги ҳаётафсус-надоматни йўқотади, хавотирни енгиб ўтади ва стрессни пасайтиради.
- ◆ Эсингизда бўлсин, ҳар бир янги кун янги муқаддима, янги умрдир.



Тұртқынчи сир

ҮЗИ ҲАҚИДА ТАСАВВУРЛАР ҚУВВАТИ

Йигитча рүйхатдаги навбатдаги киши билан келаси ҳафтада учрашишта муваффақ бўлди.

У Рут Моузиснинг уйи қўнгирогини жиринглатган чоғида эшикни эгнига оддий иш шими ва пуштиранг свитер кийган кексароқ, бардамгина аёл очди.

— Салом, — деди у. — Рут Моузис билан гаплашсам бўладими?

— Қалайсиз, — деди жилмайиб аёл. — Келинг, марҳамат.

Кекса аёл йигитни меҳмонхонага бошлаб кирди.

— Ўтилинг, — деди у. — Чой. ичасизми? Менда «Эрл Грей» деган кофеинсиз қаҳва ва ўтли чойнинг бир неча турлари — мевали, ялпизли, мойчечакли ва апелсин гулларидан тайёрланганлари бор.

— Раҳмат. Агар мумкин бўлса, ялпизлигидан ича қолай, — жавоб берди йигитча.

Бир неча дақиқадан сўнг аёл қайнаган сувли қумгон, иккита пиёла, турли ўтлардан дамламалар, асал солинган кўзача ва уйда пиширилган печеньели ликопчани патнисга қўйганча кириб келди. Йигитчанинг рўпарасига ўтириб, чой дамлашга киришди.

— Хўш, — деди у, — қўнгирогингиз мени анча қизиқтириб қўйди. Сиз билан нималар содир бўлганини яна бир бор сўзлаб беринг.

Йигит ўзини бутқул йўқотиб қўйди:



- Кечирасиз... Рут Моузис сизми?
- Бўлмасам-чи! – кулиб юборди аёл. – Сизнингча, яна ким бўлишим мумкин?
- Э-э-э... мен.... билмадим... Лекин ўйловдимки... телефонда талабаман дегандингиз-ку.
- Ҳа. Яқинда археология бўйича диплом иши ҳимоя қиласман. Агар ҳаммаси яхши бўлса, келаси йил магистр бўласман. Чойингизга асал қўшайми?
- Йўқ, раҳмат.

У чой қўйилган пиёлани йигитнинг қаршисига суреб қўйди ва бисквитдан олиб ейишни таклиф этди.

- Мени қалака қилмаяпсизми? – сўради йигитча.
- Қайси маънода?
- Сиз ростдан ҳам битирувчи талабамисиз? – ишонқирамай сўради йигитча.
- Албатта, – Моузис хоним жилмайди.
- Ҳим... э-э-э... кечирасиз, – деди йигитча ва ўзининг ҳайратда қолгани билан уни хафа қилиб қўйиши мумкинлигини ўйлади. – Биласизми, шунчаки, биз телефонда гаплашганимизда сизни... ёш талаба деб ўйлагандим.

- Ҳалиям ёш талабаман, – шўх табассум билан тасдиқлади Моузис хоним. – Бор-йўги беш йил ўқияпман.

Йигитча унга жавобан жилмайди.

- Бу билан баҳслашишнинг иложи йўқ, – деди у.
- Хўш, шундай қилиб, сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин? – сўради Моузис хоним.

Йигитча унга кекса хитой билан учрашувини гапириб берди.

- Мана бунга бир қаранг. – Моузис хоним йигитчага суврат узатди.
- Ким бу? – сўради йигитча ҳасса тутган, кексароқ кампирнинг оқ-қора тасвирига назар ташларкан. – Онангизми?
- Йўқ. Бу менинг ўзим, тўғрироғи, йигирма йил илгари... ким бўлганим.

Йигит сувратга диққат билан тикилди. У ташқи кўринишидаги айrim ўхшашликларни пайқаган бўлса-



да, сувратдаги кампир ҳозир унинг қаршисида ўтирган аёл деб ўйлашни ҳеч тасаввурига сидиролмасди.

— Ўтган йиллар мобайнида кексаймасдан, балки аксинча, ёшариб кетган кўринасиз. Нима рўй берди? Бунга қандай эрищингиз?

— Ҳаётимни буткул ўзгартирган инсонни... кекса хитойликни учратиб қолдим! Тахминан йигирма йиллар муқаддам, энди нафақага чиқсан чо-гимда, ўзимни илк бор кексайгандек ҳис қилдим. Кун бўйи қаттиқ толиқсамда, тунлари ухломай чиқардим. Фикримни жамломасдим ва хотирамни йўқота борардим, қўл ва оёқларим эса букилмайдиган бўлиб оғирлашиб қоларди. Қанчалик нотавон бўлиб қолганимни тасаввур қила оласизми? Лекин кунлардан бир кун ҳаммаси ўзгарди. Автобус бекатида елкасига халта осган кекса хитойлик орқамда туради.

Чол менга жилмайди, мен ҳам унга жавобан табассум қилдим, сұхбатга киришиб кетдик. У дунё бўйлаб саёҳат қилаётганини айтди. Бунга ишонолмадим. Шу ёнда инсон елкасига тўрва осиб, дунё бўйлаб саёҳатга чиқишига қандай куч ва қуввати етади? Албатта, ундан шу тўгрисида сўрагандим, чол кулганча: «Ҳаммамиз ўзимизни қандай даражада кекса ҳисобласак, шундай кексамиз», — деди. Биз олтмишдан кейинги ҳаёт ҳақида сўзлаша бошладик. Мен муаммо ҳамда қийинчиликлар ҳақида, у эса афзалликлар ва янги имкониятлар тўгрисида сўзлашдик. «Йиллар ўтган сари тажриба ва донишмандлик келади», — деди у. Кейин менга, нима учун яна бир йил яшаб қўйганимиз учунгина ҳаётимиз камроқ даражада ёқимли бўлиши мумкин, деб савол берди. Илгари бу ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман, нима дейишимни билмадим. «Йиллар ўтган сайин, — деди у, — умр янада яхшироқ бўлиши керак, чунки биз бу санъатда тажрибалироқ бўла борамиз!»

Бу хитойлик билан бўлган сұхбатда, «Инсон ўзи ҳақида ниманини ўйласа, ўшанга лойиқ» деган гапнинг ҳақлигини илк бора тан олишга мени мажбур қилди.

Инсонни ёши эмас, ақли кексайтиради. Хитойлик билан сўзлашиш шунчалар мароқли эдики, тўртта автобусни ўтказиб юбордим. Киши ҳар қандай ёнда,



қайси динда бўлмасин ва танасининг рангидан қатъий назар, ўз баҳтини яратса олиш лаёқатига эга бўлишга кўмаклашувчи сирлар, ҳақиқий Баҳт сирлари мени бутунлай сеҳрлаб қўйди. Бу сирлар ҳаётимга яна янги тўлқин киритди. Гўё дунёга янгитдан келгандек эдим. Назаримда, ҳамма нарса оқ-қора тасвирда эди-ю, бирдан ажойиб, ёрқин ранглар билан бўялгандек бўлиб кўринарди. Лекин, шубҳасиз, фақат ўзим ўзгаргандим. Ва барча сирлар ичра мен учун энг қадрлиси... ўзим ҳақимдаги тасаввурлар қуввати бўлди.

— Ўзингиз ҳақингизда тасаввур? — ишонқирамай сўради йигитча.

— Ҳа. Ўзингизни қандай кўрсангиз, ўша ўзингиз ҳақингиздаги фикрингиз. Инсонларни ўз ҳаётларидан норозиликларининг муҳим сабаби ўзларидан норозиликларидаидир. Бу шунчалар ажабтовур бўлиб кўриниши мумкин, лекин кўпчилик ўзларига умуман ухшамайдилар! Улардаги баъзи нуқсонлар кўпинча «Бурним ниҳоятда катта» ёки «Хунукман», «Жудаям ёшман» ёки «Жудаям қариман» каби жисмоний камчиликларда кўринади. Баъзан бу нуқсонлар уларнинг ақлий қобилиятлари билан боғлиқ. Масалан, «Бошқалардай ақлли эмасман»; одамлар гоҳида феъл-атворларида камчилик бор деб ҳисоблайдилар: «Мен ҳазил кўтаролмайман» ёки «Жудаям мингир-мингирман» дейишади. Лекин сабабларидан қатъи назар, агар ўзингиздан норози бўлсангиз, қандай қилиб ҳаётингиздан рози бўлишингиз мумкин?

Йигитча шу заҳоти ўзининг нуқсонлари тўгрисида ўйлай бошлади, унинг камчиликлари ҳам оз эмасди.

— Бу нуқсонлар қайдан пайдо бўлади? — сўради у.

— Ҳаётий тажрибадан. Одатда, улар болалиқдан пайдо бўлади. Бир баҳтсиз инсон менга: «Болалигимда отамдан унинг сўзлаш тартиби, қиёфаси, фикрлари... онамдан эса отамга нисбатан нафрат руҳи ўтган!» деб айтган сўзларини хотирлайман. Албатта, ўз ҳақимиздаги тасаввурлар ҳали илк болалигимизданоқ шаклана бошлади. Биз кимлигимиз ва нимага қодирлигимиз, қандай бўлишимиз кераклигини ҳали билмаймиз ва буни атрофдагилар, катталардан, бизни яхши кўрадиган донишманд инсонлардан ўрганамиз.



Бир мисол келтиришимга ижозат беринг: Жимми исмли кичкінші мактабдан ёмон бақо олиб қайтади. У: «Нима сабабдан бундай ёмон үқиркинман? Балки телевизорни ҳаддан зиёд күришим туфайлиди ёки етарли даражада құним билан үтиrolмайманми. Балки тентакдирман ёки ялқовдирман», деб үйлайди. У кундалик дафтарини отасига күрсатади. Отаси қараса, у ерда беш ҳам, түрт бақо ҳам йүқ, нуқул уч ва икки бақоларға тұлған. У Жиммига: «Хүш, бу ерда ҳеч нимани тузатмаганинг аниқ!» дейди. Лекин бақоларни синчиклаб үрганиб, муаллимларнинг изоҳларини үқиб чиққанидан кейин у ғазабға келади. «Жимми, сен умуман ҳаракат қылмаяпсан, сен ялқов ва тентаксан!» деде хитоб қиласы.

Энди Жимми үзи тұгрисида ҳеч шубҳасиз ялқов ва тентак деб үйлайди ва шу қарашини умр бүйи олиб үтади. Ҳар сафар унинг қаршиисида қийин масала күндаланғ келганида, үзига: «Мен ялқов ва тентаклігім сабабли буни үдалолмайман», дейди. Шу боис у қийинчиликтерден нари юради, үзини атрофдагилардан пастроқ тутади ва шундай тугилғанлығыдан надомат чекади.

– Бундай камчиликтер ёки нотұтра мұлоқазалардан қандай қутулиш мүмкін? – сұрағынан жауап бергенде.

– Яхши савол. Аввало, үзингизга «Кимман үзи?» деган әңг мұхым саволни беришингиз зарур.

– Нима учун?

– Чунки унга жавоб бизнинг қай даражада ноёб эканлигимизни бақолашға ёрдам беради. Масалан, айнан сиз тугилишингиз уч юз миллиардан биргина имконият бұлғаны сизге маълумми? Сизнинг үрнингизде бошқа ҳар қайси уч юз млрд инсондан бири бұлиши әхтимоли бұлған, аммо бу сизге насиб этди. Бундан ташқари, жақон тарихида ҳеч қачон сиз каби инсон бұлмаган ва худди шундай одам бошқа ҳеч замонда бұлмайди.

Үзингизга беришингиз зарур бұлған кейинги савол: «Үзим ҳақимда қандай тасаввурға әгаман?»

– Масалан, «хунукман» ёки «тентакман»ми? – унинг гапини бұлиб сұрағынан жауап бергенде.

– Ҳа. Кейин «Нима сабабдан бунинг ҳақиқатлигига имоним комил?» деде үйлаб күриш даркор. Бунга бошқа



бир кимсанинг сўз ёки ҳаракати сабабчи бўлдими ёхуд бунинг тўғрилигига қайсиdir йўл билан имон келтирдингизми? Тушуняпсизми, ўз тўгримиздаги тасаввурларни аксарият бошқа инсонлардан кўчирамиз. Атрофдагилар гўё руҳий кўзгулар саналадилар. Лекин буни оддийроқ қилиб кўрсатганим маъқул.

Моузис хоним стол тортмасидан бир нечта кўзгуларни олди. Уларни шундай жойлаштириди, йигитча ҳар бирида ўз аксини кўради. Бу қийшиқ ва аксни ўзгартириб кўрсатувчи, «кулги» хонасида кўриш мумкин бўлган кўзгуларга ўхшарди. Шу сабаб у ўзининг аксини зўрга таниди. Бирида унинг калласи узунчоқ, бир метрга чўзиқ, кўриниса, бошқасида қулоқлари қанотларга ўхшаб қолган, учинчисида дунёдаги энг семиз одам каби туюларди. Бу қиёфаларга қараб йигитча хоҳолаб кулиб юборди.

— Булардан қай бири сизга кўпроқ ўхшайди? — сўради Моузис хоним.

— Ҳеч қайсиси, — жавоб берди йигитча.

— Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

— Чунки бу «ўйинчоқ» ойналар. Улар тўғри акслантира олмайди.

— Тўғри. Лекин ўз аксингизни ҳеч қачон кўришга мусассар бўлмаганингизда нима бўларди? Сиз бу «ўйинчоқ» кўзгуларга қараб даҳшатга тушармидингиз? Бахтингизга, илгари ўзингизни оддий кўзгуда кўрганингиз боис, жисмонан ташқи кўринишингиз сизга маълум. Лекин қачон бўлса-да, руҳий жиҳатдан қандай кўринишингизни асл қиёфада кўришга муваффақ бўлганмисиз? Биласизми, жисмоний қиёфамизни аксэттирувчи кўзгулар мавжудбўлса ҳам, руҳий нуқтаи назардан қандай кўринишдалигимизни кўрсатувчи ойналар йўқ. Бунинг ўрнига, атрофдагилар хатти-ҳаракатига суюнамиз ва улар асосида ички томондан қандайligимизни белгилаймиз. Агар кишилар сизни худбин десалар, сиз худбинлигингизга ишонасиз. Мабодо, сизни кимдир аҳмоқ деб айбласа, сиз бунга ҳам ишонасиз. Ҳа, одамлар биз учун ойна ҳисобланадилар, лекин улар қийшиқ ойналардир, улар сиз тўтингиздаги тасаввурларни хато кўрсатишга мойилдиirlар.

- Ҳаётда йўл қўйиш мумкин бўлган хатолардан энг каттаси бошқалар фикри асосида ўз қиёфангни яратишидир. Ота-оналар ёки ўқитувчилари болага: «Сен ростдан қулоқсизсан» ёхуд «Бунча худбинсан!», «ялқов» ёки «аҳмоқ» десалар, улар унинг ўзи тўгрисида нотўғри, ёлғон тасаввур ҳосил қиласидар. Бола ростдан ҳам қайсалик, худбинлик, ялқовлик ва тентакликка ўхшашиб қандайдир ҳаракатни бажариши ёки айтиши мумкин, лекин бу унинг ўзига эмас, хулқига тааллуқлидир. Фарқ ниҳоятда нозик, лекин муҳим. «Сен ёмон қизсан!» ва «Шарбатни гиламга тўкиш нақадар ёмон иш» деган сўзларнинг орасида катта фарқ мавжуд.

- Ахир буларнинг маъноси бир хил эмасми? – сўради йигитча.

- Қачон бўлса-да, кейинчалик афсусланган бирор иш қилишингизга тўғри келганми? Аҳмоқона хато ёки қандайдир ёмон қилғилик қилғанимисиз?

- Кимда бўлмаган дейсиз? – бошини силкитди йигит.

- Нима, фақат қандайдир аҳмоқлик қилган бўлсангиз, сизни бутунлай аҳмоқ деб ҳисоблаш керакми?

- Назаримда, сизни тушуняпман, – деди йигитча.

- Кўпчилик киши ахлоқини ўзи билан адаштиради ва оқибатда, унчалик адолатли бўлмаса-да, бутун умрга сақланадиган ўз ҳақимизда хато фикр пайдо бўлади.

Йигитча ёндафттарчасига қандайдир ёзувлар ёзди.

- Ўз ҳақимизда хато тасаввурлар ва нуқсонлар қандай пайдо бўлишини тушунаман, – деди у. – Лекин, ҳар ҳолда, ҳозир улардан қандай қутулиш мумкин?

- Хўш, бундай тасаввурлар манбанини аниқлай билишнинг ўзи ilk қадамдир, – деди Моузис хоним. – Баъзан муаммонинг ечими учун уни англашнинг ўзи кифоя қиласиди. Лекин қалбимизда шунчалар чуқур илдиз отган тасаввурлар мавжудки, уларни йўқотиш шунчаки келиб чиқишини англашдан кўра ортиқроқ ҳаракатни талаб этади. Бундай ҳолларда «аффирмациялар» ёки позитив тасдиқлар услублардан бири ҳисобланади.

- Уларнинг моҳияти нима? – сўради йигитча.



— Бу тасдиқ ўзимизга овоз чиқариб ёки ичимиизда айтадиган сўзимиздир. Масалан, «Мен меҳрибон, ақлли, ноёб инсонман» деган сўзлар тўғри тасдиққа киради.

— Хўш, бу қандай ёрдам бериши мумкин? — сўради йигит.

— Башарти ниманидир бот-бот эшитаверсак, — тушунтириди Моузис хоним, — унга ишона бошлаймиз. Шу сабабли ҳали бола чоғимизданоқ бир хил нарсани такрор эшитаверсак, кўпгина тасаввурларимиз пайдо бўлади. Бундай услуб рекламада кенг қўлланилади. Улар қандайдир жумлани тўқиб чиқаради-да, радио ёки телевидение орқали қайта-қайта такрорлайверадилар ва эртами-кечми, бунга ишона бошлаймиз.

Ўз умримизни бошқариш учун тасаввурларимиз устидан ҳукмронликни қўлга киритиш зарур ҳамда бунга эришишнинг услубларидан бири аффирмациялардан фойдаланиш ҳисобланади.

— Онг ортида ишонч ҳосил қилиш учун бу тасдиқни қанча муддат давомида такрорлаш зарур бўлади? — сўради йигитча.

— Албатта, бу сиздаги тескари фикрнинг қанчалик узоқ муддат мавжудлигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, аффирмацияни ростдан ҳам ўзингиз ишонган каби ҳис-ҳаяжон билан такрорлаш мақсадга мувофиқдир, уни қатъиятсиз, паст ва зерикарли овозда айтишнинг асло ҳожати йўқ. Бундай тасдиқларни кунига камида уч бора — эрталаб, кундузи ва кечқурун такрорлашни таклиф этардим. Агар истасангиз, уни карточкага ёзиб олинг ва ҳар қандай шароит бўлганида қайталаб ўқийверинг.

Ўзи ҳақида тасаввурларни ўзгартиришга ёрдам берадиган бошқа услуб ўзини «гўёки шундай» тутиш. Масалан, агар ўзингизни қўримсиз ҳисобласангиз, гўё чиройлидек тутишингиз керак; мабодо сизда дадиллик етишмаётган бўлса, гўёки ўз кучингизга шубҳангиз йўқдай ҳаракат қилинг.

— Ахир бу бошқа бир кимсага ўхшашга уринишни билдирамайдими? — сўради йигитча.

— Албатта. Лекин ўзингизни гўё мафтункор, ўзига ишонган ва баҳтли инсондай тута босласангиз, энг



гаройиб ҳодисалар амалга ошади... Сиз ўзингизни күдлик, дадил ва бахтиёр ҳис эта бошлайсиз! Эҳтимол, буни ҳам мисол орқали тушунтирган маъқулдир. Ўзини кунук деб ҳисоблаётган қиз дугоналари билан рақсга борганини тасаввур қилинг. Бутун кеча давомида у ҳеч ким пайқамайдиган бурчакда туради ва ҳеч ким рақсга таклиф этмагани учун умуман ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ. Агар ўша қиз ўзини гўзал паридай тутиб, кўзга ташланадиган либос кийганида ва марказда, одамлар орасида турганида эди, эркин ва хотиржам, шунингдек, анча мафтункорроқ бўларди.

Энди минбарга сўзга чиқишига тайёрланаётган кишини тасаввур этинг. У гоят асабийлашганидан ҳатто тиззалири қалтираяпти. Ўзини гўё бирпасдан кейин орқасини шартта ўтириб, чиқиш томонга югуриб кетадигандек ҳис қиласи. Лекин бу синовдан эсономон ўтиши ниҳоятда зарурлигини билгани боис ўзини дадил тутишга ҳаракат қиласи. Дадил айтилган кириш сўзидан кейин аудитория қарсак чалади ва энди ўзини ростдан ҳам қатъиятли сезади. Шунга ухшаш, баъзан гўё бахтсиздай сезганимизда ўзимизни қувноқ тутиб, кишиларга жилмайиб боқсак, кўпинча улар ҳам бизга жавобан табассум қиласидар ва яна қайта руҳланамиз.

Ўзи ҳақидаги тасаввурларни мукаммаллаштиришнинг яна бир воситаси ўзингизга ёқадиган жиҳатни излашдир.

– Назарий жиҳатдан яхши эшитилса-да, амалда бажариш қай даражада осон деб ўйлайсиз? – қизиқсинди йигит ёндафттарчасига ёзувларни жадаллик билан ёза туриб.

– Бу жуда осон, – деди Моузис хоним. – Ўзингиздан «Қайси жиҳатларимни ёқтираман?» ёки «Нимани яхши бажара оламан?» дея сўрашнинг ўзи етарли.

– Ҳа, лекин буларга жавобан «Унчалик кўп бўлмаган» ёки яна ҳам ёмонроги, «деярли ҳеч қандай» деган сўзлар ҳам бўлиши мумкин, – хитоб қилди йигитча.

– Инсон ақдининг энг ажойиб сифатларидан бири унинг доимо саволга жавоб излашидадир. Ҳатто жавоби бўлмаса-да, ақл уни топади. Кўпинча ўзимизга «Нима учун



мафтункор эмасман?», «Нимага шунчалик тентакман?», «Нега иш топишни эплолмаяпман?» каби негатив саволлар берамиз. Ба ақл шу заҳоти ҳар қандай саволга жавоб топади: «Чунки бурнинг катта», «Чунки тентак бўлиб туғилгансан», «Чунки одамлар билан чиқиша олмайсан».

Лекин саволни тўгри берсак, ижобий жавоблар оламиз. Ҳар ҳолда ўзингизга ёқадиган бирор-бир жиҳатни тополмасангиз, саволни ўзгартиришга уриниб кўринг: «Агар менда бирор ёқадиган жиҳатим бор бўлса, у нима бўлиши мумкин?» Бундай саволнинг ўзи шунчаки тўгри жавобни талаб этади. Ўзимизга муносабатни ўзгартирувчи бошқа ажойиб саволлар ҳам бор: «Қандай кучли сифатларим бор?», «Нима иш қўлимдан келади?», «Қайси соҳаларга салмоқли ҳисса қўшишга лаёқатлиман?»

Аффирмациялар «гўёки шундай» тутиш ва позитив саволлар — жуда оддий ва амалий усуллар, улар ёрдамида ўзимизга нисбатан муносабатларни ўзгартира бошлаймиз. Гарчи ўзгалар бизнинг кўзгуларимиз ҳисоблансалар-да, улар қийшиқ, аниқ акс эттирмайдиган ойналар эканлигини ўзимизга доимий равишда эслатиб туришимиз даркор.

Агар буларнинг барчасини биргина жумла билан ифодалашталаб этилганда, қуидагиларни эслаб қолишини таклиф этардим: танқид қилиш учун на қобилият, на улкан ақл, на кучли феъл-атвор зарур. Яккаю ягона Парвардигори олам гулни яратишга қодир, лекин ҳар қандай тентак бола унинг гулбаргларини юлиб олиши мумкин! Одамлар душманона ёки қўпол кайфиятда бўлган чогда, улар шафқатсиз ва золимона фикрлар билдираётгандарида, уларнинг сўзлари асло сизнинг эмас, балки ўзларининг беҳаловат қалбларининг акси ҳисобланади. Шу боис кимлигингиз ва қандайлигингизни тушунтироқчи бўлган ҳеч кимсанинг сўзини эшитманг, албатта, улар ижобий фикрлар бўлса, бундан мустаснодир. Нима деб ўйлайсиз, агар бошқаларнинг фикрига қулоқ тутсам, шу ёшимида дорилфунунда таҳсил олармидим? Агар бу тўгрида атрофимдагиларнинг фикрига қўшилишга рози бўлганимда, наҳотки, олтмиш



беш ёшимда чангида учишга ўрганишга киришардим? Олтмиш саккиз ёшимда расм чизишни ўрганармидим? Ўйлайманки, агар ўзгаларнинг сўзига кирганимда, аллақачон ўлиб кетардим ёки ақдан озардим. Одамлар менинг ёшимда буларнинг барчасига киришишни тентаклик деб айтадилар. Кўплар мени аввалгидек ақлидан адашган жинни деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, бу шундайдир, лекин сизга бир нарсани айтмоқчиман — мен баҳтлиман ва ҳаётимдан мамнунман.

Инсон ҳаёти давомида эришиши мумкин бўлганининг яхшиси — ўзини англаши эканини бир жойда ўқигандим, чунки фақат ўшаңдагина буткул эркин бўлади. Ўзгалар унинг гарданига бўйинтуруқ қилиб илмоқчи бўлган чеклаш ва қоидалардан озод бўлади. Қандай яшашни истаса, шундай умр кечиришга имкон топади... ва баҳтли бўлади.

Йигитча ич-ичидан кўтаринкилик руҳи тошаётганини ҳис қилди:

— Бу шунчалар оддий эшигилса-да, жуда маъноли кўринаяпти, лекин... наҳотки у ҳақиқатга тўгри келади?

— Бунга ишонч ҳосил қилишнинг ягона йўли бор. Ўзингизда синаб кўринг! — жилмайди Моузис хоним.

Кечқурун, уйқуга ётиш олдидан йигитча кундузи ёзганларини ўқиб чиқди.

Ҳақиқиӣ Бахтнинг тўртинчи сири — ўзи ҳақидаги масаввурлар қуввати.

♦ «Инсон ўзи ҳақида қандай ўиласа, аслида шундайдир», дейдилар. Биз ўзимизни қандай деб ҳисобласак, худди шундаймиз. Агар ўзимдан норози бўлсам, демак, бутун умримдан ҳам норози бўламан. Шу сабабли баҳтли ҳаётга эришиш учун ўзидан мамнун бўлишга ўрганиш лозим.

♦ Ҳар бир инсон ноёбдир. У голиб ҳисобланади, чунки уч юз миллиондан бир имконият айнан шу кишининг туғилишига тўгри келди.

♦ Одамлар бизнинг аксимизни кўрсатувчи қийшиқ кўзгулардир.



◆ Ўзингиздаги нуқсонлар ва ўз ҳақингиздаги салбий қарашларингизни енгиш ҳамда ижобий қиёфангизни яратиш учун қуидагилар зарур:

негатив тасаввурлар қандай юзага келгани ва улар адолатли эканини аниқлаш (агар улар асосли бўлса, ўзингизни ўзгартиришга киришмоқ даркор);

сиз қандай одам бўлишни исташингиз ҳақида ҳар куни ўзингизга ижобий қарашларингизни айтавериш; қандай инсон бўлишни истасангиз, ўзингизни шундай тутиш; ўзингиздаги қандай жиҳатларингиз ва қайси фазилатларингиз учун ҳурмат қилишингизни ўзингиздан сўраш.





Бешинчи сир

МАҚСАД ҚҰВВАТИ

Иккі кундан кейин йигитча рўйхатидаги бешинчи киши — доктор Жулиус Фрэнкс билан учрашди. Доктор Фрэнкс шағар дорилғұнунда руҳшунослик профессори эди. Гарчи етмишларга борган бұлса-да, ёшига номуносиб даражада чаққон бўлиб, йигитчага кекса хитойликни эслатарди.

— Бу хитой билан танишганимга жуда күп йиллар бўлди, — дея тушунтириди доктор Фрэнкс. — Ўша Иккінчи жағон уруши йилларида мен Узоқ Шарқдаги ҳарбий асиirlар лагеридә зедим. Шароитлар ниҳоятда даҳшатли, чидаб бўлмас даражада эди: егуулклари ночор, тоза сувнинг йўқлиги ва қаёққа қараманг, ҳамма жойда ичбуруг, безгак ва офтоб уриши тинкани қуритарди. Айрим маҳбуслар жисмонан ва ақлан зўриқиши ҳамда очиқ қуёш тигидаги тинимсиз ва оғир меҳнатта дош беролмас, ўлим улар учун азоб-уқубатлардан қутулишнинг ягона чораси эди. Мен ҳам бу тўғрида ўйлаб юрадим, лекин бир куни бирор яшашга нисбатан истагимни тиклади. Бу кекса хитойлик эди.

Йигитча доктор Фрэнкснинг ўша кунги рўй берган воқеа ҳақидағи ҳикоясини диққат билан тингларди.

— Тинка-мадорим қуриган аҳволда танҳо ўзим ҳарбий машқлар ўтказилладиган майдончада ўтириб, электр ток ўтказилган сим тўсиққа қай тарзда югуриб бориб урилишимни ўйлардим. Шу лаҳзадаёқ ёнимда ўша кекса



хитойлик ўтирганини сездим. Камқувватлигим боис, аввалига ҳайрон бўлдим, кейин кўзимга йўқ нарсалар ҳам кўринаяпти, шекилли, деган хуносага келдим. Ахир японларнинг лагерида хитойлик шундай кутилмаганда ва осонликча қандай пайдо бўлиши мумкин?

У ўтирилиб, менга савол билан мурожаат қолди. Бу жуда оддий савол эди ва у ҳаётимни асраб қолди.

Доктор Фрэнкс бир дақиқага сукутда қолди. Йигит таажжубда эди. «Савол қандай қилиб кимнингдир ҳаётини асраб қолиши мумкин?» – ўйларди у.

У мендан: «Бу ердан омон-эсон чиқиб кетгандан кейин нима иш билан шугулланасиз?» деб сўради, – давом этди доктор Фрэнкс. – Бу ҳақда ўйламагандим, ҳатто ўлашга журъат этмагандим. Лекин болаларим ва хотиним билан қайта кўришиш ниятида эдим. Шу ондаёқ нимага яашшим зарурлиги, тирик қолиш учун имкониятимдаги ишларнинг барчасини бажаришга сабаб борлиги ёдимга тушди. Бу савол ҳаётимни сақлаб қолди, чунки у менга яашаш учун арзигулик мақсадимни қайтариб берди!

Ўша лаҳзадан бошлаб тирик қолиш учун кураш менга осонроқ кечди, чунки ҳар бир ўтган кун мени урушнинг ниҳоясига, бинобарин, орзуимнинг рўёбига яқинлаштиради. Кекса хитойликнинг саволи нафақат ҳаётимни асраб қолди, у менга умримнинг муҳим сабоқларидан бирини берди.

- У сизга айнан нимани ўргатди? – сўради йигитча.
- Мақсад қувватини.
- Мақсад? – қайта сўради йигитча.
- Ҳа. Мақсад сари интилишни. Бирор нарсани кўзлаш. Мақсадлар умримизга маъно ва мазмун бахш этади. Албатта, уларсиз ҳам яашаш мумкин, лекин ҳаётда баҳтли умр кечиришимиз учун унда маъно бўлиши зарур. «Мақсадсиз, – деб ёзганди адмирал Берд, – кунларимиз худди беъмани йўқотилгандай тамом бўлади».

– Нима йўқотилади? – сўради йигит.
– Қалблар. Нафақага чиқкандан сўнг кўпчилик касал бўла бошлиши ва тез орада вафот этиши сизни ҳеч ҳайрон



қолдирмаганми? Шунча бой ва таниқли инсонлар нима учун ҳаётларини ичкиликбозлик ва гиёхвандлик билан тутатишлари ҳақида үйлаб күрганмисиз?

Йигитча бошини иргади. Одамлар нафақага чиқышлари билан «кексайиб» қолишлари уни лол қолдиради. Дангиlama уйларида ҳамма нарсаси бисёр таниқли одамлар гиёхвандлик ёки иччиликка, ұтто үз жонига қасд қилишга бунчалик мойил эканлекларидан у доимо ташвишланарди.

— Бунинг сабабларидан бири, — тушунтируди доктор Фрэнкс, — улар бемақсад умр кечираётгандарини ҳис қилишларидаидір. Улар учун умр маъносини йүқотади. Сиз қаочон бұлса ҳам Хелен Келлер ҳақида әшитганмисиз?

— Ҳа. Қаранг, тасаввур қиласизми, үтган ҳафтада әшитдім. Менга айтдиларки, у күр ва гүнг булишиға қарамасдан, ҳаётни ғоят севар экан.

— Тұгри. Нима учун уни севишини биласизми? — сүради доктор Фрэнкс. — Чунки у үз ҳаётига маъно кирилди. Ногиронлигига қарамай баҳтли яшашиңи қандай удаалаётгани тұгрисида ундан сұрашганда, жавоби шундай бұлды: «Күпчилік инсонлар баҳт тұгрисида нотұгри тасаввур юритади. Үз истакларини қондириш йүли билан баҳтта эришиб бұлмайды, құйилған мақсадда садоқат зарур». Инсон қалбининг әнг асосий әхтиёжи умрни англаш заруриятадады, мақсадлар бизга айнан шуни инъөм этади.

Мақсадлар маъно ва мазмунни яратадилар. Мақсадимиз бұлса, нимага томон бораётганимизни биламиз, нимагадир интилаётганимизни биламиз. Мақсад бұлмаганда, ҳаёт мазмунсиз бұлади ва шунчаки оқим бүйлаб сузаверамиз. Буларнинг барчаси одамларда фақат иккита истак — қийналиш ва роҳатланиш борлиги туфайлидір. Мақсад ақлни роҳат-фарғатта йұналтиради, унинг йүқлиги қийноқлардан нари булиш учун дикқатини жамлашга имкон беради. Бироқ мақсадлар, ұтто қийноқларни енгиллаштиришга қодир.

— Ҳаммасига тушундым, деб айтолмайман, — деди йигитча. — Мақсадлар қийноқларни қандай енгиллаштириши мумкин?



- Дейлик... ҳа, қорним оғрияпти деб тасаввур қилинг. Бир неча дақиқадаги ўткир оғриқлар шунчалар қийнаётганидан қичқириб юборяпсиз. Ўзингизни қандай тутган бўлардингиз?
- Жудаям даҳшатли, деб ўйлайман.
- Мабодо оғриқлар кучайиб, хуружлар тезлашса, ўзингизни қандай ҳис қиласардингиз? Безовталикними ёки завқданишними?
- Бу қандай савол бўлди? Оғриқдан қандай завқданиш мумкин? Бу оддий мазохизм бўлган бўларди.
- Жуда унчалик эмас! Афсуски, ўзингизни ҳомиладор аёлдай сезишга ҳеч қачон мұяссар бўлмайсиз! Бундай дардни у чираб енгишига тўгри келади, аммо у бунинг натижасида фарзанд тугилажагини билади. Ҳатто хуружлар янада тезлашишини сабрсизлик билан кутади, чунки ҳар бир тўлғоги бола туғилишини яқинлаштириши ва оғриқ қолиши унга маълумдир. Ўша оғриққа bogliq maqsadni anglab etmoq aёlda dardni engilroq utkasiшга imkon beradi.

Худди ўша сабаб туфайли бизга бу давр тугаган чоғда етишишга арзигулик нимадир бўлса, оғир даврларни анча осонроқ кечиришимиз мумкин. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, айнан ҳаётда мақсадим борлиги тирик қолишимга сабабчи қувват багишилади. Бўлмаса, эҳтимолки, ҳаёт билан абадий видолашардим. Ўзим каби маҳбус елқадошимнинг чуқур изтиробда қолганини кўриб: «Бу ердан омон-эсон чиқсанг, биринчи навбатда нима қиласан?» деган худди ўша саволни берганимда, ҳали ҳам яшашга арзигулик нимасидир борлигидан кўзларида нур чақнаб, чеҳраси секин-аста ўзгарарди. Унинг жўшиб интилишига арзигулик келажаги бор эди ва ҳар бир янги кундан эсон-омон ўтишга қўлидан келганча ҳаракат қиласарди. Чунки бу кун уни туб мақсадига янада яқинлаштиришини англарди. Яна шуни айтишим лозимки, кишиларда шундай туб ўзгаришларни кўрганимда, бунда менинг ҳам ўзига яраша ҳиссам борлигини англардим ва қалбимни эзгу ҳислар чулгарди. Шундай қилиб, ёрдамим тегиши мумкин бўлган барча кишиларга кундалик кўмаклашиш менинг мақсадларимдан бири бўлиб қолди.



Уларнинг оғир даврлардан омон-эсон ўтиш сирларидан бири дориломон кунларда яшаш синоатига тўлиқ мос келади. Бу сир — мақсаддир. Агар мақсад ҳарбий хизматчилар қамоқхонаси маҳбусларидағи ҳаётга нисбатан иродали бўлишни ундашга қодир бўлса, оддий кишиларга у қандай фойда келтиришини тасаввур эта оласизми?

Урушдан кейин менга Гарвард университетининг анча қизиқ бир тадқиқотида қатнашиш насиб этди. 1953 йилги барча битирувчиларга ҳаётларида бирон-бир мақсади борми, шу мақсад сари интилиш ҳиссини сезишаپтими, деган савол билан мурожаат қилдик. Хўш, сизнингча талабаларнинг қанчасида аниқ мақсадлари бор эди?

— Ярмисида, — жавобни топишга ҳаракат қилди йигит.

— Уч фоиздан камроғида! — хитоб қилди доктор Фрэнкс. — Қаранг-а, юз кишидан бор йўғи уч нафари ҳаётдан нима исташлари ҳақида қандайдир тасаввурга эга эдилар!

Кейинги йигирма беш йил давомида уларнинг муваффакиятларини кузатарканмиз, ўша уч фоиз тоифасидагиларнинг қолганларга нисбатан оиласи мустаҳкам, саломатлиги яхши ва молиявий аҳволи анча баландроқ эди. Шундай қилиб, улар анча баҳтли ҳаёт кечирганига мутлақо ажаблан-маса ҳам бўлади.

— Нима учун мақсад одамларни анча баҳтлироқ қилади, деб ҳисоблайсиз? — сўради йигитча.

— Чунки биз қувватни нафақат озиқ-овқатдан, балки ўзимиздаги гайратдан ҳам оламиз, гайрат эса мақсад мавжудлигидан, инсоннинг ўз орзуси сари интилиши эвазига пайдо бўлади.

Жуда кўп кишилар ўзларини баҳтсиз сезишлирининг жиiddий сабабларидан бири шундан иборатки, улар ҳаётларининг маъносини ҳам, мақсадини ҳам ҳис этмайдилар. Уларда эрта билан ўрнидан туришга арзигулик мақсадлари ва илҳомлантирувчи орзулари йўқ. Улар бемақсад умр оқими бўйлаб аниқ йўналишсиз оқиб борадилар.

— Агар сизда нимагадир интилиш бўлса, — давом этди доктор Фрэнкс, — ҳаётдаги стресслар ва асабий ҳолатлар



буткул йўқолгандаи туюлади. Улар бор-йўги ўз мақсадига етишиш йўлидаги енгигб ўтиш керак бўлган говларга айланади. Шу сабабли барча bemorlarimga «тебранма курси услуби»ни ўрганишни тавсия этаман.

— Бу нима? — сўради йигитча.

— Бу жуда оддий машгулот, унда бутун умрингизни яшаб бўлгандек тасаввур қиласиз-да ва ҳозир тебранма курсида ўтирганча қандай яшаганингиз ва нимага эришганингиз тўғрисида ўйлайсиз. Нималар ҳақда хотирлаш сизга ёқарди? Одамлар билан қандай муносабатларни йўлга қўйишга эришдингиз? Ва, ҳаммасидан муҳими, бу ердаги тебранма курсида ўтирган чоғингизда, қандай инсон бўлишни хоҳлардингиз?

Йигитча ёндафтарига ёзувлар ёзди. Булар жуда чуқур саволлар бўлиб, у ўзига ҳеч қачон бу саволларни бермаган эди.

— Бу усул ўзингизнинг узоқ муддатли мақсадларингизни аниқлашга имкон беради. Кейин, худди шу тарзда, яқин муддатли — ўн ва беш йил, бир йиллик, ярим йиллик, бир ойлик ва ҳатто ҳар бир кунлик мақсадлар аниқланади. Кейинчалик bemorlarimga бу мақсадларни ёзib олиш ва ҳар тонг уларни такрор ўқишлирага маслаҳат бераман. Шунинг эвазига инсон доимо ҳар куни эрталаб ўрнидан туришига арзигулик нимадир борлиги ва у туфайли вужудига қувват ҳамда қизиқиш тўлаётганини сезади.

— Мен шундай қилишга уриниб кўраман — деди йигитча. — Эрталаб ўрнимдан туришим ҳар доим жуда қийин кечади.

— Ундан ташқари, рўйхатингизни кун давомида бот-бот ўқиб туриш жуда фойдали ва мақсадларингиз фикрларда муҳраниши учун уйқу олдидан ҳам улар билан машгул бўлинг.

— Агар қарашларим ўзгарган бўлса ва қандайдир мақсад энди мени қизиқтиrmай қўйса, нима қилиш керак? — сўради йигитча.

— Саволингиз ёмон эмас. Йиллар ўтган сари, дарҳақи-қат, ҳаётий вазифа ва қадриятларимиз ўзгариб боради. Шу боис, унга мувофиқ равишда ўз мақсадларимизни ўзгартириш кифоя қиласи. Мана шу сабабдан «тебранма



курси услуби»ни мунтазам равища — ҳеч бўлмаса, ярим йилда бир қўллаш зарур. Бунинг эвазига қаршимизда ўзимизни буткул багишланимиз мумкин бўлган, умримизга мазмун ва маъно киритувчи, гайратимизни жўш урдириб, бизни олга етакловчи айнан ўша мақсадлар пайдо бўлади.

Мақсадлар баҳтимизга пойдевор қўядилар. Одамлар кўпинча баҳтнинг асосий шартлари яхши турмуш шароити ва дабдабали ҳаёт деб ҳисоблайдилар, лекин аслида баҳтли бўлишимиз учун кўтаринки кайфият чақиравчи бир илҳомга эга бўлишимиз керак. Ҳақиқий Баҳтнинг энг буюк сирларидан бири шундан иборат — ҳаётда агар у маъно ва мақсаддан ажратилган бўлса, узоқ муддатли баҳт бўлиши мумкин эмас. Мақсад қуввати ана шундა.

— Сизга кекса хитой билан яна қачон бўлса ҳам учрашиш насиб этдими? — сўради йигитча.

— Йўқ. Тўгрисини айтганда, қачонлардир у шунчаки хаёлларим маҳсули бўлганига ишончим комил эди.

— Нима учун?

— Чунки уни аввал ҳам, кейин ҳам учратмадим. Биласизми, қиздириб турган офтоб мия билан ҳар қандай ҳазил ўйнаши ҳеч гапмас. Лекин, урушдан кейин, унинг ростдан ҳам борлигини билиб қолдим.

— Қандай қилиб? — сўради йигитча.

— Мен бир йигитчадан мактуб олдим. У исмимни кекса хитойдан билган экан!

Ўша куни кечқурун йигитча бу суҳбат давомида ёзган ҳамма ёзувларини тартибга келтирди.

Ҳақиқий Баҳтнинг бешинчи сири — мақсад қуввати.

◆ Мақсадлар умримизга маъно ва мазмун баҳш этади.

◆ Агар мақсадга эга бўлсак, фикримизни азоб-уқубатлардан қутулишга эмас, роҳат-фарогатга эришишга жамлаймиз.



- ◆ Мақсадлар ҳар тонг ўрнидан туришга арзигулик сабабга айланади.
- ◆ Мақсадлар оғир даврларни осонроқ, дориломон күнларни янада ёқимлироқ қиласы.
- ◆ «Тебранма курси услуги» мақсадларни бутун умрга ва белгиланган қисқароқ муддатта танлаш имконини беради.
- ◆ Барча мақсадларингизни ёзиб қўйинг ва уларни эрталаб уйгонган заҳотингиз, кун давомида бот-бот ва уйқудан олдин қайталааб ўқинг.
- ◆ «Тебранма курси услуги»ни мақсадларингизга қизиқишингиз сўнмаганига амин бўлишингиз учун, йилда икки бор такрорлашини унутманг.





Олтинчи сир

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА ҚУВВАТИ

Биринчи қараганда, күнгилсизликларга нисбатан Бенгил ва ҳазил-мутойиба билан қараш уларни енгиб ўтишга ёрдам бериши фикри бемаънидай туюлса-да, лекин у аслида энг қалтис вазиятлардан эсон-омон ўтиш ва ўз баҳтини яратишнинг яхши усуллардан биридир.

Йигитча бу гапга бутунлай лол қолди. Рұпарасида ўтирган бўйи унча баланд бўлмаган, миқти гавдали, олтмиш ёшлар атрофидаги бу кишининг исми Жозеф Харт эди. Жаноб Харт такси ҳайдовчиси бўлиб, йигитчанинг рўйхатида олтинчи исм бўлиб турарди.

— Ўн йил муқаддам, — давом этди жаноб Харт, — ишим чаппа кетди. Бунинг учун кўп нарса талаб этилмади: мен энг йирик мижоздан айрилдим, бир нечта муҳим мижозлар қарзларини тўламай гойиб бўлдилар ва ушбу вазиятдан чиқишимнинг ҳеч бир йўли қолмади. Оғир меҳнат эвазига ишлаб топган ҳамма нарсаларимни олиб қўйишаёттанини кузатардим. Бор-йўғимдан айрилгандим.

Қай даражада хафа, бебаҳт ва изтиробда қолганимни тасаввур эта оласизми? Мен шаҳар марказидаги «Хилтон» меҳмонхонасининг ўн учинчи қаватидан бир хонани ижарага олиб, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, жонимга қасд қилмоқчи эдим.

Жаноб Хартнинг ҳикоясини тингларкан, йигитча сўз айттолмай қолди.

— Каравот четида ярим соатга яқин бошимни чангала-ганча ўйлаган ниятимни амалга оширишга журъат топишга уриниб ўтирдим. Ниҳоят, ўрнимдан туриб, тўғри



балконга йўл олдим. Эндиғина тўсиқ ёнига етганимда, орқамда овоз эшитилди. Қайрилиб қарасам, хонага меҳмонхона ходими кирди. У ҳаммаси жойидами, дея қизиқди. Мен бош иргадим, лекин у ҳам балконга чиқиб менга бирор нарса келтириш зарурлигини сўради. Мен йўқ, дея жавоб бердим. У балкоңдан шаҳар кўринишини томоша қилди. Мусаффо ҳаволи кучли шамол эсади, ходим чуқур нафас олди. «Нақадар ажойиб кун!» – деди у. «Нимаси ажойиб экан?» – мингирадим мен. Шунда у менга худди бошимдан бир челак муздек сув қўйган каби таъсир этган жумлани айтди. У: «Бундай кунлардан маҳрум бўлган чоғдагина уни англаш мумкин!» – деди.

Шу қадар асабийлашган ҳолда здимки, унинг кўз ўнгида ҳўнграб йиглаб юбордим. Мендан нима бўлганини сўради ва бор-йўғимдан буткул ажраганимни сўзлаб бердим. У ташвишда қолгандек кўринарди:

«Нимани назарда тутяпсиз? Ахир сиз кўрасизми?»
«Албатта», – жавоб бердим.

«Жуда соз, демак кўзларингиз бор. Бундан ташқари, – давом этди у, – кўринишдан, сўзлаш ва тинглашга ҳам қобилиятлisisiz. Юришни ҳам унутмаган бўлсангиз керак. Хўш, айтинг-чи, айнан нимани йўқотдингиз?»

Менунгабарчайиқсан-тергандаримданайрилганимни, ишлаб топган маблагларимнинг ҳаммасини олиб қўйишганини айтдим.

«Ҳа! – хитоб қилди у. – Сиз бор-йўги, пулингизни йўқотибсиз-да...»

Шундан кейин устимдан яна бир челак муздай сув қўйиб юборгандай деди:

«Ким кўпроқ йўқотаяпти: саратон хасталигидан улаётган миллионерми ёки чўнтағида бир чақаси йўқ, соглом одамми?»

Тўсатдан, ўз бахтсизликларимни бениҳоя пуллаб шиширвorgанимни сезиб қолдим. Меҳмонхона хизматчиси менга кўпчилик одамлар шунчаки вужудга келган вазият истиқболини йўқотишлири ва кўпинча айнан шу уларнинг ўзларини бахтсиз деб ҳис этишларига сабаб бўлишини тушунтирди.

У билан бўлган суҳбат муаммоларимнинг биронтасини ҳал этмаган бўлса-да, уларга ўзгача нуқтаи назар билан қарашимга ёрдам берди. Ўз умрим тўғрисида яна ўйлаб



күришим етарли бўлди ва гарчи бу ҳақда унга тан олмаган бўлсам-да, ўша куни бу ходимнинг оддийгина донишмандлиги ҳаётимни сақлаб қолди.

Кетишидан олдин, ўзининг айтишича, юзага келган вазиятда менга ёрдам бериши мумкин бўлган одамлар рўйхати битилган қозоғ бериб кетди. Улар менга пул қарз беришлари мумкин, деб ўйлагандим, лекин ундан анча қимматлироқ — ҳақиқий Бахт сирларини бердилар.

Айнан шу сирлар туфайли секин-аста бир маромдаги ҳаётимни тиклашга ва шахсий баҳтиимни яратишга эришдим. Ўзим ва ўз ҳаётимга нисбатан жуда кўп муносабатни ўрганишимга тўгри келди — ишонч, муносабатларимиз, жисмоний саломатлик, кечиримлилик, одамлар билан ўзаро муносабатларнинг муҳимлиги, шундай бўлса-да, айниқса ўзгача муҳим сир, бу... кулиш қуввати бўлди.

Мен ҳар бир нарсага бағоят жиҳдий муносабатда бўлувчи кишилар тоифасига кирадим. Лекин сиз ҳеч қачон кулмасангиз, баҳтли бўлиш унча осон эмас!

— Назаримда, бу аравани отнинг олд томонига қўйишга уринищдир, — деди йигитча. — Айтмоқчиманки, баҳтиёр чогимиизда, одатда, тез-тез кулиб, ҳамма нарсага камроқ жиҳдият билан муносабатда бўламиз, лекин айнан шу бизни баҳтли қилишини ҳеч қачон ўйламагандим.

— Сиз ҳақсиз. Кулги, дарҳақиқат, баҳтнинг қўшимча маҳсулотидир. Лекин у ҳатто баҳтиёрик ҳиссини пайдо этишга ҳам қодирдир. Биласизми, биз кулаёттанимизда, ҳатто жилмайганда ҳам, — мияга маълум кимёвий моддалар ажралиб киради ва одам ўзидан ўзи хурсанд бўлиб кетади. Тад-қиқотлар кўрсатишича, кулаёттган чогимиизда қонимиз таркибидаги стресс гормонлари — адреналин ва кортизон даражаси пасаяди ва натижада камроқ ҳавотирланамиз ва ўзимизни бебаҳт сезавермаймиз.

— Ундай бўлса, нима сабабдан буюк комик артистлар қаттиқ руҳий тушкунликка тушишга фавқулодда мойил бўлишган? — сўради йигитча.

— Одамлар фақат ҳаддан зиёд кўп кулганлари туфайли оғир руҳий тушкунликка тушмайдилар, — деди жаноб Харт. — Лекин кўплар гам-андуҳни енгишга кўмаклашувчи кулги ва ҳазил-мутойиба қувватини тугма равища қўллайдилар. Эсда тутинг, кулги ҳақиқий Баҳтнинг ўнта



сиридан фақат биридир ва башарти биз аниң баҳтта эришмоқчы бұлсак, үз умримизда үнта сирнинг ҳаммасини құллашшимиз зарур. Фақатгина ҳазил-мутойиба күмагида баҳтли бүлишігә эришиш, овқатланиш, дам олиш, стресс ва ақволимизга таъсир күрсатувчи бошқа омилларни эътиборсиз қолдирғанча фақат жисмоний машқлар туфайли согломликка интилиш каби беҳуда уринишадыр.

Бундан ташқари, кулғи диққатни жамлаш қобилиятини кучайтиради ва унинг ақдій масалаларни еча билишни фавқулодда орттириши исбот қилинган. Бир неча йиллар илгари Мериленд университети олимлари жуда қизиқ тадқиқот үтказғандылар. Улар икки гурух кишиларни танлаб, синовдагиларнинг ҳаммаси олдига бир хил масала қўйдилар. Ягона фарқи шунда здики, биринчи гурухга масалаларни ечишга киришишдан олдин ярим соатлик таълимий видеофильм, иккинчисига эса кулгили шоу қўйиб берилди. Бўлиши мумкинмасдай туюлса-да, комедияни кўрганлар, биринчи гуруҳдагиларга қараганда, масалаларни ўртача уч баробар тезроқ ечдилар!

Йигит ёндафтаридан назарини узди.

— Лекин инсонда муаммолар юзага келса, агар у ўзини изтиробга тушган, беҳаловат ва ҳаяжонланган ҳолда сезса, — эътиroz билдири у, — кула оладиган кайфиятда бўлиши мумкинми? Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Ҳа, шубҳасиз, шундай. Ҳамма гап шунда-да!

Агар инсон ана шу ҳолатда кулолса эди, бу унга вазиятни тузатишига ёрдам берарди. Чунки у ўзини нафақат тетикроқ сезарди, нафақат асабий тутарди, балки юзага келган муаммоларни ҳал этиш қобилиятларини ҳам кўтарарди. Ахир сизни хафа қилган ва ғазаблантирган, — гарчи бирор ҳафтадан сўнг дўстларингиз даврасида бундан ўзингизни ҳам күлдирған эса-да, — бирор нарсани бошингиздан кечиришга тўғри келмаганми?

— Бўлган. Эҳтимол, бу ҳамма билан учрайдиган ҳодиса.

— Ўша вазият устидан кулганингизда у сизни нотинч қилганми?

— Йўқ. У қандай нотинч қилиши мумкин? — жилмайди йигитчя.

— Шуни айтяпман-да, — деди жаноб Харт. — У сизни безовта қилиши мумкинми? Йўқ. Бўлмаса нима учун



муаммоларимиз устидан кейинроқ эмас, аввалроқ кула билганимизда эди, бизга осонроқ бұларды, деган холоса чиқармаслигимиз керак?

— Ҳа, тушунаман. Лекин сизни хафа қилаётган нарса устидан қандай кулиш мүмкін?

— Унинг сири кулгили нарсаны топищадаир. Ҳаммаси ақлимиизга болғық. Биз үз фикрларимизни танлаймиз, ақлимииз нимага жамланганини танлаймиз. «Бу вазиятда нимаси ёмон?» деб үйлаш үрнига шундай осонлик билан үзимизга: «Бу вазиятда нимаси кулгили?» деган саволни беришимиз мүмкін.

— Агар унинг ҳеч кулгили жойи бўлмаса-чи? — сўради йигитча.

— У ҳолда үзингиздан: «Унда кулгили нима бўлиши мүмкін эди?» дея сўранг. Одатда, ҳар бир вазиятнинг кулгили жиҳати бўлади, масала фақат бу кулгили жиҳатни топиш истагининг борлигида. Агар ростдан ҳам унинг кулишга арзидиган ҳеч нимаси бўлмаса, бошқа бирор томонини топинг. Чунки кула билиш кўпинча ярим галабани билдиради.

— Назарий жиҳатдан булярнинг барчаси донишмандларча эшитилса-да, амалда баъзан қайсиdir бир вазиятда кулгили томонларини топиш уччалик осон эмас, — фикрини маъқулларди йигитча.

— Ҳар қандай ҳолларда ҳам кулиб бўлавермайди, — рози бўлди жаноб Харт, — лекин кўпинча бунинг иложи бор. Муаммо шундаки, башарти фақат излаганингиздагина ҳар қандай вазиятда кулгили томонини кўра оласиз. «Апполон»да учган биринчи америкалик астронавт Жон Гленн ҳақидаги воқеа ёдимга тушди. Жон ракетага кўтарилишга ҳозирланаётганда, қайсиdir репортёр уни тўхтатиб сўради: «Жон, мабодо фазода двигателлар бузилиб, Ерга қайтолмай қолсангиз, нима бўлади?» Жон репортёрга қараб, жилмайганча: «Биласизми, нима? Бу ростдан ҳам кун бўйи кайфиятимни бузарди», дебди.

Ўша куни Жон Гленн дуч келган стресс вазиятини кўпгина кишилар кечириб ўтганлар, деган фикрга шубҳам бор. Эҳтимол, кўпчилигимиз шунга ўхшашиб ҳолга тушмасмиз. Лекин агар ҳаммамиз ўша ҳазил-мутойиба билан ҳаёт қийинчилклариға тик қарашни билганимизда эди, умримиз анча баҳтироқ кечарди.



«Апполон»нинг учиши муваффақиятли тутаганидан сўнг, матбуот ходимлари билан учрашув ўтказилди, яна бир мухбир Жондан Ер атмосферасига кираётган чоғда нима тўгрисида ўйлаганини сўради. «Ер атмосферасига кираётганимда капсулам энг арzon нарх сўраган компанияя томонидан тайёrlангани ҳақида ўйладим!»

Бу фикр ростдан ҳам кишини бироз қўрқитувчи бўлган бўлиши мумкин, лекин Жон ҳазил-мутойиба туфайли ўз қўркувини енгиб ўтди. Буларни сўзлаб беришимдан мақсад шуки, ҳаётимизда дуч келадиган қийинчилклар ва тўсиқлар қандай бўлишидан қатъий назар, энг яхшиси, ўзимизга «Бу вазиятда нимаси кулгили?» ёки «Унда кулгили нима бўлиши мумкин эди?» деган савони бериш даркор.

Кўпгина одамларнинг муаммоси шундаки, улар ҳаётга ҳаддан зиёд жиiddий муносабатда бўладилар. Ўзни тўхтатиш ва ўзингиздан: «Ўн йилдан сўнг, жилла курса, бирон-бир кимсага бунинг қандайдир аҳамияти бўладими?» дея сўраш кифоя. Агар бунга инкор этувчи жавоб бўлса, демак бунга ўта жиiddийлик билан муносабатда бўлишга ҳеч асос йўқ, шундаймасми? Буларнинг ҳаммаси «антистресснинг икки қадами формуласи»ни эслатади.

- У нима экан? – сўради йигитча.
- Биринчи қадам: майда-чуйдаларга ташвишланма.
- Жимлик чўқди.
- Иккинчиси-чи? – сўради йигитча.
- Ёдингда тут: умрнинг каттагина қисми майда-чуйдалардан иборат!
- Менда саксон бешга кирган, ўлим тўшагида ётган бемор аёлнинг ажойиб ҳикояси бор, – деди жаноб Харт йигитчага бир варақ қогоz узатаётib. – Унда чуқур донишмандик бор.

Агар умримни янгитдан яшаш насиб бўлганда эди, кўп хатоларни такрорламасликка ҳаракат қиласдим. Унча рисоладагидай бўлмасдим. Ўзимни эркинроқ қўярдим. Эгилувчан бўлардим. Аввал яшаган ҳаётимга нисбатан ўзимни аҳмоқроқ тутардим. Аслида энди менга жиiddий муносабатда бўлишим зарур бўлган жуда кам нарсалар маълумдир. Озроқ беақл бўлардим. Камроқ даражада ҳушёр фикрловчи бўлардим.



Күпроқ имкониятлардан фойдаланарадим. Күпроқ саёшатда юрардим, тоғларга тирмашиб чиқардим, күпроқ дарёлардан сузіб ұтардим ва бориш насиб этмаган күп жойларга бориб келардим. Күпроқ музқаймоқ ва камроқ ловия ердим.

Аниқ муаммоларим күп, лекин хаёлийлари камроқ бұларди.

Биласизми, соатма-соат, кунма-кун әхтиёткорлик, ақаллилық ва соғлом фикрлаш түшүнчлары билан яшаёт-ғанлардан бири бұлардим. О, худойим, қанча лаҳзаларим бор эди-я, агар булатнинг барчасини такрорлашнинг иложи бұлганда эди, улар лаҳзама-лаҳза анча күп бұларди.

Мен күчага ҳеч қачон ёпинчиқсиз, градусниксиз, иссиқ сувли идишсиз, томоқни чайиш учун пиёласиз ва шамсиясиз чиқмайдиганлардан бири эдим. Лекин агар булатни яна такрорлай олганимда эди, мен осонликча саёшат қилардим.

Агар булатни яна такрорлай олганимда эди, зерта баҳордан кеч күзгача ялангоёқ юрардим. Арғымchoқларда күпроқ учардим, тонгларни күпроқ кутиб олардим, болалар билан күпроқ үйнардим — қанийди, умримни янгитдан бошлай олсам эди! Энг ачинарлisisи шундаки, бундай қилолмайман...

Бу сатрларни үқи्र экан, йигитча жилмайди:

— Сиз ҳақсиз. Булар ростдан ҳам ажойиб сұзлар экан. Үндан нұсха күчириб олсам майлими?

— Марҳамат, — деб жавоб берди жаноб Харт.

— Булатнинг барчасини менга етказганингиз учун сизга раҳмат, — деди йигитча. — Үйлаб күришим учун бой мавзу бердингиз.

— Жуда соз. Сизга ёрдамим текканидан хурсандман, — деди жаноб Харт. — Лекин кетишингиздан аввал Жорж Бернс сұзларига күра бахтнинг сири нимадалигини билишни истарсиз?

— Албатта.

— «Бахтнинг сири? — деди у. — Бу жуда оддий. Яхши сигара, яхши таом ва яхши аёл ёки унча яхши бұлмаган аёл. Ҳаммаси сиз қанча бахтни күтаришга лаёқатли эканлигингизга bogлиқ!»



Эшикка яқинлашган йигитча жаноб Хартга қайрилиб қараб:

— Сизнинг исмингизни менга берган кекса хитойлик билан қандай танишганингизни айтмадингиз.

Жаноб Харт табассум қилди:

— Ростданми? У ўша меҳмонхона хизматчиси эди. Унга ўша куни нима қилмоқчи бўлганимни айтиб беролмадим ҳам. Эртасига эрталаб меҳ-монхона ҳодими турадиган ерга бориб, унга миннатдорчилик билдиromoқчи ва менга қанчалар кўмаклашганини айтмоқчи эдим, лекин у ҳақда ҳеч ким ҳеч қачон эшитмагани маълум бўлди.

— Демак, сиз унга миннатдорчилик билдира олмабсизда? — сўради йигитча.

— Йўқ. Насиб этмади, — жилмайди жаноб Харт. — Лекин у ҳаммасини билади, деган фикрдаман. Ахир, охир-оқибатда у сизга менинг исмимни айтиби-ку, шундайми?

Кечқурун ётишдан олдин йигитча ёзувларни такрор ўқиди.

Ҳақиқий Бахтнинг олтинчи сири — кулгу қуввати.

- ♦ Ҳазил-мутойиба стрессларни енгиллаштиради ва баҳт туйгусини чақиради.
- ♦ Кулги диққатни жамлаш қобилиятини кучайтиради ва масалалар еча билишни юксалтиради.
- ♦ Ҳойнаҳой, ҳар қандай шароитда кулгили томонларини изласангиз, топиш мумкин.
- ♦ «Бу вазиятнинг нимаси ёмон?» саволидан кўра, ўзингиздан: «Бунинг кулгили жойи қайси?» ёки «Бунда нимаси кулгили бўлиши мумкин эди?» деб сўранг.
- ♦ «Антистреснинг икки қадамли ифодаси»га тез-тез мурожаат қилиб туринг:
майда-чуйдаларга ташвишланаверма;
умрнинг каттагина қисми майда-чуйдалардан иборатлигини ёдингда тут!



Еттиинчи сир

КЕЧИРИШ ҚУВВАТИ

Эртаси куни йигитча рўйхатидаги еттинчи, доктор Гавард Жекобсон исмли кишининг хонасида пайдо бўлди. Доктор Жекобсон балаңд бўйли, барваста эркак эди, унинг соchlари сарғиш, кўзлари ёрқин мовий рангда эди. У қирқ икки ёшда бўлиб, шаҳар касалхонасида қачон бўлмасин ишлаган ҳамма бош жарроҳларнинг энг ёши эди. Унинг хонаси бинонинг энг юқори қаватида жойлашган ва икки бурчак томонлари баҳайбат дераза ойналаридан иборат бўлиб, ундан шаҳарнинг гарбий қисми томонига сеҳрли кўриниш очиларди.

— Ҳақиқий Бахт сирлари тўғрисида илк бор йигирма йил бурун эшитгандим, — дея сўз бошлади доктор Жекобсон.

— Ва улар сизга ёрдам бердими? — шу заҳоти сўради йигитча.

— Ҳеч шак-шубҳасиз, — жавоб берди доктор Жекобсон. — Улар ҳаётга нисбатан муносабатимни буткул ўзгартириб юборди. Мен ҳеч қачон ун-чалик бахтли бўлмаганиман, — тан олди у. — Ҳар доим тез орада бахтли бўладиган инсонлигимча қолганиман. Аввалига коллежга кирганимдан сўнг бахтли бўлишга умид қилдим, лекин талаба бўлганимдан кейин ҳам ҳеч нима ўзгармади. Шунда дипломли врач бўлганимда бахтли бўлсам керак, деб ўйладим, лекин бу ҳам ҳеч нимани ўзгартирмади. Жарроҳ бўлибиш бўшлаганимдан сўнгҳам, ўйланганимдан кейин ҳам, фарзандларим тугилганидан



кейин ҳам ҳеч қандай үзгаришлар содир бұлмади. Тан олишим керак: муваффақиятта эришишимга қарамасдан, — ажойиб уйим, суюкли рафиқам ва бола-чақам бор зди, — ҳеч қачон чинакам баҳтли бұлмаганман.

Үтган воқеаларға әнди назар ташларканман, үйлашимча, муаммоларим ўн яшарлигидан, отам хоҳишимни инобатта олмай, мени мактаб-интернатта юборған чөдән бошланған. Ұшанда бир йил муқаддам онам автоҳалокатта учраб, вафот этганди. Менға онамни ўша заҳоти ҳаётдан күз юмған, деб айтишганди, лекин машинани бошқарып бораётгап отам танасининг бирон жойи қирилмаганди ҳам. Үйлайманки, бұлған воқеада доимо уни айбдор деб ҳисоблаганым сабабли, буни тан олиш жуда ёқимсиз бұлса-да, онг ортида отамга нисбатан нафрат руҳида үсганимай.

— Нима учун? — сұради йигитча.

— У мени яхши күрмаган ва ортиқча ташвишдан ҳалос бұлиш учун интернатта жұнатған, деб ҳисоблаганман, ҳархолда менға шундай туюлған.

Доктор Жекобсон бир лаңзага жимиб қолди ва дераза ойнасига қаради.

— Бу алам билан ўн беш йилдан зиёд яшадим, — деди у ва товушини пасайтириб қүшиб қўйди: — Ичингизда шунча зулм ва алам борлигида баҳтли бұлиш жуда қийин...

Бир куни конференцияга учеб кетаётгап чогимда аэропорт радиокарнайидан: «Доктор Жекобсонни маълумотлар хонасига киришини сұраймиз», — деган овоз келди. Мен улар айтган жойга борсам, қўлимга тезкор хабарнома тутишди: отам юрак хуружи туфайли шаҳар касалхонасининг интенсив терапия бўлимида ётган экан. Мен ўтириб, бу маълумотни ниҳоятда бошим қотганича ўқирканман, әнди қандай йўл тутишимни билмасдим. Ўша чоғда отам билан беш йил давомида гаплашмагандик.

Қўлимдаги қоғозни гижимлаб, ахлат қутига иргитиб юбормоқчи здим, қандайдир бир киши ёнимдаги жой бўшми, деб сұради. Мен нигоҳларимни қаратиб, уни... кекса хитойликни кўрдим. Ўтирган заҳоти мен билан



сүхбатга киришиб кетди. У авария оқибатида бир оёғидан ажраган дўстини кўргани кетаётган экан. У кўк чироқ ёнганде кўчани кесиб утаётганида, машина уриб кетиб, ўнг оёгини бутунлай эзиз юборибди. Унинг тирик қолиши мўъжиза бўлибди. Кекса хитойликнинг айтишича, ўша машина ҳайдовчиси жуда шошилиб кетаётгани туфайли кимдир йўлни кесиб утаётганини пайқамабди. «Бундай нусхаларни кўргани кўзим йўқ», – дедим, лекин ёнимдаги хитойлик менга даҳшат билан қаради. «Наҳотки, инсонни фақат хато қилгани туфайли ёмон кўриш мумкин?» – сўради у. – Умримиз давомида ҳаммамиз жуда кўп янгишамиз. Агар хатога йўл қўйган ҳар бир инсонни ёмон кўраверсангиз, охир-оқибатда ҳаммани... шу жумладан, ўзингизни ҳам ёмон кўриб қоласиз».

Кейин у мен томонга ўтирилди-да, нигоҳини кўзларимга тик қаратиб деди: «Менинг мамлакатимда бир гап бор: агар кечирмасанг, баҳтли бўлолмайсан».

«Кечириш ҳар доим ҳам осон эмас, – эътиroz билдиридим. – Барчаси хатонинг нақадар жиiddийлигига боғлиқ».

«Агар ҳаммаси шундай бўлганида эди, – жавоб берди у, – унда жаннатда ҳеч ким бўлмасди».

Биз яна бир неча дақиқа сўзлашиб ўтиридик ва у ҳаёт қонунлари ҳамда ҳақиқий Баҳт сирлари тўғрисида эслаб ўтди. Илгари бу нарсалар ҳақида ҳеч эшитмагандим ва унинг сўзлари таъсирида ичимда нимадир тўнтарилгандек бўлди. Бир неча дақиқадан кейин қария биз танишиб қолган алфозда – қўлимдаги гижимланган қоғозни тутганча ўтирганимда мени тарк этди. Энди нима қилишни билардим.

Чиптамни топширдим ва отамни кўриш учун касалхонага жўнадим. У каравотда ҳамма ёги найчалар билан ўралганча ётарди, боши узра эса юрак фаолиятини кузатувчи асбоб туради. Мен унга яқин келиб, каравотга ўтиридим ва болалик чогимдан бери ҳеч бўлмаган шундай бир ҳаракат қўлдим... Унинг қўлидан ушладим. У буткул қимиirlамай ётарди, ҳатто гапиролмасди, шифокорлар унинг эшитаётганига ҳам шубҳаланардилар. Мен отам



устига әгилганча қулогига шивирладим: «Дада, бу мен, Гарвардман». Шунда умримда бошимдан кечиришим мүмкін бұлған воқеаларнинг энг ажойиби рүй берди. Отамнинг ёноқларидан күз ёшлари думалади ва жуда күп йиллар мобайнида биринчи бор ҳұнграб йиглаб юбордим. Бу кечириш ва үтган замон билан айрилиш лаңзаси зди.

Кейинги икки ҳафта давомида унинг ҳузурига ҳар куни келдім ва гарчи отамнинг күzlари юмуқ бұлсада, құlinи туттанимда унинг қовоқлари сал-пал учиб, кафтимни қаттиқ сиқиб құярды.

Ниҳоят ажойиб кунларнинг бирида шу бутун вақт ичида ибодат қылғаним — мұъжиза рүй берди. Касалхонага келганимда унинг ақли-хуши тұлиқ жойига келган, құлида чой қуйилған пиёла туттан ҳолда күрдім.

Биз құчоқлашдық — бундай ҳол сұнгти бор жуда кичкиналигимда бұлғанди. Гапга тушиб кетдик. Ұша куни кечқурун бутун үтган үн беш йил мобайнидагидан күпрогини бир-бirimizga айтдик. Ва фақат ұша куни онамнинг ўлимига сабабчи бұлған автоҳалокат тафсилотларини ҳамда ихтиеримга қарши равища интернатта жұнатылғаним сабабини билдім. Машина юпқа муз қоплаган йўлдан бораётіб, тийганиб ағдарилған ва йўловчи ўтирадиган томон билан урилған, онам эса зарб натижасыда шу заҳоти ҳаётдан күз юмған. Бу ҳақиқий баҳтсиз ҳодиса бўлиб, ҳеч ким айбор бўлмаган. Ұша вақтда гарчи отам ўз ҳиссиётларини ҳеч қачон билдирамаган эса-да, буткул тушкунликка тушиб қолған. Ҳатто ұша кеч шу ҳақда сўзлаб бераётганида ҳам унинг күzlарида ёш гилтилларди. Улар онам билан болалиқдан дўст бўлишган экан. Мен эса фақат ўзимни ўйлаб, отам чеккан азобларни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмабман. Отам баланд маошли ишда ишлагани, лекин бу фаолиятида Америка ва Узоқ Шарқ бўйлаб тез-тез хизмат сафарларига боришига тұгри келгани учун, ўзимни яхшироқ сезишим ва жиddийроқ таълим олишимни ўйлаб, мени интернатта юборишга қарор қилибди.



Айтишларича, вақт жароқатларни битирар эмиш. Лекин бу ундеймас. Йиллар үтган сари жаҳл ва алам, одатда камайса-да, лекин биз кечиришга тайёр бұлмасак, улар қалбимизни ҳеч қачон тарқ этмайды. Йүқ, кечиримлилик қалити йиллар ичида эмас, у англашда яширинган. Ҳиндуларнинг Сиу қабиласада ажойиб дуо бор: О, буюк Рух, икки ҳафта мобайнида ҳузурида бұлмагунимча инсонға нисбатан бирон-бир ажрам айтиш ва айб қўйишдан мени асрагин.

— Биз кўпинча ўзгаларни айблаймиз, лекин ҳеч қачон худди ўша шароитларда ўзимизни қандайдир бошқачароқ йўл тутишимизга тўла ишонч ҳосил қила олмаймиз. Масалан, онамнинг ӯлимидан кейин отам нималарни бошидан кечиргани ёки нима учун мактаб-интернатга боришимни шунчалар талаб этгани ҳақида мен ҳеч қачон ўйлаб кўрмаганман. Буларнинг барчасига ўз нуқтаи назарим билан қарашни маъқул топғанман. Онгим ортида отамнинг интернатга жўнатишига сабаб мени яхши кўрмаслигида, дея ҳисоблардим. Лекин бу яхши йўл эканига у шубҳа қилмасди. У ҳам болалигидан севган онамни йўқотган, мен ҳақимда қандай қайгуришни билмаганди ва иши туфайли ҳам буни қилолмасди.

Йигитча ўз ҳаёти ҳақида ўй суреб кетди. Унга ситам ҳиссини келтирган кишилар анчагина эди. Унинг хаёлига шу заҳоти бошлиги келди, назарида, у йигитни ҳолижонига қўймасди ҳамда бир йил аввал қарзга пул олиб шу пайтгача беролмаган яқин дўсти ҳақидаги фикрлар ҳам хаёлидан үтди. Тўсатдан уларнинг нуқтаи назаридан вазиятларни баҳолашга ҳеч уринмаганлигини ўйлаб қолди.

— Ёмон кўнгиlda содир этилмаган бирор нарсани кечириш мумкинлигини тушунаман, лекин агар инсон билиб туриб сизга зарар етказган бўлса-чи? Буни нимага кечиришим керак? — сўради йигитча.

— Нима учун керак эмас?

— Чунки кечириб бўлмайдиган нарсалар бор! — хитоб қилди йигитча.

— Ундей эмас, — деди доктор Жекобсон. — Мисол учун, болаларни зўрлайдиган кишиларни олсак. Бундан



огир ва ёмон жиноятни хаёлга келтириш мумкин эмас, тўгрими?

Йигитча бош иргади.

— Болаларни зўрлаган жиноятчиларнинг 95 фоизидан кўпроғи ўзлари болалик чоғларида шундай зўрланганликларини биласизми? Агар ўзингиз худди шуларга ўхшаб азият чекканингизда, мана шундай жиноят содир этмаслигингизга амин бўла оласизми?

Йигитча бошини чайқади.

— Ўйлайманки, йўқ. Лекин барибир, бунга ўхшаш жиноятни кечириш уччалик осон эмас...

Ҳеч ким буни осон деяётгани йўқ. Ахир биласизку, «Янглишиш — инсонийлик; кечириш — илоҳийлик!» деган гап бор. Бинобарин, ўзга инсон нуқтаи назаридан туриб қарашга уриниб кўриш жуда ёрдам беради. Ўйлаб кўринг, агар кимнидир кечиролмасангиз, нима содир бўлади? Бундан ким азият чекади? Кимнинг ошқозонида яра пайдо бўлади-ю қон босими ошади? Ўзингизнинг!

— Агар биринчи бўлиб бошламаган бўлсангиз, ундаи бўлмасов. Ҳатто Муқаддас Китобда ҳам: «Жонга — жон, қонга — қон» дейилган. Ахир инти-қом олиш қалбга руҳий хотиржамлик келтирмайдими?

— Лекин ўша Инжилда: «Иккинчи юзингни ҳам тут» ва «Жазосини Худо берсин» деган гаплар ҳам бор. Агар ҳар қандай хатога йўл қўйганда интиқом олишга интиладиган бўлсак, Махатма Ганди айтганидек, «бутун олам кўр ва тиҳсиз бўлиб қоларди». Интиқом овунтиrolмайди, у фақат янги ўчга интилишни озиқдантиради. Бу поёнсиз доирадир. Агар юрак нафрат билан тўлган бўлса, унда муҳаббат ва баҳтга жой топилармикан? Кечиримли бўлиш қалбни нафратдан тозалайди ва муҳаббат кира оладиган жойни бўшатади.

Доктор Жекобсон девор ёнида баланд суюнчиқли иккита оромкурси турган хонанинг нариги чеккасига ўтди.

— Бу оромкурсларни суюман, — деди у. — Бири — севги ва баҳт, иккинчиси — алам ва жаҳолат. Иккаласида баробар ўтиришнинг ҳеч иложи йўқ.



— Фараз қилайлык, кечириш мүмкін, лекин унугаштаппап иложи йўқ, — ўз фикрини маъқуллашни қўймасди йигит.

— У ҳолда бу кечириш эмас. Кечиримлилик бу ҳаммасини бошидан бошлишни, хотирадан барчасини ўчириб ташлашни билдиради. Бу жаҳл ва қоралашдан халос бўлмоқ, қалбдан тошни олиб ташлаган каби улардан қутулмоқ демакдир. Ўзингизда тош олиб юрган чогингизда, у сизни ерга сиқиштиради. Уни ташлаб юборсангиз, сизга ҳеч бир ҳукмронлик қилолмайди, эркин бўласиз.

Мана шу боис Конфуций айтган: «Хафа қилинган ва талангандын киши бўлиш — ҳеч нарса эмас, агар сен бу ҳақда хотирлашни давом эттирмасанг».

Жаҳондаги барча динлар кечиримлилик кучи тўгрисида айтадилар. Агар ўзимиз кечиримли бўлмасак, Худо бизни авф этишини қандай кутишимиз мүмкін? Кечиришни билмайдиган киши ўзи ўтиши зарур бўлган кўприкни ёқиб юборади, чунки ҳар биримизга қандайдир лаҳзада кимнингдир авфи талаб этилади.

— Лекин бирорни неча марта авф этиш мүмкін?

— Сизни неча бор хафа қилишган бўлса, шунча бор. Агар кечира олмасангиз, бундан азият чекувчи ягона одам ўзингиз бўлишингизни ҳеч қачон унугаштаппап иложи йўқ ичинингизда нафрат, жаҳл ва аламни сақлайсиз. Кечиримлилик азият чекишдан халос этади. Мана шу туфайли баҳтга эришиш учун у муҳимдир. Фақат қораловчи муносабат ва аламлардан халос бўлишни билишгина шодлик ва баҳтдан роҳатланишга йўл беради. Ҳар бир инсон ўзининг аҳмоқона ҳаракатлари учун вақти келиб — шу ёргу дунёдами, наригисидами, ҳисоб беришига ишонаман. Агар Коинотда қандайдир умумий қонун мавжуд бўлса ҳам, бу сабаб ва оқибат қонунидир ёки «Нима эксанг, шуни ўрасан», деган гапдир. Барча ҳаракатларимиз ўзимизга қайтади. Агар шунга ишонсангиз, жаҳл, алам ва нафратни сақлашнинг ҳеч ҳожати йўқ. Албатта, Коинотнинг айнан шу тарзда қурилганига ишончим комил эмас, мен янгишган бўлишим ҳам мүмкін, лекин барибир бунга ишонишни маъқул кўраман ва бу мени баҳтлироқ қиласади.



— Айтганча, кимни кечирмоқ ҳаммадан қийинроқ-лигини, кимга нисбатан ачиниш ҳисси оғирроқлигини биласизми? — давом этди доктор Жекобсон.

— Йўқ.

— Ўз-ўзингизни.

— Нимани назарда тутяпсиз? Нима учун инсон ўзини ўзи кечириши керак?

— Ўзининг хатолари учун, кейинроқ афсусланадиган ҳаракатлари учун. Лекин шуни ёдда тутмоқ зарурки, ҳар биримиз вақтимизнинг каттагина қисмини қўлимииздан келадиган яхшироқ ишларга сарфлаймиз.

Агар Худо сизни кечира олса, демак, ўзингизни ҳам кечира билишингиз керак. Эскидан шундай бир гап қолган: «Доно бир кунда етти бор қоқилади, лекин кунига етти марта ўрнидан ҳам туради».

— Авваллари бунга шундай нуқтаи назар билан ҳеч ёндашмагандим, — деди йигитча. — Буларнинг ҳаммаси ажойиб ва жуда тўғри бўлса-да, лекин шунчалар осон йўл деб ўйламайман. Шу боис ўзимда синааб кўришни ваъда беришим мумкин.

Үйқуга ётишдан аввал йигитча ўз ёзганларини ўқиди.

Ҳақиқиү Бахтнинг еттинчи сири — кечириш қуввати.

♦ Кечира билиш ҳақиқиү Бахт эшигини очиш қалити ҳисобланади.

♦ Агар ичингизда нафрат ва жабрлар қолган бўлса, бахтли бўлишнинг иложи йўқ. Жабру ситамларингиздан бошқа ҳеч ким азият чекмаслигини ёдингизда тутинг.

♦ Адашиш ва омадсизликлар ҳаёт сабоқлари бўлиб ҳисобланади. Бошқаларни кечиринг. Ўзингизга нисбатан кечиримли бўлинг.

♦ Ҳиндуларнинг Сиу қабиласи дуосини ёдда тутинг:

Эй Муқаддас Руҳ, инсонга нисбатан ҳукм чиқариш ва қоралаш сўзларидан токи унинг даргоҳида икки ҳафта бўлмагунимча мени асрарин.



Саккизинчи сир

ҲАДЯ ҚУВВАТИ

Икки кундан кейин йигитча жамоат спорт марказининг сузиш ҳавзасига қараган галереяда рўйхатининг навбатдаги кишиси — Питер Тенсурт исмли кишини кутиб ўтиради. Галереяда ҳеч ким йўқ эди ва йигитча ҳавзадаги сувда чўмилаётган болаларнинг овозлари ва кулгуларини тинглаб ўтиради.

— Салом! Ўтган ҳафтада телефон орқали сиз билан гаплашганимидим? — қичқирди ҳавза четида турган, спорт кийимидағи киши.

— Жаноб Тенсурт?

— Ҳа, бу мен, — тасдиқлади у йигитчага жилмайиб. — Ҳозир келаман. Ўн дақиқадан кейин. Яқинда тугаллаймиз.

— Ҳечқиси йўқ! — қичқирди йигитча. — Кутиб тураман.

Йигитчага умумий кўриниш одатий ҳолдек туюларди. Ўн жуфт болаларнинг маза қилиб сузиш билан шугулланишида ҳеч бир гайри одатийлик жойи йўқ эди. Лекин йигитча болалар ҳовуздан чиқаётгандарида бир кичкинтой қўлсизлигини, яна бирининг иккала оёги йўқлигини пайқади. Диққат билан қарагач, ҳамма болакайлар ногиронлигини англади.

Бир неча дақиқа ўтгач, жаноб Тенсурт галереяга чиқди ва йигитчанинг ёнига ўтириди.

— Салом. Ниҳоят, сиз билан учрашдик, ғоят хурсандман, — деди жаноб Тенсурт унинг қўлини сиқаркан.



Жаноб Тенсуюрт қорачадан келган, кулиб турган иирик кўзли киши эди. Йигитча кекса хитойлик ҳамда рўйхатдаги кишилар билан ўз учрашувлари ҳақида сўзлаб берди.

— Қария билан беш йил илгари танишганимда, бу учрашув ҳам умримнинг муҳим кескин бурилиш даври бўлганди, — деди жаноб Тенсуюрт. — Ўша вақтда фойда келтирувчи компьютер компаниям бор эди. Ҳаётимнинг асосий мақсади пул ишлаб топиш эди ва ўттиз беш ёшга етганимда аллақачон миллионер эдим... лекин багоят бебаҳт инсон эдим.

— Нимага? — сўради йигитча.

— Инжиlda ёзилган: «Инсон бутун оламни забт этса-да, ўзининг қалбига озор берса, унга бунинг қандай фойдаси бор?» деган сўзлардан хабарингиз борми? Бу сўзлар аввалги ҳаётимни тўла акс эттиради. Чўққиларга интилаётганимда мен учун ҳақиқатда аҳамиятли барча нарсалар ортда қолди: хотиним мен билан ажрашиб кетди, дўстларим жуда кам қолди, ҳар бир кун эса, гарчи сарфлашим мумкинилигидан ҳам ортиқроқ бўлса-да, янада кўпроқ пул ишлаб топиш курашига айланди.

Эсимда, бир куни Рождество байрамида ўзимни жуда ёмон ҳис этардим, шунчаки кайфиятимни кўтариш мақсадида ўзимга «Ролэкс» соати сотиб олдим. Соатнинг нархи беш мингдан ортиқ эди ва бу харидимдан бир қанча муддат фахрланиб юрдим. Лекин ярим соатдан сўнг бу ҳис гойиб бўлиб, ўзимни соатим бўлмаган вақтдагидек баҳтсиз сезабошладим. Энди ўша воқеаларни эсларканман, нима учун бу соат мени баҳтиёр этиши мумкин деб ўйлаганимни ҳеч тушунолмайман. У ҳар қандай бошқа соатлар каби вақтни кўрсатишга қодир эди.

Ўша кунни яхши эслайман. Байрам арафаси эди... кўчалар одамларга тўла, мен эса катта универсал дўкондаги ўриндиқда беҳаловат югур-югурларни кузатиб ўтирадим. Гарчи ёнимдан минглаб одамлар у ёқ-бу ёққа ўтаётган эса-да, ўзимни ҳеч қачон шу қадар ёлгиз сезмагандим. Ёлгизликнинг аламли сезгиси бўғзимга тиқилди.

Рождество йилнинг энг яхши байрами ҳисобланади, лекин у энг аччиқ ва зерикарли кун бўлиши ҳам мумкин. Ҳар иили у оиласи, дўстлари, пули, овқати ва уйи бўлмаган юз минглаб кишиларни буткул баҳтсиз қиласди. Ўша куни бу оламда қанчалар ачинарли ва ёлғизликда яшаётганимни биринчи бор англадим, лекин ундан кейин рўй берган ҳодиса қолган бутун умримни ўзгартириб юборди.

- Нима рўй берди? – сўради Йигитча.
- Ёнимга кекса хитойлик келиб ўтирди!

Йигитча жилмайди.

– У менга қайрилиб: «Биринчи жаҳон урушининг тўрт йиллик жангу жадали мобайнида аскарлар қуролларни қўйган ва сулҳ тузган ягона кун 1914 йилнинг Рождество байрами бўлганини биласизми?» – деди. Бу ҳақда ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдим ва бунга кўп ҳам қизиқмасдим, аммо у сўзида давом этди: «Британия ва немис аскарлари ўз ҳандақларидан чиқиб бетараф ерда бир-бирларини табриклардилар ва ўзаро егулик ва ичкиликларини бўлишардилар».

Жаноб Тенсуорт жим қолди ва қўшимча қилди:

- Агар ўйлаб кўрилса, бу ростдан ҳам бўлиши мумкинмас, тўгрими?

Йигитча бош иргади:

- Ҳа. Ўйлайманки, шундай.
- Кейин қария деди: «Бутун йил давомида одамлар харид этиш ва эгалик қилиш баҳтига тинмай интилади, атрофдагилардан нималарнидир тортиб олишга ҳаракат қиласди, лекин бундай байрам бизга ҳақиқий баҳт ўзгаларга ҳадя этиш ва хизмат қилишдан иборатлигини эслатади».

Қариянинг сўzlари ўз ҳаётим тўгрисида рўйи рост ўйлашга мажбур қилди. Доимо нималарнидир айнан харид этиш — кўпроқ пул топиш, тузукроқ ишда ишлаш, ҳашаматлироқ иморат қуриш ва тезроқ машина олиш бизни баҳтли қиласди деб ҳисоблардим. Лекин ҳақиқат шундан иборат эдики, ҳатто ҳамма нарсани сотиб олишга имкониятим бўлса-да, аввалгилик баҳтсиз қолаверардим.



Қария билан узоқ сұхбатлашып да үшанды ҳақиқий
Бахтнинг ўнта сирлари тұғрисида илк бор әшитдім.

Шу туфайли бу сирларни билишимга сабабчи бұлган
жамда умримни бойитишиңга ёрдам берган ажайиб
инсонлар билан танишдім. Лекин мен учун үзгача
мухыммил касб этгап сир... бера олиш сири бұлды.

Биз оламда җаммадан күп интиладиган баҳтта эришиш...
бошқаларга бериш орқали амалға ошиши фикрининг
үзи бұлмаган гапдай туюлади. Бу Табиатнинг әнг сеҳрли
қонуналаридан биридір — қанча күп берсанг, шунча күп
оласан. Худди уруг экканинг каби, ерга қадалған җар
бир уругдан минглаб дон үсіб чиққанидай.

— Лекин үзингде йүгіни бирөвга қандай бериш
мүмкін? — сұрады йигитча.

Жаноб Тенсуюрт жилмайды.

— Бутун гүзәллик ҳам шунда-да! — хитоб қилды у.

— Үзгаларга баҳт ато қылсанг, үзинг ҳам унга эришасан.
Бирөвга шодлық көлтирган чөгингіда, шу заҳоти үзинг
ҳам қувонасан. Бу атирга үхшайды.

— Атирга?

— Бирор кимсага атир сепсанг, бир неча томчиси
үзингте тушмасдан иложи йүқ. Табассум қил! Агар
сен бирөвга табассум ҳадя этсанг, у албатта жилмайды
жавоб беради. Баҳт мисоли қайтиб келувчи бумеранг —
қанчалик тез отсанг, шунчалик тез ортга қайтаверади.

Бирөвларга ҳеч бегараз бирор яхшилик қилған
воқеаларни эсга олишингиз мүмкінлігінде ишончим
комил. Йұлдан адашған кимсага йүл күрсатынгиз,
сүқир кишини йұлдан үтказғанингиз ёки шунчаки
дүстингизнинг туғылған күнини эслаганингиз каби
майда-чүйдалар ҳам шунга киради! Бирор кимсага
үзингизнинг қойил қолғанингизни билдириб, уни чин
дилдан мақтаб қўйдингиз ёки унга чукур миннатдорчилік
изҳор қилдингиз...

— Ҳа, албатта, — бош иргади йигитча.

— Наҳотки бу ажайиб ҳисларингизни үйғотмаган
бұлса? Үша одам сизнинг сұзингиз ёхуд ҳаракатингиздан
миннатдор бұлиши учун эмас, фақат кимгадир яхшилик
қилиш, инсонга ёрдам беришнинг үзи роҳатбаҳшдір!



Йигитча бир неча йил бурун бўлган воқеани эслади, ўшанда шаҳарда адашиб қолган бир чет эллик аёл ундан ёрдамлашишни сўраб ёнига келганди. Унга керакли ер уч чақирим нарида эди; қишининг аёзли куни бўлгани боис, аёл совуқдан қалтиради. Аёл бундай ёмон обҳаво шароитида излаган манзилини мустақил равишда топиб боришига ҳеч қандай имкони йўқ эди, шу сабабли у аёлни излаган манзилига етказиб қўйганди. Энди ўша воқеани ёдга оларкан, ўшанда қалби қанчалик қувватга тўлганини хотирлади.

— Биласизми, инсон зоти ўз табиатига кўра, қалбининг чуқур ерида умуман худбинлиқдан йироқ. Биз ўзимизга нисбатан ўзгаларга кўпроқ яхшилик қилишга тайёрмиз. Кўпчилик ота-оналар, масалан, ўзларида йўгини болалари учун қувонч билан илинадилар.

Кекса хитойлик билан сұхбатлашгандан кейин дўконларни айланиб юрсам, байрам қўшиқларини ижро этиб юрган қутқариш Армияси хорини кўриб қолдим. Уларнинг ёнида «Бу байрамда уйсизларга кўмак беринг» деган ёзуви катта плакат бор эди. Ҳеч бир ўйлаб ўтирасдан, «Ролекс» соатимни дўконга қайтариб бердим-да, беш минг долларли чекни қутқариш Армияси иштирокчиси бўлган аёлга тутдим. Биласизми, ўша аёл чехрасида акс этган ҳайрат ва миннатдорчилик уйгунилигидағи ифодани ҳеч қачон унуполмайман. У чекни ёнидаги дўстларига кўрсатди, кўзларидан эса ёш оқарди. «Бу пуллар эвазига жуда кўп ишлар қилиш мумкин! — деди у. — Сизга раҳмат ва сизни Худо ёрлақасин!» Айни ўша чогда мен қариянинг сўзларини илк бор англай бошладим, чунки бу пулни берарканман, бошқаларга қандайдир фойда келтиришини билардим ва қолган бутун умрим бўйи ўша соатни тақиб юрганимдан кўра анча кўпроқ завқ олдим.

Бир неча йил аввал ўқиганларим ёдимга тушди, унда илк болалик чогиданоқ ўглини бировга бера билишга ўргатмоқ ниятидаги ота ҳақида ёзил-ганди. Ўглининг олти ёшга тўлган туғилган кунида бувиси бир тўп пуфланган турли рангдаги шарлар совға қилибди. Туғилган кунни нишонлаб бўлганларидан сўнг отаси ўглига шундай гоя



берибди: шарларни ўзгаларга тақсимлаб берса, одам энг катта завқни олиши мумкин! Болага бу гап унчалик ёқмабди, лекин отаси бу жуда кўп севинч келтиришига ўгини ишонтирибди, бола истамайгина розилик билдирибди.

Улар қариялар уйига жўнашибди ва кичкинтой хонадаги барча одамларга биттадан шар бериб чиқибди. Кутимаганды одамлар табассум қилиб, хурсанд бўлиб гаплашишга тушиб кетишибди, уч йилдан бери ҳузурига ҳеч ким келиб хабар олмаётган бир кекса аёл эса ҳатто таъсирланиб, ҳўнграб йиглаб юборибди. Кичкинтой қандайдир чироқ ёққични босиб қўйган ва хона ёргулашгандэк туюлибди. Ҳамма болага улар тўгрисида қай-гургани қанчалик яхши иш бўлганини айтишар, хонадагилар уни қучоқлашар ва хурсандчиликдан кулишарди. Учрашувнинг ҳар бир дақиқаси бола учун ҳам шунчалар завқ келтирдики, уйга қайтаётганда у отасига булатнинг барчасини яна такрорлашни сўради. Бу болакай учун ҳеч унутилмас сабоқ бўлди ва ўша кундан бошлаб у фақат олиш эмас, бериш учун имкон излайдиган бўлди.

— Ажойиб воқеа, — деди йигитча.

— Ижозат этсангиз, яна бир воқеани сўзлаб берай, уни ўзим жуда ёқтираман, — деди жаноб Тенсурорт. — Икки йил илгари Пол исмли киши билан танишиб қолгандим ва у ҳали коллеж талабалиги давридаёқ ҳадя қилиш қувватига етишганини сўзлаб берди. Пол ўн саккизга кирган чогида катта акаси унга яхши битта машина совға қилибди ва табиийки, Пол дўстларига кўрсатиш учун уни миниб коллежга борибди. Биринчи курсда ўқийдиган бир талаба ялтираб турган янги машина атрофида ҳайратланиб гирдикапалак бўлаверибди. «Хўш, нима дейсан?» — сўрабди Пол. «Қойил! — ҳайрат билан дебди ўша талаба йигит. — Шунчалар зўрки». Пол бу совгани туғилган кунига ўзидан катта акаси совға қилганини айтганида эса, ўша биринчи курс талабаси ҳайратомуз эсанкираб қолибди. «Уни аканг ҳадя қилдими?! — хитоб қилибди у. — Эҳ, қанийди мен ҳам...» Пол бу йигит нима демоқчилигини сезиб турарди. «Қанийди, мен ҳам сенинг



акангдек акага эга бўлсам». Лекин у йигит гапини бошқа сўзлар билан якунлабди ва Пол буни бутун умрига эслаб қолибди. Йигит дебди: «Қанийди мен ҳам ўша акангдек бўлсам!»

Бу сўзлар Полга шунчалик таъсир қилибди, тушлик танаффус маҳалида машинада биргаликда айланиб келишга уни таклиф этибди. Йигит ўз ҳайратини яширолмай унинг уйи ёнида бироз тўхташлари мумкинлигини сўрабди. Пол ичида жилмайибди. Бу йигитча нимани истаётганини биламан, шундай янги ва кетворган машинани бошқараётганини дўстлари ва қўшниларига намойиш этиб мақтангиси келяпти, деб ўйлабди.

Ўн дақиқадан кейин машина ўша йигитнинг уйи рўпарасида тўхтади ва у ичкарига юргурганча кириб кетди. Бир дақиқадан кейин ногиронлар аравачасида ўтирган кичкингани итарганча остонода кўринди. «Вой-бў, зўр экан-а!» дей хитоб қилди кичкингани кўзларини катта очиб. Кейин шундай нарса рўй бердики, ундан Полнинг кўзлари ёшга тўлди. Биринчи курс талабаси кичик укасига: «Сэм, қачон бўлмасин, мен сенга албатта худди шундай машина сотиб олиб бераман», – деди. Буни эшитган Пол: «Менга қара, Сэм, биз билан айланиб келишни хоҳлайсанми?» – деди. У жажжигина чўлоқ болани кўтарганча машинасига ўтқизди ва учаласи сайр қилишди. Ўша куни янги машинанинг магрур эгаси хижолатда қолган ва умрида биринчи бор Инжилдаги: «Олмоқдан кўра бермоқ яхшироқ» дейилганининг маъносини тушуниб етди.

– Шундай қилиб, кўряксизми, – деди жаноб Тенсуорт, – ўзимизни бировга бериб, ўз шахсий муаммоларимиздан шунчаки чалгимаймиз. Шахсан мен учун бу ҳақиқий Баҳтнинг энг буюк сиридир: умрингизни шодик ва баҳтга тўлдириш учун бор-йўги уни бошқаларга бермоқ зарур. Шу сабабли доимо ёрдам беришим мумкин бўлган кишиларни излайман. Уларга нафақат пул, балки ўз вақтимни ҳам бераман. Шу сабабдан ҳам мана шу иш билан машгулман: ногирон болаларни сузишга ўргатаман. Улар ҳаётини ҳеч бўлмаса, сал шодонроқ этиш



мени баҳтиёр қиласи. Биз бошқа инсон зотига ёрдам бериш ёки унга шодлик багишлаш орқали юзага келувчи баҳтдан каттароқ туйгу мавжуд, деб ўйламайман.

Уйга кетаётиб, йўлда йигитча жаноб Тенсурорт ўз ҳаётига таалуқли айтганлари ҳақида ўйлаб кетди. Кейинги йилларда ўз муаммолари гирдобига ўралашиб, бошқа инсонларнинг ташвишларига эътиборсиз қолганди. Агар у атрофдагиларга эътиборли бўлса ва улар учун, айниқса, ўз яқинлари учун бирор-бир яхшилик қила олганида эди, аслида, ўзига ўзи ёрдам берган бўларди, деган фикр калласига ҳеч қачон келмаганди.

Йигитча уйига келгач, ёзувларини тартибга келтириди.

**Ҳақиқий Баҳтнинг саккизинчи сири —
бера олиш қуввати.**

♦ Бирор нарсага эришиш ва ўзи учун ниманидир харид қилиш билан баҳт топиш мушкул. У ўзгаларга бера олиш ва ёрдам беришда яширинган.

♦ Ўзгалар учун қанчалар кўп қувонч ва баҳт келтирсак, унга ўзимиз шунчалар кўп эга бўламиз.

♦ Ҳар куни атрофдагиларга ҳадя этиш услубларини излаганча шахсий баҳт яратиш мумкин.





Тұққизинчи сир

ҮЗАРО МУНОСАБАТЛАР ҚҰВВАТИ

Икки кун үтиб, шағар марказидаги чоғроқ қақвахонада йигит рүйхатида исми қайд этилган навбатдаги одам билан учрашды. Эд Хансен шағарнинг шарқий қисміда кичик квартирада бир үзи яшарди. Қачонлардир у түрттә ётоқхонаси бор алоқида уйда хотини ва икки фарзанды билан яшарди. Лекин бунга анча йил бўлиб кетган, у вақтлар ичишни бошлаганидан аввалги давр эди.

— Ҳеч кимни айблай олмайман, — деди жаноб Хансен йигитчага. — Ҳаммасини үзим яксон қилдим, үзимдан бошқа ҳеч кимни айблашга ҳаққим йўқ. Тўгриси, менда иккинчи имконият пайдо бўлганидан ҳатто миннатдорман. Ичкиликни оғзимга олмаганимга энди ўн йил бўлди.

— Ҳаммаси қандай бошланганди? — сўради йигитчা.

— Анча аввалроқ, кўп йил бурун бошланган. Ишхонадаги стресс ва оғир вазият, нотинчлик, изтироблар; булар қандай содир бўлишини үзингиз биласиз. Бир куни кечқурун ишхонадаги ҳамкасларим билан бирга маҳаллий барга кириб ичкилик ичдим. Фақат озгина чалгиш ва дам олиш учун бор-йўғи икки стакан шароб ичдик. Бу ёрдам берди ва эртасига оқшомда яна ўша ерга отландим. Ҳали ҳеч бир нарсани англашга улгурмай, ҳар куни бир шиша шароб ичардим. Бора-бора бу миқдор икки-уч шишага ошиб борди. Унчалик кўп вақт ўтмай, балки бир неча ойдан кейин, кун давомида ҳам ичадиган бўлдим. Үзингиз билиб



турганингиздай, ҳаётим остин-устун бўлиб кетди: ёмон ишлай бошлаганим учун мени ишдан ҳайдашди, хотиним иккала боламни олиб, мени ташлаб кетди, ҳисобларни тўлай олмаганим боис, икки ойдан кейин уйдан ҳам чиқариб юбориши. Охир-оқибатда мен бошпанасиз, кўчада қолдим ва гадойчилик қилдим.

Йигитча жаноб Хансен тарихидан ларзага келди. У бир вақтлар гадо бўлган инсон билан ҳеч қачон кўришмаганди. Ўйсиз-бошпанасизлар эрксиз ва омадсиз ҳамда оддий одамларга асло ўхшамайдилар, деб ҳисобларди, лекин жаноб Хансен оддийгина кўринарди. Ўз муаммолари ва кундалик тангликларни енголмаган ҳар қандай ноумид баҳтсиз инсон бунга ўхшаш даҳшатли вазиятга осонликча тушиб қолиши мумкинлигини англаганида, йигитча уялиб кетди. «Худога шукур, бундай қисмат менга насиб этмади», ўйлади у бир қултум қаҳва ҳўпларкан.

— Оддий ҳаётга қайтишга қандай мұяссар бўлдингиз?
— сўради у.

— Бу осон бўлмади. Менга ёрдам зарур бўлди. Ўша кезда менга ёрдам зарурлигини ҳеч кимга тан олмаган бўлардим, лекин кунлардан бирида шундай қилдим. Мен худди тузоққа тушиб қолгандек, ўзимни буткул нотавон сезардим. Бир қиши тунида шундай совқотганимни эслайман, шунчалар қотиб қолдимки, ҳатто ичкилик ҳам оғриқни босолмади. Яқинда ўлсам керак, деб ўйлагандим. Уч кун туз тотмасдан картон қути ичида гужанак бўлиб, аёздан титраганча ётардим. Камроқ оғриқ ва осон ўлим тилаб, ибодат қилишдан ўзга чорам қолмади.

Кейин эслаганим шуки, тепамда кимдир турарди. Бу кишининг юзини яхшилаб кўриб олишнинг иложи йўқ эди, атрофни зулмат қоплаганди, лекин унинг овози майин ва нозик эди. У: «Юр, Эд, бу ердан кетиш мавриди келди», — деди ва қўлини менга чўзди. Ҳойнаҳой, ўлган бўлсан керак, деган қарорга келдим, чунки қўли менинг қўлимга теккан заҳоти оғриқ йўқолди. У мени кўча бўйлаб етаклаб кетди ва бир неча дақиқадан сўнг бир баланд иморат олдида тўхтадик. Мен ўтирилиб қараб, унинг юзига разм солдим — бу кекса хитойлик эди. У



бир варақ қоғоз бериб, деди: «Бу ёқقا юр, Эд. Бу ерда янги ҳаётинг бошланади. Сенга баҳт тилайман». Мен у тутқазган қоғозга қарадим, бошимни күттарганимда эса гойиб бўлган эди.

Йигитча Эднинг сирли қутқарувчиси кимлигини аллақачон билганди, лекин барибир томогида бир нима тиқилганини туйди, унинг кўзлари эса чақнаб кетди.

— Бу бинода қандайдир йигилиш бўлаётган эди, — деди сўзида давом этиб жаноб Хансен.

— Ичкиликбозларнинг Аноним Жамияти йигилиши. У ерни қайноқ қаҳванинг ёқимли иси атрофни тутиб кетганди. Мен ҳам шу ерда қолдим...

— Ўнта исмли рўйхат, — тамомлади йигитча.

— Ҳа, — табассум билан тасдиқлади жаноб Хансен, — энг ажабланарлиси шу эдики, рўйхатдаги сўнгти исм бу залдаги осиб қўйилган доскада ёзилганди. Бу раис, жаноб Жон Мепленднинг исми эди.

Йигилиш тутаганидан сўнг, мен тўғри унинг ёнига бордим ва қўлимдаги қоғозни кўрсатдим. Шунда у қўлини елкамга қўйди ва деди: «Ташвишланма, Эд, бу ердагиларнинг барчаси сенинг дўстларинг. Агар ёрдам керак бўлса, албатта уни шу ердан топасан». Ўша оқшом ростдан ҳам анави чол ваъда қилган янги ҳаётим бошланди. Кўринишим бир ҳолатда бўлишига қарамасдан, ҳаммалари ўзларини дўстона тутишарди. Одамлар мени биринчи бор айбламай ва янгиш хulosacha чиқармай тинглашарди!

Мен ичкиликбозларнинг аноним учрашувларига муентазам кела бошладим ва вақти келиб, ўз қатъиятим ва Худонинг марҳамати билан ичкиликсиз ҳаётга қайтдим. Бу вақт давомида чол берган рўйхатдаги бошқа кишилар билан ҳам учрашдим ва улар менга илҳом багишлишади. Асл Баҳт сирлари ёрдамида ҳаётимни янгитдан қандай бошлашни кўрсатиб беришди. Лекин ўша тунда ҳаётимни асрар қолища энг муҳим ролни ўйнаган... ўзаро муносабатлар қуввати бўлди.

— Ўзаро муносабатлар? Нимани назарда тутяпсиз? — сўради йигитча.



— Шартлашилмаган, дўстона ўзаро муносабатларни. Одамлар билан ўзаро муносабатларсиз ҳаёт бўшлиқقا айланади. Охир-оқибатда кечётган умринг байрам бўлиши керак, агар кечада бир ўзинг иштирок этаётган бўлсанг, қай тарзда яйрашинг мумкин? Инсон зоти — ижтимоий мавжудот. Биз сўзлашишимиз, ўзаро мулоқотда бўлишимиз зарур. Кераклигимизни, бизни яхши кўришларини ҳис этишимиз шарт. Барчамиз бир-биrimizга талабормиз. Инжилда айтилганидек, «Яккалик инсонга хос эмас».

— Орқага назар ташларканман, — тушунтириди жаноб Хансен, — бизнесда мартабага эришиш учун курашда ўз дўстларим ва оиласманга нисбатан нақадар беқадрлик билан муносабатда бўлганимни англадим. Эҳтимол, бу ичкиликка берилиб кетишимишнинг асосий сабаби бўлгандир. Кўп нарсани билишимга шубҳам бор-у, лекин номаълум кимсалар билан тўлган ўша хонадагиларнинг ҳар бири нималарни бошдан кечирганимни тушуниб, мени қандай бўлсам, шундайлигимча қабул қилиб ва эвазига ҳеч нима талаб этмасдан, ўз ёрдамини аямаганларини аниқ биламан. Ҳаётда шундай чуқур ўрага ногоҳ тушиб қолишингиз мумкин бўлган фурсатлар содир бўладики, ундан мустақил равишда чиқиб олиш амри маҳолдир. Шунга ўхшаш ҳодисаларда қўлини сизга узатадиган бирор бўлиши керак.

Жаноб Хансен бир лаҳза жимиб қолди.

— Агар мендан ҳаётда қандай сабоқларни ўзлаштирганимни сўраганларида, рўйхатда биринчи тамойилим шундай бўларди: умримиз мазмуни ўзаро муносабатларимиз мазмуни билан белгиланади.

— Нима учун? — сўради йигитча.

— Бахт, аввало, ўз-ўзингиз билан муносабатларда, лекин бундан ташқари, дўстлигингиз ва муҳаббатингиз атрофдагилар билан ўзаро муносабатларингиз туфайли пайдо бўлади. Агар ниманидир яккалиқда бажарсак, охир-оқибатда жуда кўп завқ ола билармилик?

— Бу жуда тўгри, — деди йигитча. — Бултур Сейшалига бир ўзим таътилга боргандим, гарчи ҳаммаси ажойиб



бұлса-да, менга аниқ нимадир етишмасди. Бу фарогатни булишиш учун ёнингдә бирон кимса бұлганида ҳаммаси бошқача бұларди.

— Шубҳасиз, — тасдиқлади жаноб Хансен. — Агар ёнингизда сиз учун мұхим кишилар бор бұлса, ёқимли таассуротлар янада күпроқ роҳат келтиради. Улар айниңса, қийин даврларни енгиллаштиради. Сезғанмисиз, үз муаммоларингиз тұғрисида кимгадир айтиб, күнглингизни бұштасангиз, бирдан енгил тортасиз. Ұша инсон сизга ҳатто қандайдир маслаҳат ёки бирон жуддий ёрдам бермаслиги мүмкін, муаммолар илгаригидек қосалар ҳам, барибир улар сизга унчалик құрқинчли туулмайды.

Йигитча бош иргади. Үнга бирон үртоги билан үз күнгилсизликларини мұхокама этиш тұғри келганди ва шундан кейин енгил тортарди.

— Лекин сиз әထибор бермаслигингиз мүмкін бұлған бир нарса бор, — сұзида давом этди жаноб Хансен. — Агар фикрларимизни ичимиздә сақласак, одатда, янада күпроқ асабий, серташвиш, маъюс ва бахтсиз бўлиб қоламиз. Үзгалардан қийинчиликларимизни яширган чогимизда, уларни шундай пуфлаб шиширамизки, вақти келиб, муаммоларимиз янада даҳшатлироқ туюлади ва шунда кучсизлик ва ночорлик ҳиссиёти юзага келади. «Бир калла яхши, иккитаси ундан-да яхшироқ» деган эски нақл бағоятadolatli. Бу нафақат бирон-бир муаммони ҳал этиш икки кишига осонроқ бұлгани учун, балки инсон үз ташвишлари ва аламларини бирор билан бўлишса, у анча енгил тортиши сабабли ҳам аҳамиятлидир.

Одамлар билан үзаро муносабатлар умримизни бойитади. Сиз қувончингизни баҳам күрган чогингизда уни икки баробар күпайтирасиз, лекин ташвишингизни айтиб бўлишсангиз, уни ярмигача камайтирасиз. Инглиз шоири лорд Байрон буни қуйидагича ифодалаган:

Шодликни кутувчи ҳар бир инсон
Уни бўлишиши шарт, —
Ахир баҳт эгизак каби туғилган.



Йигитча буларнинг барчасини юрагига яқин қабул қилас, доим ўз муаммоларини ичида сақлашга ҳаракат қиласди. Гарчи унинг дўстлари ва оиласи бўлса-да, улар билан ташвишларини ниҳоятда камдан-кам муҳокама қиласди. Лекин тан олиш керакки, у ҳеч қачон ўзаро яқин муносабатларнинг ривожланишини оддий ҳол деб билмасди.

— Буларнинг барчаси ажойиб, — деди у, — сиз нима демоқчилигингизни англаб турибман, лекин айрим кишилар мулоқотда қийинчилик сезадилар.

— Агар мулоқотда қийинчиликлар мавжуд бўлса, демак, ҳаётий қийинчиликлар ҳам бор бўлса керак, — деди жаноб Хансен.

— Ҳа, — рози бўлди йигитча. — Мана, мени мисол қилиб олсак. Доимо ёлғиз бўлганман. Катта қийинчилик билан дўстлашаман ва одамлар билан яқин ўзаро муносабатларга етишаман.

— Сиз қачон бўлмасин, «Ўтиб кетгани — келажакда бўладигани эмас» деган гапни эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Агар кеча нимадир рўй берган бўлса, бугун ҳам унинг яна содир бўлиши унчалик шарт эмаслиги назарда тутилмоқда. Ўтган йили мулоқотда қийинчиликларнинг бўлгани келажакда ўша муаммолар яна сақланишини билдирамайди. Тўгрироги, ўтмишда сиз ўзаро муносабатларга нотўғри нуқтаи назар билан ёндошгансиз.

— Нимани кўзда тутяпсиз? — сўради йигитча.

— Айтайлик, сиз учун инсонни нима мафтун этади?

— Билмайман. Шунчаки, баъзан инсон билан чиқишиб кетаман, гоҳида йўқ.

— Майли, бунга бошқа нуқтаи назардан қараймиз. Сизга ким билан осонроқ — кўзингизга тик боқувчими ёки назарини олиб қочувчи киши билами?

— Кўзимга қараган киши билан.

— Яхши. Сизга ким кўпроқ ёқади — қўлингизни маҳкам сиққанларми ёки кафти пайпаслаганда панжаси ҳўлга ўхшаган кишиларми?

— Маҳкам сиққанлар.



— Албатта. Ким билан иш олиб бориши мәңгүлроқ деб биласиз — фақат үзи тұғрисида сұзловчими ёки сиз билан қизиқадиган киши биланми?

— Албатта, мен ҳақимда қизиқадигани билан, — жавоб берди йигитча. — Лекин булаңнинг ҳаммаси равшан-ку.

— Сиз ҳақсиз, — деди жаноб Хансен, — дарҳақиқат, бу равшан. Лекин одам билан илк бор учрашганда үзингизга ҳисоб берасизми? Агар сиз қанчалар күп кишилар бу ҳақда ҳеч қачон үйлаб күрмаганлыklари, кейин эса бошқа одамлар билан муносабатларни йұлға қўйиш қийинлигидан ҳайрон бўлишларини билган тақдирингизда ҳайратда қолардингиз.

Йигитча бир лаҳзага нигоҳини четга қаратди:

— Тұғрисини айтсам, бу ҳақда ҳеч қачон жиiddий үйлаб күрмагандим.

— Бундан ташқари, агар үз дүстларимиз билан муносабатларимизни қўллаб-қувватлашни истасак, уларни қандай бўлса, шундай қабул қилишга ўрганишимиз ва уларнинг камчилигидай кўриниши мумкин бўлган хислатларига эътибор бермаслик зарур. Бунинг ўрнига уларнинг ижобий ва ҳайратга арзигуллик сифатларига диққатни жамлаш зарур. Биз уларнинг хатоларини кечиришга тайёр бўлишимиз керак, чунки улар ҳам камчиликларимизни кечиришларини хоҳлаймиз.

— Ҳа, — тасдиқлади йигитча. — Ўтган ҳафтада бир одам билан кечира билиш қуввати тұғрисида жуда узоқ сухбатлашдим.

— Кечира билиш баҳт учун ниҳоятда муҳим, — деди жаноб Хансен, — чунки бусиз ёлгиз ва газабнок бўлиб қолишимиз мумкин эди. Үзаро муносабатларимизда беихтиёр ҳар хил одамларга турлича муносабатда бўлсак, одатда, улар ҳам бизга шундай жавоб берадилар.

— Барибир, үзаро муносабатлар ҳар доим ҳам оддий эмас, шундайми? — сўради йигит.

— Назаримда, ҳар қандай муносабатларда доимо муаммолар ва ўзгача қарашлар мавжуд.

— Албатта, улар бор. Лекин бир оддий услугуб ҳар қандай үзаро муносабатларда ёрдам бериши мумкин.

— Унинг моҳияти нимада? — сўради йигитча.



— Ҳар қандай одамга гўё у билан бошқа ҳеч қачон кўришмайдигандек муносабатда бўлишга доимо ҳаракат қиласман.

Дўстларингиз, ҳамкасларингиз, оилангиз ва ҳатто бегона кишилар билан ўзаро муносабатларингиз — агар уларнинг ҳар бирини гўё сўнгги бор кўраётгандай мумомалада бўлсангиз — қандай кечишини ўзингиз тасаввур эта оласизми?

— Ҳозирча, унчаликмас. Хотинингиз ёки севгилингизни қайтиб ҳеч кўрмаслигингизга ишончингиз комил бўлса, уларга нисбатан ўзингизни қандай тутасиз? Уни бир қучиб ёки ўпид қўймасдан айрилиб кетишга йўл қўясизми?

— Йўқ.

— Қандайдир баҳсли масала ечилмаганини билиб туриб, у билан хайрлашасизми?

— Йўқ.

— У сиз учун нақадар аҳамиятлилигини унга айтмасдан кета оласизми?

— Йўқ.

— Ишхонангиздаги ҳамкаслар, дўстлар ва оила аъзоларингиз хусусида-чи? Агарда улардан бирортасини ҳеч қачон кўролмаслигингизга имонингиз комил бўлган тақдирда, сўнгги учрашувингизни иложи борича, эсда қоладиган бўлишига ҳаракат қилмайсизми? Айрилиш чогида наҳотки ёқимсиз туйгулар қолмаслиги учун қўлингиздан келганича ҳаракат қилмасангиз?

Йигит бош иргади. Жаноб Хансеннинг сўzlари унинг қандайдир яширин торларини чертиб юборди. У онасини сўнгги бор кўрган кунни хотирлади. Ўшанда ёзнинг жазира мақоласи куни эди, онаси чет элга таътилга жўнаб қетаётганди, у эса биргалиқда теннис ўйнагани келишиб олган дўсти билан учрашувга шошарди. Онасининг ёногидан наридан-бери ўпган бўлди-ю, юргурганча кетди. Ўшанда онаси энди ҳеч қачон қайтмаслигини, бу уларнинг сўнгти видолашуви эканлигини билмасди.

Шундан бери бу ҳақда тёз-тез ўйларди. Бу унинг бутун умридаги энг аччиқ армони бўлиб қолди. Энди йигитча ўзи яхши кўрадиган ва қадр-лайдиган бошқа кишилар



билан худди шундай хатони такорламасликни англарди. Жаноб Хансен айтганидек, бу жуда оддий: «Инсонларга гүё уларни қайтиб күрмайдигандек муносабатда бўл».

— Кўп кишилар, — деди жаноб Хансен, — ўзаро муносабатларини шунчаки қадрламайдилар. Мен ўз ишимдаги илгарилашни оиласдан муҳимроқ деб ҳисоблаганим туфайли ҳар иккаласини ҳам йўқотдим. Айрим кишилар пул ва буюмларни одамлар билан ўзаро муносабатлардан юқори қўядилар. Қанча ака-укалар, опа-сингиллар, ота-она ва фарзандлар пул туфайли бир-бирлари билан жанжаллашиб, юзкўрмас бўлиб кетиши ажабланарли. Лекин бу билан улар нафақат яқин ўзаро муносабатлардан, балки ўз баҳтларидан ҳам мосуво бўлаётганларини ҳатто гумон қилмай-дилар ҳам.

Йигитча кечки пайт уйида шу куни ёзганларини тартибига келтириди.

**Ҳақиқиӣ Бахтнинг тўққизинчи сири —
ўзаро муносабатлар қуввати.**

- ◆ Ҳаётнинг мазмуни одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар сифати билан белгиланади.
- ◆ Ҳеч ким кимсасиз оролда яшамайди. Ҳар бир одам бошқа инсонларга нисбатан талабгорликни сезади.
- ◆ Яқин ўзаро муносабатлар дориламон замонларни янада ажойиброк, оғир даврларни эса осонроқ қиласди. Баҳам кўрилган қувонч — икки баробар ортиқ қувончdir, бирор билан бўлишилган муаммо эса ярми қолган муаммодир.
- ◆ Ҳар бир кишига гүё уни ҳеч қачон қайтиб кўрмайдигандек муносабатда бўлинг.



ЎНИНЧИ СИР

ИШОНЧ ҚУВВАТИ

Йигитча рўйхатдаги охирги киши билан учрашишга муяссар бўлгунга қадар бир ҳафта ўтди. Шу вақт давомида билганларини баҳолашга ва амалда қўллашга имконияти бўлди. У бахтга эришишни ўзининг асосий мақсади қилиб олди ва ҳар қандай оғир вазиятда унинг ижобий томонларини излаб топишга интилди. Бундан ташқари, у мунтазам равишда жисмоний машгулотлар билан шугулланди. Тўгри овқатланишга риоя қилган ҳолда, ўз танаси қувватидан фойдалана бошлади.

Ишхонасида кечаётган лаҳзадаги ҳаёт сири, айниқса, фойдали экани маълум бўлди. Йигитча кўпроқ иш қилишга улгургаёттани, тартиблироқ ишлаёттани ва камроқ зўриқиши ҳамда бетинимлик сезаёттанини пайқади. Ҳатто унинг раҳбари ҳам йигитнинг меҳнат қобилиятидаги ўзгаришларни кўрсатиб ўтди ва унинг жонбозликларини мақтади. Йигитча ҳар куни ўзи ҳақидаги тасаввурларини кўтаришга ёрдамлашувчи позитив тасдиқларни такрорларди. Шунингдек, ҳар тонг ўзига бешта позитив савол берарди. Шу туфайли ўзини бардам ва янги кун синовлари билан учрашишга тайёрлигини сезаёттанини билиб қолди. У «тебранма курси услубини» синааб кўриб, ўз олдига ҳаётий ва қисқа муддатли мақсадларни қўйди. Уларни ёндафттарчасига ёзib олиб, калласида муҳрланиши учун кунда уч бор қайта-қайталаб ўқиди. У, дарҳақиқат, бирор нарсани хоҳлаёттани ва унга интилаёттанини



билган чогида вужудига құвват өткізу шиддатли оқиб кираётганини ҳис этишини пайқади.

Бундан ташқари, йигитча үзига нисбатан камроқ жиғдият билан қарайдыган ва ҳар бир содир бұлаёттан ҳодисада, айниқса, стрессли вазиятларда қайси дір кулғили томонини атайлаб құдіриб топадыган бўлди: Шунингдек, у ҳар бир кишига нисбатан худди уни ҳеч қачон қайтиб кўрмайдигандек муносабатда бўлиш тўгрисида ҳам унутмади ва натижада одамлар ҳам энди унга эътибор билан муносабатда бўлаётгандарига ишонч ҳосил қилди. Ўз атрофидагилар — дўстлари, қариндошлари ёки ишхонадаги ҳамкасбларига уларни қанчалик қадрлашини айтиш имкониятини қўлдан чиқармади.

Йигитча пайқаган асосий ўзгаришлардан бири ўзгаларга ёрдам бериш ва бошқалар билан ниманидир баҳам кўриш услубини излаш чогида, инсонларга баҳт ва шодлик ҳадя этаётгани ва шу пайтда үзи ҳам баҳтиёр ва шод бўлаётгани эди. Агар у кимгадир табассум билан боқса, бу албатта үзида ёқимли ҳислар уйготаётганини кашф этди. Ўзгаларга ҳеч бўлмаса озгина бўлса-да, кайфиятини кўтаришга ёрдамлашаётган ҳиссиёт жуда ажойиб эди.

Йигитча бутун дилини оғритган барчани кечиришга ҳаракат қилиш одатини ишлаб чиқди ва буни ҳар бир кун ниҳоясида тақрорларди. Натижада у энди ҳеч қачон бирордан хафа бўлиб ёки дили оғриб ухлашга ётмайдиган бўлди. У, қачон бўлмасин, авваллари ўзини бундан-да гайратлироқ, бардамроқ ва баҳтлироқ сезганига ҳеч шубҳаси йўқ эди. Энди у Ҳақиқий Баҳт сирлари ростдан ҳам ҳаракатдалигига заррача шубҳа қилмасди!

— Рўйхатдаги бу охирги одам эгаллаган билимларимга яна нима қўшиши мумкин? — фол очарди у.

Жун Хендерсон хоним шаҳардан бир неча чақирим шимол томонда унча катта бўлмаган хонадонда яшарди. Бу қирқ ёшдан ошган, кўркам, жуссаси ихчам, тилла ва жигарранг соchlари елкасига тушган, яшил кўзли аёл эди.

— Демак, сиз ҳам қария билан учрашибсиз-да, — деди Хендерсон хоним йигитчага.

— Ҳа. У бир неча ҳафта илгари, машинам бузилиб қолган чогида пайдо бўлганди.



- Мўъжизалар айнан сиз ҳеч кутмаган чоғингизда содир бўлиши жуда ҳайратланарли, тўғрими?
- Ўйлашимча, шундай, – жавоб берди йигитча.
- Буни соат ўн бир тамойили деб номлайдилар. Бу ҳақда эшитмаганмисиз?
- Йўқ, – деди йигитча бошини чайқаб.
- Биласизми, тунда энг совуқ вақт зулмат тонг олдидан бўлади. Худди шу тарзда, ҳаммаси бутунлай ғамгин ва умидсиз кўринганида айнан биз яхши томонга энг жиддий ўзгаришларни бошдан кечирамиз; айнан шу тобда сеҳрли нимадир рўй беради. Кекса хитойлик ҳам доимо ана шундай ўн биринчи соатда пайдо бўлади.
- Гапингизда жон борга ўхшайди, – деди йигитча.
- Мен қария билан учрашганимда гоятда баҳтсиз эдим, – деди Хендерсон хоним.
- Нима учун? – сўради йигитча.
- Бир ой аввал онамдан айрилгандим. Гўё кечагидек, ҳаммаси ёдимда.
- Кечирасиз, – деди у.

– Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида. Ўщаңда йигирма ёшларда эдим ва университетта кириш имтиҳонларини топширдим. Даҳшатли изтиробда эдим. Онамнинг саломатлиги, жуда кўп чекишига қарамасдан, аъло даражада эди. Лекин сигаретлар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. У таътил чогида юрак хуружи сабаб бўлиб, тўсатдан ўлди.

Бир куни хонадонимиз айвонида онам ҳақида ўйлаб, ёлғиз ўзим ўтиргандим. У ерда қанча узоқ ўтирганимни билмайман-у, қайсиdir фурсатда ёлғиз эмаслигимни сезиб қолдим. Қўшни хонадон айвонида кекса хитойлик туради. Нигоҳларимиз учрашди ва у табассум билан «Салом», деди. Биз гапга тушиб кетдик.

Бу галати эди — уни авваллари ҳеч кўрмаган бўлсан ҳам, ўзимни жуда кўпдан бери биладигандек ҳис қиласдим.

Йигитча чол билан танишганидан сўнг беш дақиқа ўтиши биланоқ ўз ҳаётининг энг шахсий тафсилотларини муҳокама этганини хотирлади.

– Чол донишманд ва мулойим эди, – деди Хендерсон хоним. – У қандайдир мусибатим борлигини тушунаётгандек туюларди. Энг ажабланарлиси, унинг ўзи



ўлим ҳақида гап очди. Айтдики, унинг мамлакатида ўлим ғам чекиш учун эмас, байрам қилишга сабаб ҳисобланаркан.

— Суйган одамингдан айрилиш ва уни бошқа ҳеч қачон кўролмасликни қай тарзда байрам қилиш мумкин?
— ҳайрон бўлиб сўради йигитча.

— Унга худди шундай савол бердим, — деди Хендерсон хоним, — ва қария баҳтнинг олтин қоидасини менга тушунтириди.

— О, ҳа! У ҳақда менга ҳам айтганди, — деди йигитча.
— Ишончлар ва кайфият ташқи шароитлар билан эмас, бизнинг ҳиссиётларимиз билан белгиланади.

— Тўппа-тўгри, — деди жилмайиб Хендерсон хоним.
— Чолнинг айтишича, бу дунёдаги қисқа ҳётимиз фақат мактаб сифатида хизмат қиласи ва таълимни тугатгандан сўнг, уни тарк этамиз. Инсон ўлганидан кейин унинг руҳи ўз саёҳатини давом эттиради. Барча буюк динларда гарчи тана ўлса-да, унинг руҳи яшашни давом эттиради ва биз бошқа мақон ва замонда суйган кишиларимиз билан қайта учрашамиз, деган таассуротлар мавжуд. Ҳатто Инжилда ҳам ўлимни қачон бўлмасин ҳаммамиз уйгонадиган «уйқу» деб атайдилар.

Хендерсон хоним йигитчадан унча узоқда бўлмаган деворга осилган тахтачани кўрсатди.

— Бу сўзларни илк бор мозорда, уч юз йиллик қабр устида ўқигандим, — деди у. Тахтачада шундай ёзув битилганди:

Қадим бир ривоят бор,
 Қаердадир, олис қирғоқда,
 Гам-андуҳлар чекинар нари,
 Дўстлар қайта учрашган чогда.

— Агар ўлим сўнгти ва якунловчи айрилиқ экан деб ҳисобланса, қалб буткул бўшаб қолади. Лекин одамлар бир-бирларидан фақат вақтингчалик айрилишлари, руҳлари яшайверишларига ишонса, бу кулфатни анча юмшатади.

— Ҳатто, агар ўлим ҳали якун эмас дея ҳисоблансада, ҳар қандай айрилиқ барибир гамгинлик келтиради, шундай эмасми? — сўради йигитча.



— Ҳа, ҳатто вақтингчалик айрилиқ ҳам алами бўлиши мумкин, — деди Хандерсон хоним, — айрим шарқ динлари марҳумнинг руҳи ўз асл уйига қайтиши ва сабоқнинг юқорироқ даражасига қўтарилиши туфайли, ўлимни қувончли ҳодиса ҳисоблади.

Лекин қария билан ўша кунги суҳбат нафақат гамимга сабр-бардошли бўлишга кўмаклашди, балки ўз қарашларимни қайта кўриб чиқишимга ундади.

— Қай тарзда? — сўради йигитча.

— Биласизми, бунга ишониш қийинроту, лекин мен доимо нимадандир ташвишланардим, — деди у.

— Ўн икки ёшга кирганимданоқ, қачон бўлмасин, ўлишимдан хавотирланардим! Тасаввур қила оласизми? Айтганларим ёки қилганларим, энди бажаражак ҳаракатларим ҳақида, қайси ишм тўгри бўлгани ва яна қайси нотўгри ишларга йўл қўйишим — ҳаммасидан ташвишланаверардим. Агар ташвиш учун бир асос бўлмаса, балки унга арзийдиган нарсани пайқамай қолдимми, деб безовталанаардим!

Йигитчага буни англаш унча қийин бўлмади. Куннинг каттагина қисмини у қандайдир ташвиш ҳисси билан ўтказарди: гоҳ бирор иш муддатидан, гоҳ ҳисоблар ҳақида, ўз соглиғи тўгрисида безовта бўлар; доимо унча тўгри бўлмаган нарса топиларди.

— Ўша ерда ўтириб, чол билан суҳбатлашаётган чогимда, — давом этди Хандерсон хоним, — ҳамиша биз чекадиган ташвишларнинг барчаси қанчалар аҳамиятсиз эканини бирдан англадим. Мен учун энг яқин кишининг ўлими қаршисидаги ҳисоблар, қарзлар, имтиҳонлар, иш ҳақидаги безовталанишлар... уларнинг ҳаммаси майдачуйдага айланди.

Кекса хитойлик билан учрашув чинакам ҳақиқий Баҳт сирлари билан танишишимга имкон берди ва чин дилдан айтаманки, бу сирлар ҳаётимни ўзгартириб юборди. Мен ўз баҳтим ёки баҳтсизлигимнинг ижодкори ўзим эканимни ҳеч қачон ўйламагандим. Масалан, ўз муносабатларим ва ўз ишончларимнинг нақадар муҳимлигини, тана ҳиссиётларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида, ўзинг тўгрингдаги яхши тасаввурлар



кучи ҳақида, мақсаддар ва ҳазил-мутойиба ҳисларининг зарурлиги тұғрисида билиб олдим. Ҳар бир күннинг қадрига етиш ва кечеётгап лаҳзада яшашга ўргандым. Назаримда, ҳаммасидан ўзлаштиришим мұхимроқ бұлган ва ҳаётимга энг күчли таъсир күрсатған бир сир бор эди. Бу сир... ишонч құввати.

— Ишонч? — қайталаб сұради йигитча. — Бахтга ишончнинг қаңдай алоқаси бор?

— Барчамиз нимагадир ишонишимиз зарур — нафақат баҳт учун, шунчаки, яшаш учун, — жавоб берди Хандерсон хоним.

— Мисол келтиришга ижозат этинг. Машинаңгиз борми?

— Бор.

— Үнда доимо бехавотир юриш мүмкінлігінде ишонасизми?

— Бир ой илгари техник күриқдан үттан!

— Нимага механик ҳаммасини синчиклаб текширган деб ҳисоблайсиз?

— Э-э-э... Албатта, балки аниқ ишонаман деёлмасман, лекин...

— Демак, сиз үша механикка ишонасиз. Яхши, машинани ҳайдаб кетаётганингизде нима учун аварияга учрамайман, деб үйлайсиз?

— Мен тартибли ҳайдайман, — жавоб берди йигитча.

— Демак, машина ҳайдай билишингизга ишонасиз. Бу ажайиб, лекин ахир йүлда бунчалик эхтиёткорлик билан ҳайдамайдыған бошқа ҳайдовчилар ҳам бор-ку, тұгри масми?

— Бұлиши мүмкін, — тан олди йигитча, — лекин назаримда, уларнинг күпчилігі етарли даражада дикқат-әзтиборлидір.

— Демак, сиз автомобиль рулида үтирган бошқа кишиларға ҳам ишонасиз. Энди сиз машина ҳайдаш учун уни ясаган ва техник хизмат күрсаттап кишиларға, ўзингиз ва бошқа ҳайдовчиларға ишониш кераклигини тушунасиз. Агар тинимсиз құрқув ва безовталиқда яшамасанғыз, умр кечиришингизге қанча ишонч зарур бұлишини ұтто тасаввур этиш қийин.



- Энди тушунаман, – деди йигитча.
- Лекин бизга ҳаммасидан кўра кўпроқ зарур бўлган бир ишонч мавжуд, м деди Хандерсон хоним. – Бу Худога, Олий зотга, Яратганга ишончdir.
- Худога ишониш баҳтли бўлиш учун зарур, демоқчимасмисиз? – сўради йигитча.
- Худога ишонмасангиз баҳтли бўлишингиз мумкин эмас, демадим. Бундай эътиқодсиз давомли баҳтга эришишингиз анча қийин кечади, дедим. Ҳақиқий Баҳтнинг пойдевори эътиқод ҳисобланади. Икки киши ўзига уй қурганини ўзингизча тасаввур қилинг. Бири гиштдан, иккинчиси кўмдан курди. Об-ҳаво яхши бўлиб турганида ҳар иккиси баҳтиёр, лекин ёмғир ёгиши билан қўмга қурилган уй йиқилади. Эътиқод узоқ муддатли баҳт қурилган тош ҳисобланади; у ҳар қандай талафотларни енгади ва ҳамма баҳтсизликларга умид ва матонат бағишлади.

Уилям Жеймс ёзганди: «Инсон яшаётган қучлардан бири эътиқоддир, унинг бутунлай йўқлиги ҳалокатни билдиради». Махатма Ганди айтганди: «Эътиқодим бўлмаганида аллақачон ақлсиз бўлиб қолардим». Яратганга иймон-эътиқодсиз ҳаёт шубҳаларга, ташвишларга, нотинчилар ва кўрқувларга тўлиқ бўлади. Руҳшунослик изланишлари кўрсатишича, кучли диний эътиқодли кишилар руҳий зўриқиши ва стресс билан боғлиқ изтироблардан камроқ азият чекадилар. Ижозатингиз билан бир нарса кўрсатсан. – У жавондан қандайдир китобни олди. Бу доктор Карл Юнгнинг «Замонавий инсон руҳ излаб» китоби эди. – Доктор Юнг нима ёзганини тингланг, – деди Хандерсон хоним.

«Умрининг ярмидан кўпрогини яшаб қўйган, яъни ўттиз бешдан ошган ҳамма беморларим орасида муаммоларини охир-оқибатда ҳаётга диний назар излаш билан боғламаган бирон киши бўлмаган. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу кишиларнинг ҳар бири ҳар қандай даврнинг асл динлари ўз ихлосмандларига инъом этганларни йўқотганлари сабабли дардга йўлиқканлар ва ўз диний қарашларини тиклолмаган бирон кишини чинакамига тузатишга эришиб бўлмади».



— Нима ҳақда гапираёттанингизни англаб турибман, — деди йигитча, — лекин Худонинг ҳақиқатда борлигига унчалик ишонмайман.

Хандерсон хоним бир лаҳзага ўйланиб қолди:

— Агар сизга фазовий кема миллион йил мобайнида ўзидан ўзи яралиб қолди, унга зарур бўлган металл, ёғоч, пластмасса парчалари ва турли кимёвий моддалар бирлашиб қолди, десам, ҳойнаҳой, мени ақлдан озган деб ҳисоблардингиз, тўгрими?

— Ҳа, эҳтимол.

— Фазовий кемалар мавжудлигини биласиз, демак, уларнинг яратувчиси ҳам бор, тўгрими?

— Шундай, — тасдиқлади йигитча.

— Инсон танасини ўрганаркансиз, фазовий кемага нисбатан гоят мураккаб тузилмани топасиз, — сўзини давом эттириди Хандерсон хоним. — Масалан, «Колумбия» кемаси 5,2 миллион алоҳида қисмлардан иборат, инсоннинг фақат биргина кўзи эса миллиардан кўпроқ унсурлардан ташкил топган. Олимлар инсон вужудининг тузилишидан ниҳоятда ҳайратланишлари мумкин, холос. Бизнинг барча техник муваффақиятларимизга қарамасдан, инсон мияси билан таққослаш мумкин бўлган бир нарсани яратиш учун Эмпар Стейт билдинг ҳажмида компьютер қуриш талаб этиларди. Табиатда шунга ўхшаш бениҳоя мураккаб ва аниқ мисолларни топиш мумкин.

— Мабодо, Худо бор бўлса, — эътиroz билдириди ҳали ҳам ишонч ҳосил қилолмаган йигитча, — нима учун жаҳонда ҳали шунчалик кўп гам-андуҳ мавжуд?

— Бир неча кун илгари гоятда баҳтсизлигингизни айтгандингиз, — жавоб берди Хандерсон хоним. — Нима учун энди ҳаммаси ўзгариб қолди?

— Чунки ҳақиқий Баҳт сирлари ҳақида билиб олдим, — деди йигитча.

— Агар ўз баҳтингизни яратишга кучингиз етган бўлса, нима учун кимлардир ташқаридан ёрдамга умид қилиши керак?

— Тушунаман, — жавоб берди йигитча. — Биз ўз баҳтимиз учун ўзимиз жавобгармиз.



— Албатта. Шу боис, агар инсон бебаҳт бўлса, бунинг сабаби унинг шахсий фикрлари ва ҳаракатларида яширинган. Бунинг бошқа сабаби йўқ. Мен учун бу ҳақиқий Бахт сирларининг энг ажойиб сабоқларидан бири — сени баҳтли ёки баҳтсиз қила оладиган ягона мавжудот бор ва бу мавжудот — сенинг ўзинг.

Йигитча бош иргади:

— Ҳа, ўйлайманки, бу рост гап.

— Охир-оқибатда, — сўзида давом этди Хандерсон хоним, — эътиқод бу барчамиз ўзимизда топишимиз зарур бўлган нарса. Лекин шунга қатъий ишончим комилки, агар инсон ҳақиқатни изласа, уни топади. Вақти-вақти билан, ўзимизни бутунлай тўғри йўлдан адашган ва йўқотгандай ҳис этган чогимизда қалбимизни чертадиган нимадир содир бўлади. Истасангиз, буни кичик мўъжиза деб аташ мумкин.

— Масалан? — сўради йигитча.

— Масалан, кекса хитойлик билан учрашувингиз!

Йигитча кечқурун, ўйқуга ётишдан аввал кун давомида ёзганларини такрор ўқиди:

Ҳақиқий Баҳтнинг ўнинчи сири — ишонч қуввати.

- ◆ Ишонч ҳақиқий Баҳтнинг пойдевори ҳисобланади.
- ◆ Ишончсиз давомли баҳт бўлиши мумкин эмас.
- ◆ Эътиқод одамларда ишонч уйготади, ақлни тинчлантиради ва қалбни шубҳа, ташвиш, беҳаловатлик ва қўрқувдан ҳалос этади.





ХОТИМА

Йигитча машинага ўтираётганида юзида ёмгир томчиларини сезди, бир неча дақықадан кейин эса момақалдироқ гүмбурлади. Яшпин чақнаб, кетидан олд ойнага шиддат билан урилиб қаттиқ жала қуя бошлади. Йигитчанинг хаёли бир йилча бурун кекса хитойлик билан учрашган ўша оқшомга қайтди. Ўшанда ўзини нақадар баҳтсиз ҳис қилганини, ҳаётини бутун умрга ўзгартирадиган сирли инсон билан учрашишини ҳали билмай шамол ва ёмгир аро машинаси томон юриб бораётганини эслаб кулимсираб қўйди.

Ўша учрашув лаҳзасидан бошлаб йигитнинг ҳаёти тубдан ўзгарди. У ўзини ҳар қачонгидан кура гайратлироқ, бардамроқ ва баҳтлироқ ҳис эта бошлади. Буни атрофдагилар ҳам пайқадилар — унинг кўзларида учқунлар чақнарди, юриш-туриши чақон, чехрасидан табассум аримасди. Унинг иши, хонадони, машинаси ва дўстлар давраси ўша-ўша эди, аммо ҳаётида ўзгаргани... танҳо ўзи эди.

Одамлар ундан нимага доим курсанд кўринишини тез-тез сўраб туришарди. Шундай ҳолларда у кекса хитойлик билан учрашуви ва ҳақиқий Баҳт сирлари тўғрисидаги воқеани уларга мамнуният билан сўзлаб берарди. Билганларини бирорлар билан баҳам кўриш имконияти унга катта баҳт келтиради, чунки сўзлари бу одамлар ҳаётида ҳам худди ўзининг ҳаётидаги каби ўзгаришлар киритиши мумкинлигини англарди. Кўпчилик миннатдорчилек билдириш ва бу сирлар улар ҳаётида қандай ёрдамлашганини сўзлаб бериш



учун унинг уйига құнғироқ қилардилар. Ва қүпинча бу воқеалар тұгрисида китоб ёзишни таклиф этардилар.

Тұсатдан баланд овозда нимадир гумбурлади, машина капотидан тутун үрләди. Йигитча машинасини йүл четига олди ва авария хизматини ча-қириш учун энг яқын телефонгача шоссе бўйлаб икки ярим чақиримча масофани босиб ўтди.

Машинаси томон қайтаркан, йигитча табассумдан ўзини тиёлмади. Уни ўша вазият күпроқ ҳаяжонга соларди. У бир йил аввалгидек, машинага суянганча кутаётган кекса хитойликни яна күриб қолишига умид қиларди. Қарияга миннатдорчилік билдиromoқчи ва ҳақиқий Бахт сирлари туфайли унинг ҳаёти қанчалик ўзгарғанлиги тұгрисида ҳикоя қилиб бермоқчи эди. Лекин нияти амалга ошмади — чол йўқ эди.

Йигитча машинаси томон яқинлашиб, эшик қулфига калит солаётиб, ерда ётган оч сариқ нимагадир кўзи тушди. У эгилиб ўша буюмни кўтарди.

— Ё, алҳазар, — дея шивирлади у ўзига ўзи. У қулида сариқ бейсбол кепкасини тутиб турарди!

Машинасида ўтирганича авария хизмати механигини кутаркан, хаёлига бир фикр келди. У ручкасини олиб, ёндафттарчасини очди ва ёзди: «Ҳаммаси совуқ ва ёмгирили октябрь оқшомидан бошланди».





МУНДАРИЖА

Кириш	5
Рұлдаги одам	7
Учрашув	10
Биринчи сир МУНОСАБАТЛАР ҚҰВВАТИ	19
Иккінчи сир ТАНА ҚҰВВАТИ	32
Учиничи сир ЛАҲЗА ҚҰВВАТИ	46
Түртінчи сир ЎЗИ ҲАҚИДА ТАСАВВУРЛАР ҚҰВВАТИ	55
Бешинчи сир МАҚСАД ҚҰВВАТИ	67
Олтинчи сир ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА ҚҰВВАТИ	75
Еттінчи сир КЕЧИРИШ ҚҰВВАТИ	83
Саккизинчи сир ҲАДЯ ҚҰВВАТИ	91
Тұққизинчи сир ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ҚҰВВАТИ	99
Үнинчи сир ИШОНЧ ҚҰВВАТИ	108
Хотима	117

15000 сур'я
УДК: 159.9
КБК 88.37(3)
Ж47

Жексон, Адам
Ж47 **Бахтли бўлишнинг ўнта сири:** Донишмандлик
ва бахтли бўлиш ҳақида замонавий зарбулмасал/ А.
Жексон; таржимон Гулчехра Муҳаммаджон
- Т. :«DAVR PRESS» НМУ, 2013 - 120 б.

ISBN 978-9943-4075-8-9

УДК: 159.9

КБК 88.37(3)

Адабий-бадиий нашр

БАХТЛИ БЎЛИШНИНГ ЎНТА СИРИ

Бош муҳаррир Гулчехра Муҳаммаджон
Муҳаррир Хосият Ражабова
Мусаҳҳих Диором Ҳотамова
Саҳифаловчи-дизайнер Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами AI-№ 213
2013 йил 5 февралда нашриётта топширилди.
2013 йил 20 марта босишига рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32 «Baltica APP» гарнитураси.
Шартли босма табоги 6,3.

Нашриёт ҳисоб табоги 4,5. Адади 2000 нусха.
685-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа
уйида тайёрланди.
"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 20^а-дача, 42-уй.
Тел: 8(371) 120-1299;
Маркетинг бўлими: 8(371) 120-1233
Web: www.davrpress.uz, www.kitoblar.com;
E-mail: davr-press@mail.ru